

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№4 (12) 2012



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашидjon Қодиров
Ниғматилла Йўлдошев
Зоҳид Дўсанов
Ҳақимбой Ҳалимов
Алишер Шарафутдинов
Шўҳрат Узақов
Толибjon Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинjon Исмоилов
Светлана Ортиқова
Баҳодир Исмоилов
Аббосjon Сангинов
Мўхтор Зоиров
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2011 йил 29 апрелдаги 172/5-сонли қарори билан илмий журналлар рўйхатига киритилган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олманган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №
Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

М У Н Д А Р И Ж А

К.РАШИДОВ.

Ўзбекистон Республикасида хорижий расмий ҳужжатларни тасдиқлашнинг ҳуқуқий асослари.

1

О.НАБИЕВ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини юксалтириш масалалари.

6

Ш.МУСТАФОЕВ.

Ҳўжалик судлов иши жараёнида прокурор ваколатларини таъминлашга доир айрим масалалар.

8

Х.ОДИЛҚОРИЕВ.

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида касбий ҳуқуқий маданиятни юксалтириш муаммолари.

12

Ф.БАКАЕВА.

Роль обучения в сфере прав и свобод человека в повышении уровня профессионализма

15

работников правоохранительных органов.

15

Н.ХАТТАБОВ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданиятини ошириш — давр талаби.

19

Ф.ЖОВЛИЕВ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий маданияти тавсифи.

22

С.АЧИЛОВ.

г

Тезкор-қидирув фаолиятида ахлоқий нормаларнинг аҳамияти.

28

А.ҚОДИРОВ,

Й.ЗУХИРОВ.

Касбий ахлоқни ривожлантириш — демократик ислохотларни чуқурлаштириш талаби.

31

Ш.ЯКУБОВ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларнинг ходимлари касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш истиқболлари.

33

Б.ПЎЛАТОВ.

Ўзбекистонда конституциявий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари ва босқичлари.

36

Б.САМАРХОДЖАЕВ.

Конституция Республики Узбекистан и особенности инвестиционных отношений.

40

Ф.РАХИМОВ.

Асосий Қонунимиз — инсон ҳуқуқларининг кафолати.

46

Б.РУЗМЕТОВ.

О некоторых криминалистических аспектах тактики подготовки к производству следственных действий.

48

М.МУСАЕВ.

Миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро муносабатини белгиловчи қоидалар.

52

Н.НАЗАРОВА.

Вопросы повышения профессиональной этики сотрудников правоохранительных органов.

56

А.МАМАТҚУЛОВ.

Конституциямизда халқ ҳокимиятчилигининг ифодаланиши.

58

Х.КАРИМОВ.

Инсон ҳуқуқлари кафолатининг ҳуқуқий асослари.

60

А.ҲИДОЯТУЛЛАЕВ.

Конституциявий меъёрларнинг банк тизими ислохотларидаги аҳамияти.

62

Д.САЪДУЛЛАЕВ.

Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилишнинг конституциявий ҳуқуқий асослари.

65

Л.АЧИЛОВА.

Классификация гостиничных услуг.

68

Н.РАСУЛОВ.

Генезис и актуальные вопросы кодификации норм международного водного права.

71

Суд амалиёти.

74

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХОРИЖИЙ РАСМИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАСДИҚЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(легаллаштириш ва апостиль қўйиш тартибдаги содаллаштиришлар ҳақида)

Анъанага кўра бир давлат ҳудудида берилган ва юридик кучга эга бўлган ҳужжатлар бошқа давлат ҳудудида, агар давлатларнинг қонунчилигида ёки улар иштирокчиси бўлган халқаро шартномаларнинг легаллаштириш таомилини бекор қилувчи қоидаларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, улар белгиланган тартибда тасдиқлангандан (легаллаштирилгандан) кейингина ишлатилиши мумкин.

Ҳозир бундай тасдиқлашнинг икки усули — консуллик легаллаштириши ва махсус штамп — апостиль қўйиш тарқалган.

Консуллик легаллаштириши ҳужжатларнинг улар ишлаб чиқилган давлат қонунчилигига мослигини тасдиқлашдан иборат, у мансабдор шахс имзосининг ҳақиқийлигини, унинг мақомини ва тегишли ҳолларда, ҳужжатлар ва далолатномалардан бошқа давлатда фойдаланиш мақсадида улардаги ваколатли давлат органининг муҳрини тасдиқлашни англатади. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, шунингдек, Адлия вазирлиги томонидан 1997 йил 12 мартда 313-сон билан рўйхатга олинган Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўриқнома Ўзбекистон Республикасида консуллик легаллаштириши масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга нисбатан тегишли давлатларнинг қонунлари бўйича тузилган фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлатларнинг ваколатли органлари томонидан берилган ҳужжатлар легаллаштирилган ёки апостиль қўйилган тақдирда, Ўзбекистон Республи-

касида ҳақиқий деб тан олинади” (1173-модда. Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини тасдиқлаш учун хорижий давлат органлари томонидан берилган ҳужжатларни тан олиш).

1996 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг Консуллик устави XI бобига кўра, ҳужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш бўйича вазифалар Ўзбекистон Республикаси консуллари зиммасига юкланади. Консул консуллик округи ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган ёки улардан чиқадиган ҳужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш учун қабул қилади. Ўзбекистон Республикасининг ташкилот ва муассасалари хорижий давлатнинг ташкилот ва муассасаларидан чиқадиган ҳужжатлар ва далолатномаларни консуллик легаллаштириши бўлгандагина кўриб чиқиш учун қабул қилади, агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳамда ташкилот ва муассасаларидан ушбу ҳужжатлар ва далолатномалар чиқадиган давлат иштирокчилари бўлган халқаро шартномада бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса.

Консул ҳужжатлар ва далолатномаларни легаллаштириш учун консуллик округининг туриш давлатининг ташкилот ва муассасаларидан чиқадиган ҳужжатлар ва далолатномаларни тасдиқлаш ваколати берилган мансабдор шахслари имзолари ва муҳрларининг намуналарига эга бўлиши лозим.

Консуллик легаллаштириши тартиб-таомилининг амалга оширилишини кўриб чиқамиз. Нотариус томонидан тасдиқланган ҳужжат бошқа мамлакат ҳудудида кучга эга бўлиши учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига юборилади, у ерда нотариус имзосининг ва унинг муҳри оттискининг ҳақиқийлиги тасдиқланади. Шундан сўнг ҳужжат Консуллик легаллаштириши тўғрисида йўриқномада белгиланган тартибда Ўзбе-

кистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консуллик бошқармасида ва у ҳудудида фойдаланиладиган давлатнинг дипломатик ваколатхонасида ёки консуллик муассасасида легаллаштирилади.

Кўриниб турибдики, консуллик легаллаштириши тартиб-таомили анча мураккаб ва каттагина сарф-харажатларни талаб қилади. Аммо у мукамал эмас, чунки бундай кўп поғонали ва сермашаққат тартиб-таомил орқали ўтган ҳужжат консуллик хизмати легаллаштирган давлат учунгина ҳақиқий бўлди.

Хорижий ҳужжатларини тан олиш жараёнини соддалаштириш мақсадида 1961 йил 5 октябрда Гаага шаҳрида (Нидерландия) Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи конвенция имзоланди. Конвенциянинг иштирокчи мамлакатлари учун ушбу мамлакатлардан униси ёки бунисига юборилаётган (иштирокчи мамлакатлардан бирида берилган ва фойдаланилган) расмий ҳужжатларни дипломатик ёки консуллик легаллаштириши талаби бекор қилинди (соддалаштирилди), легаллаштириш ўрнига анча оддий ва Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатлари учун ягона бўлган янги тасдиқлаш тартиб-таомили жорий қилинди, ҳозир бундай мамлакатлар сони 100 тадан ортиқ.

“Ўзбекистон Республикасининг Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябр) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган 279-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ мамлакатимиз Гаага конвенциясига қўшилди.

Гаага конвенцияси мамлакатимиз учун кучга киргандан сўнг Ўзбекистон Республикасида берилган ва Гаага конвенциясининг бошқа иштирокчи мамлакатларининг расмий органларига тақдим этиш учун мўлжалланган ҳужжатлар алоҳида, соддалаштирилган тартибда тасдиқланмоқда: Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари махсус штамп (апостиль) қўймоқда, уни кейин тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайди ва у Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатларининг расмий муассасалари томонидан тан олинади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябр) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида”, 2011 йил 5 июлдаги 1566-сонли Қарорига мувофиқ апостиль қўйиш ваколати бериладиган органлар белгиланди. Ўзбекистон Республикасида қуйидаги муассасалар апостиль қўяди:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — судлар, адлия органлари ва муассасаларидан

чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси — прокуратура, тергов ва суриштирув органларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази — таълим ва фан соҳаси ташкилотларидан чиқадиган расмий ҳужжатларга;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги — барча бошқа расмий ҳужжатларга.

Қайд этиш жоизки, Ўзбекистон Республикасида апостиль қўйиш ваколати берилган органлар сони, чет эл тажрибасини ҳисобга олган ҳолда, биттадан тўрттагача кўпайтирилди. Францияда ушбу вазифа фақат маъмурий-ҳудудий бирликларнинг апелляция судлари зиммасига юкланган. Швеция ҳукумати апостиль қўйишни марказлаштиришдан воз кечди ва 250 тага яқин бўлган барча жамоат нотариусларини апостиль қўйиш учун ваколатли органлар этиб тайинлади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳужжатларга апостиль қўйиш ваколати берилган органлари ҳужжатларни уларнинг чет элларда амал қилиши учун расмийлаштириш чоғида Гаага конвенциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек, Апостиль қўйиш тартиби тўғрисидаги низомга риоя қилишлари лозим. Ҳужжатларга апостиль қўювчи ходимлар уларнинг Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мослигини, шунингдек, нотариуслар томонидан ҳужжатларнинг расмийлаштирилиши тўғрилигини текширишлари лозим.

Гаага конвенциясининг 1-моддасига мувофиқ хорижий ҳужжатларни (консуллик) легаллаштириш талабини бекор қилиш аҳдлашувчи давлатлардан бирининг ҳудудида берилган расмий ҳужжатларга нисбатан жорий этилади ва бошқа аҳдлашувчи давлат ҳудудида тақдим этилиши лозим.

Гаага конвенциясида расмий ҳужжатлар деб қуйидагилар тушунилади:

— давлат юрисдикциясига бўйсунувчи орган ёки мансабдор шахсдан чиқадиган ҳужжатлар, шу жумладан прокуратурадан, суд котибидан ёки суд ижрочисидан чиқадиган ҳужжатлар;

— маъмурий ҳужжатлар;

— нотариал далолатномалар;

— ҳужжатнинг ёки мўайян санада рўй берган фактнинг рўйхатга олинишини тасдиқловчи расмий гувоҳномалар, имзоларни расмий ва нотариал тасдиқлаш каби кишилар томонидан хусусий шахс сифатида имзоланган ҳужжатларга ёзилган расмий ёзувлар.

Гаага конвенцияси маълумот, фуқаролик ҳолати, меҳнат стажи тўғрисидаги ҳужжатларга, тирик эканлик тўғрисидаги гувоҳномаларга, маълумотномаларга, ишончномаларга, фуқаролик, оилавий ва жиноят ишлари бўйича суд қарорлари ва материалларига жорий этилади.

Гаага конвенцияси қоидалари дипломатик ва консуллик агентлари томонидан берилган ҳужжатларга, шунингдек тижорат ёки божхона операциясига бевосита алоқадор бўлган маъмурий ҳужжатларга жорий этилмайди. Уларга битимлар тузиш, товарларни чегара орқали ўтказиш бўйича келишувлар, товарларни етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги, улар бўйича турли ишларни ва ҳисоб-китобларни амалга ошириш тўғрисидаги шартномалар (контрактлар) ва бошқалар киради. Ушбу тартиб ҳудудда мазкур ҳужжатлардан фойдаланиладиган мамлакатларнинг ички қонунчилигида назарда тутилган ҳолларда улар одатдаги йўсинда легаллаштирилиши лозим, яъни бир неча муассасада тасдиқловчи ёзувни бирин-кетин қўйиб чиқишни ўз ичига олувчи консуллик легаллаштириши қўлланилади. Бундай турдаги ҳужжатларни легаллаштиришда кўп поғоналикнинг сақланиши тижорат корхоналари фаолиятини қатъийроқ назорат қилиш имконини беради. Айтилганда уставлар ва таъсис ҳужжатларига, патентлар ва давлат ҳокимияти ёки бошқаруви органидан чиқадиган бошқа ҳужжатларга (рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳномалар, лицензиялар ва ҳ.) апостиль қўйилади. Устав ҳужжатларида, шунингдек уларга ўзгартиш ва қўшимчаларда рўйхатга олувчи ёки солиқ органининг белгиси ва муҳри, шунингдек, рўйхатга олувчи орган мансабдор шахсининг имзоси бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикасида берилган ва Гаага конвенциясининг бошқа иштирокчи мамлакатлари расмий органларига тақдим этиш учун мўлжалланган ҳужжатлар алоҳида, соддалаштирилган тартибда тасдиқланади: Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органлари кейин тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайдиган ва Конвенциянинг барча иштирокчи мамлакатлари расмий муассасалари томонидан тан олинадиган махсус штамп (апостиль) қўяди. Гаага конвенциясининг 9-моддасига кўра, ҳар бир аҳдлашувчи давлат унинг дипломатик ёки консуллик агентлари Конвенцияда легаллаштиришдан озод этиш назарда тутилган ҳолларда уни амалга оширмасликлари учун зарур чораларни кўради. Апостиль имзонинг ҳақиқийлигини ва ҳужжатни имзолаган шахсининг вазифасини ва зарур бўлганда ушбу ҳужжат гувоҳлантирилган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини ва бошқаларни тасдиқлайди.

Апостиль ҳар бир ҳужжат тақдим қилувчининг илтимосига кўра бевосита ҳужжатнинг матндан бўш жойига ёки унинг орқа томонига ёхуд алоҳида қоғоз варағига қўйилади. У апостиль штампини босиш кейин уни тўлдириш ва муҳр қўйиш йўли билан амалга оширилади. Апостиль штампини тўлдириш Гаага конвенциясига, қонунчиликка, шунингдек апостиль қўйиш ваколати берил-

ган органларнинг йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Апостиль қўйиш ваколати берилган орган апостиль штампига Ўзбекистон Республикаси Давлат гербининг тасвири ва уни қўйиш ваколати берилган органнинг номи туширилган муҳрни қўяди. Муҳрда бошқа тасвирлар ва ёзувлар бўлмаслиги лозим. Нотариуслар томонидан тайёрланган ҳужжатлар тоза қоғоз варағида расмийлаштирилади.

Апостилга қўйиладиган имзо, муҳр ёки штампни кейин ҳеч қандай тасдиқлаш ёки легаллаштириш талаб этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг барча муассаса ва ташкилотлари Гаага конвенциясида назарда тутилган ҳолларда хорижий ҳужжатларни уларни легаллаштирмай қабул қилиши лозим ва Гаага конвенцияси иштирокчи мамлакатларидан келадиган ва апостиль қўйилган хорижий ҳужжатларни қабул қилишни ва фойдаланишни рад этиши мумкин эмас.

Апостиль қўйган орган ҳар бир манфаатдор шахсининг талаби бўйича апостилдаги ёзувлар қайдлар дафтарида ёки картотекага киритилган маълумотларга мос келишини текшириши лозим. Бунинг учун апостиль қўювчи шахслар апостиль қўйиш йўли билан тасдиқлаш талаб этиладиган расмий ҳужжатлар келиб тушувчи (ёки келиб тушиши мумкин бўлган) қарамоғидаги муассасаларнинг мансабдор шахслари имзоларининг намуналарига эга бўлиши лозим.

1997 йил 12 мартда қабул қилинган 313-сонли Консуллик легаллаштириши тўғрисидаги йўриқномада Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган ёки ўз мазмуни бўйича давлат манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган ёки чет элларда фойдаланиш учун мўлжалланган ҳужжатларни расмийлаштиришни тартибга солувчи талаблар бузилган ҳолда расмийлаштирилган ёки фуқароларнинг ор-номуси ва кадр-қимматига иснод келтирувчи маълумотларга эга бўлган ҳужжатлар ва далолатномаларнинг легаллаштирилиши ёки уларга апостиль қўйилиши мумкин эмаслиги белгиланган.

Шунингдек, қўйидаги ҳужжатларнинг асл нусхалари ва нусхаларини легаллаштириш мумкин эмас: паспортлар, партияларга мансублик ҳақидаги ҳужжатлар, касаба уюшмаларининг аъзолик ҳужжатлари, меҳнат дафтарчалари, ҳарбий гувоҳномалар, шахсий гувоҳномалар, ҳайдовчилик гувоҳномалари, табақалар ва диний этиқодларга мансублик ҳақидаги ҳужжатлар ва бошқа айрим ҳужжатлар. Ҳужжатнинг бу қисмига ўзгартишлар киритилмайди, шекилли.

Агар халқаро шартномада ушбу тартиб-таомилларни бекор қилиш ёки соддалаштириш назарда тутилган бўлса, консуллик легаллаштирилиши ва апостиль қўйиш талаб этилмайди. МДҲ-

га аъзо давлатлар томонидан 1993 йил 22 январда Минск шаҳрида имзоланган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенциянинг 13-моддасига биноан, ахдлашувчи томонлардан бирининг расмий ҳокимият органлари тарафидан берилган ҳужжатлар расмий ҳужжатлар деб ҳисобланади ва уларни бошқа ахдлашувчи томон ҳудудида бирор тасдиқлаш (легаллаштириш) талаб этилмайди. Арманистон Республикаси, Белоруссия Республикаси, Грузия, Молдова Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон, Украина, Ўзбекистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Қозоғистон Республикасидан иборат 11 та давлат Минск конвенциясининг иштирокчилари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси томонидан МДҲнинг бир қатор давлатлари ва Грузия, шунингдек, Болгария (16-модда), Латвия (13-модда), Литва (13-модда), Чехия (13-модда) ва Туркия (14-модда) билан тузилган Фуқаролик, оила ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги икки томонлама шартномалар худди шундай кучга эга. Бундай ҳужжатлар учун фақат ҳужжатнинг тегишли тилга таржимаси тўғри эканини тасдиқловчи нотариал тасдиқлаш талаб этилади.

Ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги шартномаларнинг консуллик легаллаштириши талабини бекор қилувчи моддаларини талқин қилишга тааллуқли бирор мунозарали масалалар юзага келганда, бундай ҳолатлар амалиётда тез-тез учрайди, ахдлашувчи томонлар уларни ҳамжиҳатлик асосида ва умумий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда ҳал этадилар.

Қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси анчагина ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномаларга эга. Уларнинг кўпчилиги Минск конвенцияси қоидаларига ўхшаш шартларга эга, аммо ҳар бир ҳолатда муайян шартномани диққат билан ўқиб чиқиш керак бўлади, чунки муҳим фарқлар кўриниши мумкин. Масалан, легаллаштиришни бекор қилиш ҳар қандай ҳужжатга эмас, балки фақат бир давлат бошқа давлатга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тариқасида тақдим этилган ҳужжатларга (масалан, агар ушбу шартнома жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисида бўлса, жиноятчилар ҳақидаги маълумотлар) тааллуқли бўлиши мумкин. Шартнома фақат жиноят ишларига ёки аксинча фақат фуқаролик ишларига тааллуқли бўлиши мумкин ва ҳ.

Бир давлатнинг расмий ҳужжатлари, агар ҳужжатда консуллик легаллаштириши тўғрисида белги ёки апостиль штампи бўлса ёхуд улар бўлмаган тақдирда ҳужжатни берган ва уни қабул қилиб олувчи давлатлар имзолаган кўп томонлама ёки икки томонлама шартнома қоидалари сабабидан

бошқа давлат ҳудудида расмий ҳужжатлар сифатида кўриб чиқиш учун қабул қилиниши мумкин. Албатта, аввал расмий (кўпинча — нотариал тасдиқланган) таржима талаб этилиши мумкин. Шундан сўнг ундан (ҳужжат билан бирга унинг тасдиғи ҳамда таржимаси) иккинчи мамлакатнинг ички ҳужжатлари билан тенг ҳуқуқда фойдаланса бўлади, демак ундан нотариал тасдиқланган нусхалар олиш, давлат органларига, банкларга топшириш мумкин ва ҳ.

Гаага конвенциясининг барча иштирокчи мамлакатларида расмиятчиликнинг бир хиллиги Конвенциянинг муҳим талаби ҳисобланади. 4-моддага кўра, ушбу мақсадда апостилнинг ягона намунаси ишлаб чиқилди, у Конвенцияни имзолаган турли давлатлар томонидан ваколат берилган органларда сақланади.

Гаага конвенциясига кўра, апостиль томонлари 9 сантиметрдан кам бўлмаган квадрат шаклига эга ва Конвенцияга илова қилинган намунага мос келиши лозим.

Рус тилидаги намунавий апостиль матнида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- апостиль берган давлатнинг номи,
- апостиль билан тасдиқланадиган ҳужжатни имзолаган шахснинг фамилияси,
- апостиль билан тасдиқланадиган ҳужжатни имзолаган шахснинг лавозими,
- апостиль билан тасдиқланадиган ҳужжат муҳри/штампи билан гувоҳлантирилган муассасанинг номи,
- апостиль қўйилган шаҳарнинг номи,
- апостиль қўйилган сана,
- апостиль қўйган органнинг номи,
- апостилнинг тартиб рақами,
- апостиль қўйган муассасанинг муҳри/штампи,
- апостиль қўйган мансабдор шахснинг имзоси.

Апостиль Конвенциянинг расмий тилларидан бирида (француз ёки инглиз) ҳам, апостиль қўйган давлатнинг миллий тилида ҳам тузилиши мумкин. Амалиётда апостилдаги ёзувлар кўпинча икки тилда (Конвенция тилларидан бирида ва миллий тилда) такрорланади.

«Apostille (Convention de la Haye du 5 octobre 1961)» сарлавҳаси француз тилида бўлиши лозим.

Конвенцияга мувофиқ, апостиль ҳужжатнинг ўзига ёки ҳужжат билан бириктириладиган алоҳида вараққа қўйилади.

Конвенцияда апостиль матнига ўзгартишлар киритиш ва унинг сатрларининг штампдаги жойлашуви кетма-кетлигини ўзгартириш рухсат этилмаган. Шунингдек, тасдиқланадиган ҳужжатларга кейин тикиб қўйиш учун штампдан ксерокопия олиш усули билан ёки бошқача йўли билан варақдан апостиль ясашга рухсат этилмайди. Бар-

ча ҳолларда айнан апостиль штампининг оттиски босилиши лозим.

“Ўзбекистон Республикасининг Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенцияга (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги 2011 йил 4 апрелда қабул қилинган 279-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий расмий ҳужжатларни легаллаштириш талабини бекор қилувчи Конвенция (Гаага, 1961 йил 5 октябрь) қоидаларини амалга ошириш чоралари тўғрисида”ги 2011 йил 5 июлдаги 1566-сонли Қарориди фуқаролик ва солиқ қонунчилигига, вазирликлар ва идораларнинг фаолияти тўғрисидаги айрим низомларга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчилар киритиш назарда тутилган. Бир томондан Минск конвенцияси ва ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги икки томонлама шартномалар, бошқа томондан Гаага конвенцияси ўртасидаги ўзаро муносабат масалаларини тартибга солиш талаб этилади, бунда Гаага конвенцияси қоидаларини ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини қўллаш бўйича тайёргарлик ва кенг тушунтириш ишларини амалга ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикасида 2012 йил 15 апрелдан амал қилаётган Гаага конвенцияси қоидаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларни баён қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Гаага конвенциясига қўшилиши «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш концепцияси»да қўйилган вазифалардан келиб чиқади.

Мамлакатимиз ҳудудида Гаага конвенциясининг амал қила бошлаши Ўзбекистон иқтисодиётига бевосита ҳисса киритишни мақсад қилган чет эллик инвесторларнинг тадбиркорлик фао-

лиятини юритиши учун хорижий расмий ҳужжатларни тан олиш механизмини енгиллаштиради.

Гаага конвенциясининг Ўзбекистон Республикасига нисбатан кучга киритилиши билан консуллик легаллаштириши йўли билан тасдиқланиши лозим бўлган ҳужжатлар сони камаяди, маълумки бундай легаллаштириш кўп поғонали, сермеҳнат ва серчиқим ҳисобланади. Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, консуллик легаллаштириши батамом бекор қилинмайди, чунки дунёдаги давлатларнинг барчаси ҳам Консуллик легаллаштиришини бекор қилиш тўғрисидаги Гаага конвенциясига қўшилмаган ва қўшилганлари орасидан барчаси ҳам Ўзбекистон Республикасининг ушбу Конвенцияга қўшилишига рози эмас, демак ушбу давлатлар билан муносабатларда аввалгидек консуллик легаллаштириши тартиб-таомил қўлланилади. Мамлакатимизнинг Конвенцияга қўшилиши муносабати билан эътироз билдирган мамлакатлар орасида Австрия, Бельгия, Германия ва Греция бор. Мазкур Конвенция қоидаларига мувофиқ бундай эътирозларга йўл қўйилди, улар вақтинчалик хусусиятига эга ва келгусида икки томонлама музокаралар йўли билан бар-тараф қилиниши мумкин.

Апостиль қўйишнинг янги тартиби жорий этилиши билан соддалаштирилган тартиб-таомил — апостилни битта ваколатли органда қўйиш йўлга қўйилмоқда, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари учун ҳам, Гаага конвенциясига аъзо мамлакатларда чет элликлар учун ҳам апостиль қўйилган ҳужжатларнинг ҳудудий белгиси бўйича амал қилиш соҳаси кенгайиб бормоқда. Бинобарин, Ўзбекистонда хорижий расмий ҳужжатларни консуллик легаллаштириши талабларининг бекор қилинишига тааллуқли янги умумэтироф этилган ҳуқуқий тартиб яратилди.



АННОТАЦИЯ

В статье изложена правовая основа утверждения (легализации) в Республике Узбекистан официальных документов иностранных государств.

Олимхўжа НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлиғи

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Маданият сўзи Мадина шаҳри номи билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан.

Мадина — тўлиқ арабча номи Мадина — Расулиллоҳ, яъни Пайғамбар шаҳри ҳисобланиб, ободончилиги, кўркамлиги билан Арабистондаги аҳоли яшайдиган бошқа манзилгоҳлардан ажралиб турар эди. Шунингдек, Мадина Маккадан кейин мусулмонлар ибодат қиладиган энг йирик шаҳардир. Шу тариқа маданият сўзи бизнинг ўлкамизга Мадина шаҳри номи билан, Ислом дини билан боғлиқ тарзда кириб келган.

Фанда, одамлар ўртасидаги мулоқотда маданият сўзи билан бир қаторда «культура» сўзи ҳам ишлатилади. Культура сўзи лотинча “culture” сўзидан олинган бўлиб, “ишлов бериш”, “экиб ўстириш” маъносини билдиради. Рус файласуфлари Н.Бердяев ва В.Розинлар “культура” сўзини “культ”, яъни диний ибодат, сифиниш сўзидан келиб чиққанлигини қайд этганлар.

Ҳозирги пайтда инсоният фаолиятининг кўпгина соҳаларида маданият ёки культура сўзи қўлланилади. Қадимги Римда маданият деганда шахснинг тарбияланганлик, маърифатлилиқ даражаси тушуниланган. Кейинроқ маданият деганда шахснинг кадр-қиммати, такомиллиги тушуниланган. Немис файласуфи Ф.Шиллер кишилардаги инсонийлик фазилатларини, унинг ички дунёси, маънавийлик даражасини маданият деб тушунтирган. Америкалик маданиятшунос олим Эдурд Тейлор (1832-1917) маданият атамасини илмфанга киритди. Тейлор ўзининг “Ибтидоий маданият” (1871) асарида: “маданият кенг маънода кишининг жамият аъзоси сифатида ўзлаштирган биллими, эътиқоди, санъати, ахлоқ-одобу, қонунқоидалари ва бошқа бир қатор қобилиятлари ва одатлари йиғиндисидан ташкил топади”, - деб таъкидлайди.

Файласуф ва маданиятшунос В.Розин ибораси билан айтганда, “қанча йирик маданиятшунос бўлса, шунча назариялар, тушунчалар мавжуд”.

Дарҳақиқат, Э.Тейлор замонида маданиятнинг 7 та таърифи бўлган бўлса, 1950 йилларда унинг сони 150 тага, ҳозирги кунда эса маданиятга берилган тушунчалар сони 400 тага етди. Бу таърифлар умумлаштирилганда маданият сўзининг маъно-мазмунини қуйидагича тушуниш мумкин.

1. Маданият — узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атиқалар йиғиндисидир.

2. Маданият — у ёки бу жамиятга хос фалсафий қарашлар, илм, фан, маориф, санъат, ахлоқ, дин, ҳуқуқ, сиёсат, маиший хизмат кўрсатиш даражасини акс эттирувчи омиллар, ижтимоий тараққиёт даражаси.

3. Маданият — инсонлар ҳаётида, жамият ривожига шаклланган миллий, умуминсоний қадриятлар мажмуи.

4. Маданият — ҳар бир кишининг тарбияланганлиги, инсонийлик фазилатлари ва ижодий фаолиятининг ифодасидир.

Маданиятни қўлланилишига қараб шахсий, оилавий, касбий, табақавий, миллий маданият, жамият маданияти, умуминсоний маданият каби шаклларга бўлиб ўрганиш ҳам мумкин. Кундалик ҳаётда “муомала маданияти”, “меҳнат маданияти”, “нутқ маданияти”, “ишлаб чиқариш маданияти”, “хизмат кўрсатиш маданияти”, “дам олиш маданияти”, “ҳуқуқий маданият” каби тушунчалар ҳам қўлланилади.

Маданият ва маънавият ҳақидаги таълимотларни чуқур ва мукамал билиш барча соҳа кишилари, мутахассислар, раҳбарлар, оддий кишилар сингари ҳуқуқшунослар, судьялар, прокурорлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун ҳам ўта муҳим ва фойдалидир, бошқача айтганда, сув ва ҳаводек зарур.

Жинойатни очиш, жинойатчини топиш, айбдорнинг — гумон қилинаётган шахснинг айби ёки қилмишини бўйнига қўйиб исботлаш, ҳақиқатни

қарор топтириш мутахассисдан наинки профессионал билим ва маҳоратни, айна пайтда катта тажриба ҳамда нозик руҳшуносликни, кўрс-қўпол бўлмасликни, катта-кичик далиллар, ҳатто бир қарашда содир бўлган ҳодисага бевосита дахли бўлмаган воқеалар, хатти-ҳаракатлар, фактлар-далиллар, мантикий таҳлил ва муқоясани яхлит бир тизимга солиш ҳамда сирли, шубҳали нуқталарни ички бир туйғу билан нозик ҳис қилиш санъатини ишонарли тарзда билишни ҳам талаб қилади. Шу маънода терговчи амалдаги қонунлар ва қатор юридик ҳужжатлар асосида жиноят деб аталмиш “саҳна”нинг “жарроҳи”га, образли қилиб айтганда, “ташҳисчи”сига, тадқиқотчисига айланади. Кўриниб турганидек, тергов жараёни жуда оғир бўлиши билан бир қаторда ўта масъулиятли ҳамдир. Мана шунинг ўзи ҳам жараённинг ўзи соф маънавий-ахлоқий ҳодиса эканлигини англа-тиб турибди.

Агар терговчи ўз фаолиятида қонунларга та-янган, улардан мутлақо оғишмаган ҳолда иш тут-са-ю, аммо маънавий моҳиятига эътибор берма-са, бу қилмиши билан биринчидан, қонунни буз-ган, иккинчидан, мансабини суистеъмол қилган, демак, адолатсиз ҳукм чиқарилишига, гуноҳсиз ноҳақ жазоланишига сабаб бўлади. Бунинг оқибати жуда хунук бўлиши турган гап. Одамларда қонунларга, демак, жамиятга, одил сиёсатга, адо-латга ишонч йўқолади. Жамиятда қонун устувор-лиги бузилади. Энг ёмони — бу бузилишнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш мақомига эга кишилар айби билан бўлишидир. Терговчининг хатоси ёхуд ўз ишига масъулиятсиз қараши жуда хунук оқибат-ларга олиб келиши мумкин. Инсонлар тақдири ҳал қилинаётганда тергов ҳужжатлари фақат ва фақатгина исботланган, асосланган, тасдиқлан-ган факт ва далилларга асосланган бўлишини унутмаслик керак. Ана ўшандагина жиноятни кел-тириб чиқарган омиллар илдизи билан йўқ қилиб ташланади, кишиларга адолат тантанасидан иб-ратли сабоқлар берилади, жиноятларнинг олди олинади, одамларда қонунларга, адолатга ишонч ва ҳурмат уйғонади. Демак, қонун устуворлиги тўлиқ таъминланади. Ана шуларнинг ўзи асл мо-ҳияти билан соф маънавий сабоқ, тарбия, мада-

ният, маърифатпарварлик белгисидир. Демак, тер-гов нафақат қонунлар адолати, айна пайтда, тар-бия мактаби, юксак маънавиятлиликнинг намоён бўлиши ҳамдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари-нинг касбий маданиятини юксалтириш бораси-да, авваламбор, ходим юксак маданият соҳиби бўлиши, унинг юқори даражада тарбияланганли-ги — айтган сўзининг устидан чиқиши, фидойи-лиги, қўл урган ишини ўз вақтида, пухта ва тез-корлик билан бажариш қобилиятларига, содир этилган воқеани аниқ таҳлил этиш ва тўғри қарор қабул қилиш, вазминлик, мардонаворлик, турли хавф-хатарлардан, ҳақоратлардан эсанкираб қол-маслик сифатларига, шахсий хулқ-одоби, обрў-эътибори билан қариндош-уруғлари, фарзандла-ри ҳамда маҳалладошларига ўрнатилган бўлишига ин-тилиш каби фазилатларга эга эканлиги билан белгиланади. Юқорида қайд этиб ўтилган талаб-ларга риоя қилиш, биринчидан, ҳар қандай му-раккаб масаланинг ечимини осонлаштиради; ик-кинчидан, атрофдагиларга ижобий таъсир этади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари-нинг касбий фаолиятида нотиклик маданияти ҳам алоҳида ўрин тутди. Марказий Осиё халқлари, жумладан, ўзбек халқи ҳам қадимдан сўзга че-чан, бадиий дидли кишиларни қадрлаб келган. Бугунги кунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган-лар тизимида фаолият олиб борувчи ҳар бир хо-дим ҳам ўзининг нутқи ва ифода этмоқчи бўлган фикрини мантиқан изчил ва аниқ, ҳар бир сўзни аввал тафаккур чиғиригидан ўтказиб, кейин ифода этиши лозим. Чунки фуқароларнинг ҳуқуқий ма-данияти кундан-кунга юксалиб бориши, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини тўғри билиши уларга нисба-тан эскича муносабатда бўлишга барҳам бериш-ни талаб этади.

Маданият — инсоният камолоти сарчашмала-ридан бири. Ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими ҳам оддий инсон сифатида у орқа-ли ўзининг жамиятдаги ўрнини англайди, ҳаёти-нинг мазмунини белгилаб олади. Шунинг учун ҳам маданият масаласи қадимдан донишмандлар-нинг, жамоат ва давлат арбобларининг, қолавер-са, давлатнинг диққат марказида бўлиб келган.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам развития профессиональной культуры сотрудников правоохранительных органов. Автор освещает основные требования, относящиеся к профессиональной культуре сотрудников правоохранительных органов при совершении следственных действий.

**Шухрат МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бўлим бошлиғи**

ХЎЖАЛИК СУДЛОВ ИШИ ЖАРАЁНИДА ПРОКУРОР ВАКОЛАТИНИ ТАЪМИНЛАШГА ДОИР АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон мустақилликка эришгач ривожланишнинг бозор иқтисодиётига асосланган йўлини танлади.

Бунда, мамлакат иқтисодиётининг негизи хилма-хил шаклдаги мулкчиликка асосланди ва барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилиги тан олинди, хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсизлиги ва у давлат ҳимоясида эканлиги Бош Қомусимизда белгилаб қўйилди.

Бундай эркинлик ва қулайлик юридик шахслар ўртасида янги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирди. Ушбу муносабатлар ўртасидаги низоларни ҳал қилиш учун собиқ Арбитраж судлари тубдан ислоҳ қилиниб, 1991 йил 20 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик суди ва хўжалик низоларини ҳал этиш тартиби тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди.

Мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганидан сўнг ушбу суд тизими “Хўжалик суди” деб номланди.

1993 йил 2 сентябрда ва янги таҳрирда 1997 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик-процессуал кодексларида иқтисодиёт соҳасида тадбиркорлик субъектлари ўртасида, хўжалик юритувчи субъектларнинг давлат бошқарув органлари билан вужудга келадиган низоларини ҳал қилиш қоидалари янада такомиллаштирилди.

1997 йилда хўжалик судларида 14 мингта иш кўрилган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 300 мингдан ошди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4,33-36-моддаларига кўра хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва уларнинг давлат бошқаруви идоралари билан бўлган ҳуқуқий муносабатлари натижасида вужудга келадиган низолари судьяларнинг мустақиллиги принципига риоя қилган ҳолда қонуний ҳал қилинишини, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд йўли би-

лан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг фаолиятида судларда хўжалик низолари кўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш йўналиши белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 23 апрелдаги 13-сон Буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими тўғрисида”ги Низомда ҳамда шу йилнинг 11 майдаги “Хўжалик судларида ишлар кўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш тўғрисида”ги 23-сонли Буйруғида прокуратура органларининг бу соҳадаги асосий вазифалари, фаолият йўналишлари белгилаб берилди.

Прокурор хўжалик судидаги иштироки орқали суд органларига низо юзасидан қабул қилинадиган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли бўлишини таъминлашга, давлат, жамият ва тадбиркорлик субъектларининг бузилган ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини самарали муҳофаза қилишга кўмаклашади.

Хўжалик-процессуал ҳуқуқи назариясидан маълумки, хўжалик процесси қуйидаги босқичлардан иборат:

- хўжалик судида иш кўзғатиш;
- ишни суд муҳокамасига тайёрлаш;
- низони хўжалик суди мажлисида муҳокама қилиш;
- апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида иш юритиш;
- хўжалик судининг қонуний кучга кирган ҳужжатларини янги очилган ҳолатлар бўйича қайта кўриш;
- суд ҳужжатларини ижро қилиш.

Кўрсатиб ўтилган жараёнларда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тадбиркорнинг,

давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари ҳамда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор ўз ваколатини қуйидаги шаклда амалга оширади:

1. Хўжалик судига даъво ариза (ариза) бериш;
2. Хўжалик суди муҳокамасида прокурор иштирокини таъминлаш;
3. Қонунга мувофиқ бўлмаган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлари)га протест келтириш.

Прокурор томонидан тадбиркорнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатлари поймол қилинган ҳолатлар аниқланса, унинг ҳуқуқларини тиклаш судга тегишли бўлса, прокурор хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Маълумки, мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг ҳуқуқий асоси сифатида Конституциямизга асосланган 350 дан зиёд қонунлар, 8 мингдан ортиқ бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар самарали хизмат қилиб келмоқда. Норматив ҳужжатларда халқ иродасини ифодаловчи, уларнинг манфаатларига хизмат қилувчи, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини ҳимояловчи, тинчлик ва миллий тотувликни таъминловчи, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари акс эттирилган. Прокурор манфаати кўзланаётган тарафнинг қонуний манфаатларини тиклашини таъминлаш учун ўшбу қонун ҳужжатларининг моҳияти ва талабларини муқаммал билиши лозим.

Айнан қонун ҳужжатлари нормаларига таянган ҳолда прокурор даъво аризасини асослаб, Ўзбекистон Республикаси ХПКнинг 112-моддаси талабларида белгиланган шакл ва мазмунда уни судга тақдим қилади. Низо қонуний ҳал қилиниши учун зарур бўлган барча маълумотлар прокурор томонидан даъво аризасига илова қилинади.

Хўжалик судига даъво аризаси бериш ваколатига эга бўлган тарафлардан фарқли ўлароқ прокурор қонунларни муқаммал билувчи, малакали, олий маълумотли ҳуқуқшунос ҳисобланади. Шу сабабли, прокурор даъво аризасининг юридик жиҳатдан сифати юқори даражада бўлиши лозим.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 41-моддаси ва Солиқ кодексининг 330-моддаси 22-бандига кўра, прокурор томонидан давлатнинг, юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини кўзлаб қилинган даъволар ҳамда берилган аризалар юзасидан давлат божи ундирилмайди. Бу — давлат манфаатларини, хўжалик юритувчи субъектларни, айниқса, иқтисодий аҳволи оғир

бўлган ва қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашда қулай қонуний имкониятлардан бири ҳисобланади.

Прокуратура органлари томонидан давлат ва жамият, хўжалик юритувчи субъектларнинг қонуний манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида 2011 йилда 182 млрд. сўмлик 21 мингдан зиёд, жорий йилнинг 9 ойида эса 82 млрд. сўмлик 8365 та даъво аризалари хўжалик судларига киритилган.

Кодекснинг 43-моддаси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 33-моддасига кўра, прокурор суд процессининг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлардан фойдаланиб, процессуал қонун ҳужжатлари нормаларига ва судьяларнинг мустақиллиги принципига риоя қилган ҳолда барча ишлар бўйича суд мажлисида иштирок этишга ҳақли.

Республика Бош прокурорининг соҳага оид буйруғи талабларига мувофиқ, хўжалик судида иштирок этаётган прокурор суд мажлисига пухта тайёргарлик кўриб иш мазмуни, низога оид ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар ва иш материалларини суд жараёни бошлангунга қадар тўлиқ ўрганиб, қуйидагиларга, яъни:

- ишнинг хўжалик судига тааллуқлилиги;
- ўзгалар номидан ариза берган шахснинг қонуний ваколатга эга эканлиги;
- ишни ҳал этиш учун зарур бўлган далилларнинг мавжудлиги;
- низо бўйича жавобгар тўғри жалб қилинганлиги;
- даъвони таъминлаш чоралари кўрилганлиги;
- давлат божи тўланганлиги ва низонинг қонуний ҳал этилиши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатларга алоҳида эътибор қаратиши лозим.

Суд муҳокамасида иштирок этувчи прокурор тарафларнинг тортишуви принципига амал қилган ҳолда, далилларни тўплаш, текшириш ва уларга баҳо беришда фаол қатнашиб, иш моҳияти бўйича асосли фикр билдириб, уни ҳар томонлама, тўлиқ ва холисона кўрилишига, қонуний ва адолатли қарор қабул қилинишига кўмаклашади.

Хўжалик судларининг барча босқичларида ишлар кўрилишида, айниқса:

- давлат ва жамоат мулкни ҳимоя қилиш;
- давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;
- корхона ва ташкилотларнинг банкротлиги;
- хусусийлаштириш;

— табиатни муҳофазаси билан боғлиқ ишлар кўрилишида зарар етказилишига сабабчи бўлган мансабдор шахсларга нисбатан интизомий, маъмурий, моддий жавобгарлик чоралари кўриш масалалари муҳокама қилиниши чораларини кўриш лозим.

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 19 сентябрдаги “Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, ХПКнинг 152-моддаси 4-қисмига ўзгартиш киритилди. Унга кўра, суд хўжалик низосини кўраётганида шахснинг ҳаракатларида жиноят аломатларини аниқласа, у жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун тегишли материалларни илова қилган ҳолда бу ҳақда прокурорга хабар қилади. Судда иштирок этаётган прокурор, қонуннинг ушбу талабини бажарилишига эътибор бериб, прокурор сифатида ўз фикрини суд жараёнида билдириши лозим.

ХПКнинг 43-моддаси 6-қисмига кўра, қонунда назарда тутилган ёки суд ишда прокурор қатнашиши зарур деб топган ҳолларда ишни кўришда прокурор иштирок этиши шарт.

Бош прокурорнинг 23-сонли буйруғининг 5-бандида қуйидаги ишларда, жумладан:

- прокурорнинг аризаси билан қўзғатилган;
 - давлат мулкани ҳимоя қилиш билан боғлиқ;
 - юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш;
 - халқаро ва давлатлараро шартномалар, келишувлар бўйича;
 - банкрот деб эълон қилиш;
 - давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топиш;
 - давлат рўйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланган муддатда давлат рўйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилган шикоятлар;
 - давлат назорат органларининг пул маблағларини акцептсиз тартибда ундириш ҳақидаги ҳужжатларини ижро этилиши мумкин эмас деб топиш;
 - контрактация ва ер ижараси шартномалари билан боғлиқ;
 - табиатга зарар етказишдан келиб чиққан низолар;
 - апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ишлар кўрилишида прокурор иштироки қатъий таъминланиши лозимлиги кўрсатилган.
- Амалиётда шу тоифадаги ишлар хўжалик суд-

ларида кўрилишида прокурор ваколоти таъминланиб келинмоқда.

ХПКнинг 128-моддасига кўра, хўжалик суди ишни кўрганда далилларни текшириши, хусусан, тарафларнинг тушунтириш, кўрсатув ва экспертнинг хулосаларини эшитиши, ёзма далиллар билан танишиши, ашёвий далилларни кўздан кечириши мумкин.

Кодекснинг 133-моддасига мувофиқ, барча далиллар текширилганидан кейин суд мажлисида раислик қилувчи ишда иштирок этувчи шахслардан уларда иш бўйича қўшимча материаллар бор-йўқлигини аниқлаши, бундай аризалар бўлмаса, раислик қилувчи ишни текшириш туганлигини эълон қилиб, хўжалик суди ҳал қилув қарори қабул қилиш учун йиғилиш хонасидан чиқиб кетиши белгиланган.

Амалиётда, низо судда муҳокама қилиб бўлингандан сўнг тарафларга, прокурорга ёки ишда қатнашаётган бошқа давлат органларига музокара учун сўз берилади. Лекин, ушбу процессуал ҳаракатлар учун, хусусан, музокара учун сўз бериш тартиби, шакли, сўзга чиқувчиларнинг кетма-кетлиги, ўз мулоҳазаларини билдиришга доир қоидалар Хўжалик процессуал кодексида белгиланмаган.

Бу каби нормалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексида, Россия Федерацияси, Беларус, Тожикистон каби давлатларнинг хўжалик-процессуал қонунчиликларида мавжуд.

Суд муҳокамасининг якуний босқичида тарафлар ўзларининг фикрларини ифодалай олиш ҳуқуқини қонун йўли билан кафолатлаш мақсадида ХПКнинг 133-моддасига қўшимча ва ўзгартиш киритиш мақсадга мувофиқ.

Суд музокарасида прокурор ўз фикрини баён қилишида қуйидагиларга эътибор бериши, жумладан:

1. Тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқлигига;
2. Тарафлардан бири қонунларда ёки шартномада белгиланган мажбуриятни бажармаган ёки тўлиқ бажармаганлиги ҳолати исботланганлигига;
3. Ҳуқуқбузар (қарздор) томонидан етказилган зарарнинг мавжудлигига, агар мавжуд бўлса, зарар ва унинг аниқ миқдори ишдаги далиллар билан исботланганлигига;
4. Ҳуқуқбузарлик билан зарар ўртасида сабабий боғланишнинг мавжудлигига;

5. Ҳуқуқбузар айбининг мавжудлигига;
6. Қарздор томонидан шартнома интизомига риоя қилинмаслиқнинг сабаблари ва оқибатларига, ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатларига баҳо бериш ва бошқа ҳолатларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Суд процессида иштирок этувчиларга, айниқса, низолашаётган тарафларга тушунарли бўлиши учун прокурорнинг нутқи содда, оддий тилда ҳамда мантиқий кетма-кетликда ифодаланиши, нутқ фақат юристлар учунгина эмас, балки бошқа соҳа кишиларига ҳам тушунарли бўлиши керак.

Қонунга мувофиқ бўлмаган суд ҳужжатлари (ҳал қилув қарори, ажрим ва қарорлари)га апелляция, кассация ва назорат тартибида протест келтириш йўли билан ҳам прокурор хўжалик судларида ўз ваколатини таъминлаши мумкин.

Протест ишдаги мавжуд ҳужжатлар, далиллар ва қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар билан асослантирилади ҳамда расмийлаштирилади.

Протестда айнан қайси моддий ёки процесуал қонун нормалари бузилганлиги аниқ ва равшан ифодаланади.

Бекор қилинган ёки ўзгартирилган асоссиз суд қарорларининг қонунга мувофиқлаштирилишида прокурорларнинг ҳиссаси юқори. Буни қўйидаги рақамларда кўрсак бўлади.

Хусусан, 2011 йилда апелляция инстанциясида бекор қилинган ёки ўзгартирилган суд қарорларининг 92,5 фоизи, кассация инстанциясида 73,9 фоизи, жорий йилнинг 6 ойида эса апелляция инстанциясида 94,2 фоизи, кассация инстанциясида 81,8 фоизи прокурорларнинг протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам обеспечения полномочий прокурора в хозяйственном судопроизводстве. Автор анализирует имеющиеся проблемы в нормативной базе и приводит предложения и рекомендации, направленные на улучшение эффективности прокурорской деятельности по защите интересов государства и хозяйствующих субъектов на платформе хозяйственного судопроизводства.

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ МУАММОЛАРИ

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотларнинг, бунёдкорлик фаолиятининг муҳим таркибий йўналиши ҳисобланади. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар ғоявий, кадрлар корпусини шакллантириш, молиявий-моддий жиҳатларидан ташқари, маънавий-ахлоқий, аксиологик-маданий, ижтимоий-маърифий жиҳатлари билан ҳам тавсифланади. Бошқача айтганда, бу ислоҳотларнинг муваффақияти ва самараси юрист кадрларнинг, судьялар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг профессионал савияси, амалий тажрибаси ва касбий ҳуқуқий онги ҳамда маданиятига бевосита боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрда баён этган «мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида эътироф этганидек, жамиятнинг демократия йўлида жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан, одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуқлик кўрсаткичидир.¹

Одил судлов — давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири, фуқароларни суд ёрдамида муҳофазалаш, уларни ижтимоий ҳимоялашнинг олий конституциявий шаклидир. Суд ҳокимияти — суд томонидан фуқаролик, ҳўжалик, маъмурий ва жиноят ишларини кўриб чиқиш, ҳуқуқий низоларни ҳал этиш орқали намоён бўлади. Бунда суд фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига таъсир этиш; жиноят содир этганликда айбдор деб топиш, жиноят иши бўйича жазо тайинлаш; шахс-

ни суд тартибида айрим ҳуқуқлардан, мулкдан, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этиш ёки уларни чеклаш; адолатни таъминлаш ва ўрни келганда шахснинг айбсизлигини исботлаб, ҳукм чиқариш каби қонунни қўллаш билан шуғулланади.

Одил судловни амалга ошириш судьялардан махсус билим ва тажрибадан ташқари, юксак маънавий ёндашув ва масъулиятни талаб этади. Суднинг кичик бўлса-да, ҳар қандай хатоси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлиги баҳоси баробарида зарар еткази.

Аслида одил судлов — инсоният маънавияти ва маданияти хазинасининг улғу неъматидир, беназир ютуғи ҳамда маърифий қадриятидир. Шундай юксак тавсиф баробарида одил судлов — давлатнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини, жамият сиёсий ва иқтисодий негизларини ҳимоялашга йўналтирилган ҳуқуқий сиёсатининг мужассам ифодаси ва бевосита амалидир.

Ижтимоий ҳаётда ва юридик амалиётда жамият шакллантирган ва сайқал топтирган кўп қадриятлар ҳуқуқий меъёрларда қонулаштириб қўйилгани учун улар одил судлов орқали, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти орқали рўёбга чиқарилади.

Мамлакатимизда судлов тизими ва ҳуқуқий тизимда кенг қамровли демократик ислоҳотлар амалга оширилаётган шароитда одил судловнинг ҳуқуқий маданияти хусусида сўз юритиш ниҳоятда долзарб мавзудир. Шу боис судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти фуқаролик жамияти ҳуқуқий маданиятининг муҳим таркибий қисми сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Илмий адабиётда «маданият» иборасининг беҳисоб таърифлари мавжуд. Шулардан энг муҳим жиҳатларини ажратиш олиб, мулоҳаза юрит-

ганда, маданият, аввало, жамият ривожининг муайян маърифий савияси, етуклик даражаси; иккинчидан, ахлоқий, маърифий қадриятлар тизими; учинчидан, маънавий ҳаёт жабҳаси; тўртинчидан, билим, тафаккур, қобилият намойиши, самимий ва ижобий муносабатлар тажрибаси; бешинчидан, кишиларнинг ўзаро мулоқот ва муомала одоби ифодасидир.

Айни вақтда, ҳуқуқий маданият мамлакат ҳуқуқий тизимининг ривожланганлик даражаси; юқори савиядаги қонунчилик (ҳуқуқ ижодкорлиги), юридик муассасалар фаолияти ва юридик амалиёт ифодаси сифатида майдонга чиқади. Шунингдек, ҳуқуқий маданият ҳуқуқий онг; ҳуқуқий билимлар ва уларни қўллашнинг маънавий-маърифий даражасини акс эттиради. Индивидуал даражада ҳуқуқий маданият — бу аввало, ҳуқуқни чуқур (мукамал) билиш, тушуниш, унга онгли равишда итоат этиш, ҳуқуқнинг талабларига эътиқод қилиш ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий маданият — пухта ҳуқуқий билим, онглилик, қонунга ҳурмат ва эътиқоднинг уйғун намойишидир.

Ҳуқуқий маданиятни таҳлил этишда унинг даражалари ва турларини ажратиш лозим бўлади. Масалан, даражаси бўйича — жамиятнинг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий гуруҳнинг ҳуқуқий маданияти ва шахснинг ҳуқуқий маданияти; турлари бўйича — оддий (одатий) ҳуқуқий маданият; касбий (профессионал) ҳуқуқий маданият ва назарий (амалий) ҳуқуқий маданият.

Мазкур таҳлилимиз доирасида юристларнинг касбий (профессионал) ҳуқуқий маданиятига урғу бериб ўтамиз. Касбий ҳуқуқий маданият, асосан, юристларда, ҳуқуқий фаолият билан малакавий даражада шуғулланадиган кишиларда шаклланади. Табиийки, бу тоифа шахсларда ҳуқуқий воқелик ва ҳодисалар билан кундалик бевосита тўқнашув натижасида профессионал, малакали ҳуқуқий маданият қарор топади. Бундай ҳуқуқий маданият эгалари ҳуқуқий воқеликларни анча юқори савияда англайдилар, биладилар ва тушунадилар, шунингдек, уларда тегишли касбий хулқ-атвор шаклланади. Ушбу ҳолатда касбий ҳуқуқий маданият юристнинг ҳуқуқий онги ва юридик амалиётининг муайян даражаси, унинг инсон ҳуқуқларини ҳурматлаш, қонунга риоя этишга оид фаолиятининг тегишли шакли ва усуллари тарзида намоён бўлишидир.

Касбий ҳуқуқий маданиятнинг асосий хусусиятлари ўз мазмунига қуйидаги элементларни қамраб олади: 1) юридик фаолият билан шуғулланувчи инсонда шахсий ривожланиш ва ўз-ўзини такомиллаштириш хусусиятларини қарор топтириш;

2) ходимнинг комилликка интилиши асосида ётувчи ҳаётий мақсадлар ва ахлоқий идеалларни, ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолиятини рағбатлантирувчи куч-ғайрат ва мотивларни шакллантириш; 3) ҳуқуқни муҳофаза этиш учун зарур бўлган маънавий ва ҳуқуқий билимларни эгаллаш, амалий ўқув ва кўникмаларни қарор топтириш; 4) ўз-ўзини англаш ва ўз касбий фаолиятига холис маънавий баҳо бериш қобилиятини тарбиялаш; 5) руҳий жиҳатдан мураккаб бўлган вазиятларда ўзини иродавий бошқариш кўникмаларини ривожлантириш; 6) юристнинг юқори маънавий, ахлоқий хулқ-атвори тимсолида шахсий намуна кучидан фаол фойдалананиш. Бу унинг хизмат фаолиятини профессионаллаштириш ва инсонпарварлаштиришнинг муҳим илҳомбахш омили (мотиви) бўлиб хизмат қилади. Пировардида, бу мотив юристнинг маънавий-ҳуқуқий маданияти моделининг узвий таркибий қисми бўлиб майдонга чиқади.

Суд — жамият аъзоларига ҳуқуқий маданиятни сингдириш, тарбиялаш, шакллантириш ва юксалтиришда катта ўрин тутди. Ҳар бир суд жараёни катта тарбиявий ва маърифий аҳамиятга эга. Фуқаролар ўзгалар хатосидан хулоса чиқариб, қонунларни бузмаслик бобида ибрат оладилар.

Таъкидлаш жоизки, суд — инсоният бутун цивилизация даврида кашф этган низоларни ҳал этишнинг, мутаносиб жазо тайинлашнинг самарали воситаси, энг ноёб ижтимоий ҳодиса ва маънавиятимизнинг буюк ютуғидир.

Қиёсий таъбир жоиз бўлса, медик — шифокор инсон вужудидаги касалликни даволаса, суд жамият вужудидаги қусур-касалликларни даволайди. Беморга — ширин сўз даво бўлса, жабрланувчи ва судланувчига — адолатли сўз даркор бўлади. Суднинг етуклиги ва маҳорати қонун асосида ана шу адолатли сўзни айтишда намоён бўлади.

Жамиятнинг маданий қиёфасига у тўплаган моддий ва маънавий бойлик (қадрият)ларга, уларни одамлар томонидан ўзлаштирилганлиги даражасига, ижтимоий ва маънавий ривожланиш савиясига, фуқароларнинг шаъни, кадр-қиммати, ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда яратилган ижтимоий-сиёсий институтларнинг демократиклиги даражасига қараб баҳо берилди. Шу жиҳатдан олганда, суд ҳам маданиятимиз маҳсули, ҳам унинг натижасидир.

Судьянинг касбий ҳуқуқий маданиятини, одил судловнинг ҳуқуқий маданияти даражасини қуйидаги омиллар воситасида аниқлаш мумкин:

1) қонунчиликни такомиллаштириш ва малакали қўллаш;

2) суд ҳаракатларининг тезкорлиги, тежамлиги, суд ҳужжатларини саводли ва пухта тузишга; суд фаолияти устидан ички ва самарали жамоат назоратининг ўрнатилганлиги;

3) судьялар ўртача бандлиги меъёрини оқилона белгиланишини таъминлаш;

4) замонавий ҳуқуқшунослик фани ва амалиёти ютуқларини одил судлов амалиётига сингдириш;

5) судлар фаолиятини халқаро ҳуқуқ стандартларига мослаштириш;

6) судья кадрларни тайёрлаш, уларнинг билим савияси, тажрибаси, маданияти, яъни судьялар томонидан жамиятнинг илғор маънавий қадриятларини теран ўзлаштирилганлиги ва бошқалар.

Судьяларнинг касбий ҳуқуқий маданияти қуйидаги мезонлар билан белгиланиши мумкин:

— олий ҳуқуқшунослик маълумоти ва тажрибасига эгаллиги;

— одил судлов тамойилларини пухта ўзлаштирилганлиги;

— юксак касбий маҳорат соҳиби бўлиши;

— холислик ва объективлик;

— адолатпарварлик ва ҳалоллик.

Ҳуқуқий давлатчиликни қарор топтириш мақсадида амалга оширилаётган суд-ҳуқуқий ислохотлар жараёнидаги муҳим вазифалардан бири суд ҳокимиятини амалга оширувчи шахс-

ларга юксак ҳуқуқий маданият мезонларини, зарур касбий малака ва маҳоратни сингдиришдан иборат. Фикримизча, судьялар эга бўлиши лозим бўлган фазилатлар қуйидагилардан иборат:

— судловни амалга оширишда қатъиятлилиги ва вазминлиги; хотиржамлик ва совуққонлик; ўзгага ҳурмат, эҳтиёткорлик, ҳушёрлик ва тавозе; эҳтисосга берилмаслик ва жиззаки бўлмаслик; вазиятга баҳо беришда сермулоҳазалилик; суд жараёни иштирокчиларига қўполлик, дўқ-пўписа қилмаслик; хушмуомалалик, адолатпешалик, ҳақпарвар ва халқпарварлик; жабрдийда дардига этиборлилиги; ҳукм чиқаришда виждонга, ички эҳтиқодга, иймонга таяниш.

Фуқароларнинг айбсизлик презумпцияси принципини судлов жараёнида қатъий таъминлаш суднинг (судьянинг) чуқур ахлоқийлиги, юксак ҳуқуқий маданияти намойиши ҳисобланади.

Шундай қилиб, суднинг маънавий савияси ва судьянинг касбий ҳуқуқий маданияти жамият аъзоларининг оддий ҳуқуқий маданиятидан тубдан фарқ қилади. Касбий ҳуқуқий маданият махсус юридик билимга таянганлиги, соҳибининг малакали юридик тажрибага эгаллиги ва асосланганлиги билан ажралиб туради. Шу боис, касбий ҳуқуқий маданият эгаларига жамиятнинг талаби катта ва масъулиятлидир.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена проблемам развития правовой профессиональной культуры в процессе судебно-правовых реформ. Автор обосновывает необходимость правовой культуры в совершении правосудия и приводит критерии культуры профессиональной деятельности судей.

Фарида БАКАЕВА,
Заведующий отделом Национального центра
по правам человека, к.ю.н.

РОЛЬ ОБУЧЕНИЯ В СФЕРЕ ПРАВ И СВОБОД ЧЕЛОВЕКА В ПОВЫШЕНИИ УРОВНЯ ПРОФЕССИОНАЛИЗМА РАБОТНИКОВ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

Формирование и реализация эффективной программы обучения правам человека работников правоохранительных органов зависит от четкого формулирования принципов и направлений обучения, учитывающих передовой зарубежный и национальный опыт, накопленный в данной сфере, а также учета сложившейся в стране ситуации в сфере соблюдения и защиты прав человека. Формулирование комплекса правил обучения должно быть направлено на существенное улучшение ситуации с правами человека на уровне правоохранительной деятельности.

В Основных принципах, касающихся роли юристов, которые были приняты Конгрессом ООН по предупреждению преступности и обращению с правонарушителями в 1990 году отмечается, что «Правительства, профессиональные ассоциации юристов и учебные заведения обеспечивают надлежащую квалификацию и подготовку юристов и знание ими профессиональных идеалов и моральных обязанностей, а также прав человека и основных свобод, признанных национальным и международным правом» (п.9).

В основе организации учебного процесса по правам человека для работающих в правоохранительной сфере, должны лежать международные стандарты их поведения, отраженные в соответствующих источниках международного права, а именно:

- Всеобщая декларация прав человека;
- Международный пакт о гражданских и политических правах и два факультативных протокола к нему;
- Международный пакт об экономических, социальных и культурных правах;
- Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации;
- Международная конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин;
- Международная конвенция о правах ребенка и два факультативных протокола к ней;
- Международная конвенция против пыток и

других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания;

Перечисленные международные документы дают четкое представление о должном поведении работников правоохранительных органов при выполнении своих профессиональных обязанностей, и главное, о недопущении отклонений от установленных национальным правом процессуальных процедур обращения с гражданами-участниками уголовного, административного, гражданского процесса.

Следует отметить, что в основу обучения указанной категории лиц должны быть положены и международные документы регулирующие определенные направления деятельности правоохранительных структур. Имеются в виду международные конвенции, направленные на предупреждение и борьбу с транснациональной преступностью, торговлей людьми, отмыванием доходов, добытых преступным способом, противодействием коррупции, оказанием правовой помощи и т. д. Анализ этих документов с целью их имплементации в практику деятельности правоохранительных органов несомненно послужит повышению уровня их профессионализма в соответствующих сферах.

Существенное значение для повышения уровня профессионализма работников правоохранительной системы имеет глубокое изучение международных документов по правам человека рекомендательного характера, поскольку они раскрывают содержание понятия определенной категории прав человека, определяют механизмы и процедуры их реализации на практике, устанавливают основные формы и направления их имплементации в законодательство и правоприменительную практику. Конвенционные органы регулярно ссылаются на положения деклараций, кодексов и принципов, поскольку в них отражен опыт международного сообщества по обеспечению того или иного права человека.

К международным документам рекомендатель-

ного характера следует отнести:

- Декларацию о ликвидации всех форм нетерпимости и дискриминации на основе религии и убеждений;
- Декларацию о правах лиц, принадлежащих к национальным или этническим, религиозным или языковым меньшинствам;
- Основные принципы обращения с заключенными;
- Минимальные стандартные правила обращения с заключенными;
- Минимальные стандартные правила ООН, касающиеся отправления правосудия в отношении несовершеннолетних («Пекинские правила»);
- Правила ООН, касающиеся защиты несовершеннолетних, лишенных свободы;
- Свод принципов защиты всех лиц, подвергаемых задержанию или заключению в какой бы то не было форме;
- Минимальные стандартные правила ООН в отношении мер, не связанных с тюремным заключением (Токийские правила);
- Руководящие принципы ООН для предупреждения преступности среди несовершеннолетних («Эр-Риядские руководящие принципы»);
- Принципы медицинской этики, относящиеся к роли работников здравоохранения, в особенности врачей, в защите заключенных или задержанных лиц от пыток или других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания;
- Руководящие принципы, касающиеся роли лиц, осуществляющих судебное преследование;
- Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка;
- Основные принципы, касающиеся роли юристов;
- Основные принципы независимости судебных органов и др.

Республика Узбекистан является членом ОБСЕ и в своей деятельности придерживается положений следующих международных документов:

- Документ Копенгагенского совещания Конференции по человеческому измерению;
- Документ Московского совещания Конференции по человеческому измерению;
- «Парижская хартия для новой Европы» — итоговый документ стран-участников ОБСЕ в 1990 г. и др.

Большое значение имеет в настоящее время деятельность государственных органов по выполнению международных обязательств Узбекистана в сфере прав человека. По шести международным документам Республика Узбекистан представляет в международные конвенционные органы национальные периодические доклады об их выполнении. Заключительные замечания и рекомендации Комитетов ООН по итогам рассмот-

рения этих докладов служат для национальной системы органов по защите прав человека основной программой действий для совершенствования своей деятельности, продвижения по пути улучшения ситуации в сфере прав человека.

Следует отметить, что по каждому Заключительному документу Комитета ООН по итогам рассмотрения Национального доклада Республикой Узбекистан принимаются национальные планы действий, направленные на поэтапную реализацию основных рекомендаций комитетов ООН. Принятие указанных планов существенно активизирует работу правоохранительных органов Узбекистана и поэтому они не должны оставаться вне поля внимания обучаемых правам человека.

Обучение правам человека не должно и не может ограничиваться анализом и изучением международных документов о правах человека, хотя конечно, они составляют основу и костяк обучения. Важно дать понимание того, что международная концепция реализации той или иной категории прав человека должна быть отражена в национальном законодательстве, а затем поэтапно внедрена в правоприменительную деятельность. В связи с этим необходимо не только обновлять знания слушателей в сфере законодательства, но и развивать у них критическое мышление, навыки выявления пробелов как в законодательстве, так и в практике деятельности соответствующих органов государства.

Обучение правам человека юристов, судей, следователей, прокуроров, работников налоговых и таможенных органов должно быть направлено на овладение навыками имплементации изучаемых международных норм в законодательство и практику деятельности, глубокий сравнительный анализ международного и национального права, разъяснение смысла и значения принципа приоритета международных норм и принципов в правовой системе страны, разъяснение обязанностей государственных органов по неукоснительному соблюдению имплементированных в законодательство международных норм. Важно включить в программы обучения такие темы как: «Международное право прав человека и конституционное право»; «Международные стандарты прав человека в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан»; «Семейное право Республики Узбекистан и Конвенция о правах ребенка», «Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин в семейном законодательстве», «Международные основы ювенальной юстиции и их отражение в законодательстве Республики Узбекистан» и др.

На практике обучением правам человека занимаются преподаватели вузов юридического

профиля, практические работники соответствующих правоохранительных органов, международные эксперты, научные работники, а иногда представители ННО. В целом этот круг лиц не противоречит целям и задачам обучения правам человека работников органов правоохранительных органов. Однако, следует обратить внимание на то, что не каждый из перечисленных субъектов может осилить тематику обучения, направленного на совершенствование практических навыков по защите прав и свобод человека. Напрашивается вывод о том, что необходима определенная специализация лиц, осуществляющих обучение правам человека работников той или иной сферы правоохранительной деятельности.

Следует отметить, что обучение теоретическим основам прав человека в основном доступно различным категориям преподавателей в сфере прав человека, однако проведение интерактивного обучения практической направленности на овладение определенными навыками может и должно осуществляться подготовленными преподавателями из числа практических работников, прекрасно владеющих соответствующей информацией, а также представителей национальных институтов по правам человека, к которым прежде всего относятся институт Омбудсмана и Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека.

В связи с этим представляется целесообразным каждому образовательному учреждению обучающему работников правоохранительных органов формировать преподавательский состав с учетом соответствующей практической ориентации. В данный состав следует включать как преподавателей-теоретиков прав и свобод человека, так и экспертов – практиков в определенных областях судебной и правоохранительной деятельности, международных экспертов, представителей различных государственных органов и ННО.

Содержание обучения правам человека во многом зависит от места их работы и занимаемой должности, обучаемых работников. Не требует обоснования необходимость дифференцированного подхода к обучению руководящего состава соответствующих органов и их нижестоящих структур на регулярной основе. Обучение руководителей должно быть связано с повышением уровня их компетентности и профессионализма в организации деятельности, управлении и координации работы подчиненных по выполнению ими обязанностей в сфере обеспечения законности и защиты прав человека. Представители нижестоящих структур должны овладевать знаниями и навыками, связанными с созданием необходимых условий для реализации прав человека, закрепленных в Конституции и

законах государства, а также четким и своевременным рассмотрением жалоб граждан, обращающихся в эти органы, восстановлением нарушенных прав.

Необходимо также готовить тренеров для проведения занятий по вопросам прав человека из числа наиболее подготовленных сотрудников правоохранительных органов, которые могут разъяснить своим коллегам задачи, вытекающие из положений законов и других нормативно-правовых актов.

Обобщая вышесказанное, можно сформулировать общие принципы подготовки и проведения обучения правам человека, а именно:

1. Предварительное изучение запросов и потребностей обучаемой аудитории.

До подготовки программы обучения правам человека представителей какого-либо органа необходимо определить место и роль данного органа в национальной системе защиты прав человека, его задачи и полномочия; исследовать степень выполнения стоящих перед ним задач, а также факторы, препятствующие его эффективной работе и имеющиеся к ним претензии граждан и замечаний международных организаций. Такая подготовка позволит определить необходимую тематику учебной программы, формы обучения и ожидаемые результаты;

2. Соответствие содержания обучения реальному положению дел в сфере прав человека в стране.

Обучение правам человека не должно носить формальный или умозрительный характер. Анализ достоверной информации о ситуации в сфере деятельности того или иного органа должен служить основой для поиска путей устранения имеющихся недостатков, которые в конечном счете приводят к нарушениям прав человека. Например, анализируя нарушения процессуальных прав задержанных и арестованных, целесообразно выявлять причины и условия способствующие нарушению процессуальных прав и выработать навыки правильного применения международных стандартов и норм УПК на практике, содействовать определению форм государственного и общественного контроля за деятельностью соответствующих органов. Важно изучать вопросы доступа к правовой информации, взаимодействия правоохранительных органов и СМИ.

3. Обязательность и всеобщий охват обучением правам человека.

Обучение правам человека должно носить обязательный характер для всех сотрудников того или иного органа. Не эффективно такое обучение, когда на все семинары, тренинги, спец. курсы по правам человека направляются одни и те же представители органа, а остальные работни-

ки не охвачены обучением. Все подразделения соответствующего органа по единому графику, в полном составе, должны обучаться правам человека с учетом особенностей деятельности имеющих подразделений.

4. Обеспечение постоянных контактов между образовательным учреждением по повышению квалификации кадров и правоохранительными органами по дополнению программ обучения наиболее актуальными тематиками, в изучении которых заинтересованы будущие слушатели. Преподаватели обязаны владеть информацией об интересующих их вопросах.

5. Подготовка группы тренеров или экспертов данного ведомства по регулярному обучению правам человека.

Практика показывает, что формирование группы высокопрофессиональных тренеров и экспертов по правам человека из числа сотрудников данного ведомства существенно облегчает подготовку и проведение обучения по данным вопросам. Хорошее знание теории и истории прав человека и отличная информированность о деятельности данного учреждения в сфере прав человека позволяет вести своевременное, глубоко продуманное и целенаправленное обучение, основная цель которого повышение профессионализма и компетентности сотрудников, улучшение общей ситуации с правами человека в данном учреждении. В эту группу желательно привлекать также бывших работников правоохранительных органов, имеющих четкое представление о трудностях, с которыми сталкиваются слушатели на своих рабочих местах.

6. Подготовка учебных материалов для проведения обучения правам человека.

Обучение правам человека должно сопровождаться предоставлением необходимого учебного материала и другого инструментария, помогающего слушателям усвоить соответствующие

знания и овладеть определенными навыками. Слушателям следует представлять тексты международных документов и национального законодательства, исходя из тематики занятия, разрабатывать вопросники, тексты, казусы и задачи, над которыми могут работать слушатели на практических занятиях. Вспомогательные материалы помогают уяснить суть вопроса, самостоятельно проанализировать соответствие норм национального права международным стандартам и т.д.

7. Развитие сотрудничества с национальными институтами по правам человека.

Национальный центр Республики Узбекистан по правам человека, институт Омбудсмана и другие структуры могут содействовать повышению эффективности учебного процесса посредством предоставления изданий по правам человека, проведения занятий на актуальные темы, информации о жалобах граждан на действия работников правоохранительных органов.

8. Оценка эффективности и полезности обучения правам человека.

Оценка эффективности проведенного обучения может носить текущий и перспективный характер. Текущий аспект выявляется по окончании занятий при заполнении слушателями анкеты о знаниях и навыках, полученных в результате обучения, достижениях и недостатках обучения, компетентности тренеров и практической значимости полученной информации для улучшения работы слушателей.

Перспективный аспект эффективности обучения правам человека работников правоохранительных органов выявляется непосредственно в деятельности каждого работника при исполнении им своих профессиональных обязанностей с учетом знания норм международного права и национального законодательства по вопросам прав и свобод человека.



АННОТАЦИЯ

Мақола ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимларини инсон ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида касбий малакасини оширишга бағишланган. Муаллиф мазкур фаолиятда халқаро ҳужжатларни ўрганиш билан бирга, улардаги нормаларни амалиётга тадбиқ этиш зарурлигини таъкидлаб ўтади.

**Неъматжон ХАТТАБОВ,
Юристар малакасини ошириш
Маркази катта ўқитувчиси, ю.ф.н.**

ҲУҚУҚНИ МУҲОҒАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАДАНИЯТИНИ ОШИРИШ — ДАВР ТАЛАБИ

Мана, бу йил мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганлигига роппа-роса 20 йил тўлди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг мазкур Конституцияси ўтган давр мобайнида жамият ҳаётида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг амалда таъминланиши, қолаверса, республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳалардаги барча ислохотларга муносиб ҳуқуқий замин вазифасини бажарди. Чунки, айнан Конституциямизнинг ўзидаёқ бунинг ҳуқуқий асоси мустаҳкамланиб, унинг 16-моддасида: “мазкур Конституциянинг бирорта қондаси Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказадиган тарзда талқин этилиши, шунингдек бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қондаларига зид келиши мумкин эмаслиги” аниқ белгилаб қўйилди.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ бошланган. Чунки, айнан мазкур соҳадаги ислохотларни босқичма-босқич амалга оширмасдан туриб, яъни фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмларини яратмасдан туриб, бошқа соҳаларда ижобий натижаларга эришиб бўлмас эди.

Бу фикрнинг исботини Президентимиз томонидан бир неча марта таъкидлаб ўтилган қуйидаги фикрлар ҳам тасдиқлайди: “Халқ вақтинча давом этаётган қийинчиликларга чидаши мумкин, лекин билиб қўяйлик, такроран айтаман: адолатсизликка чидамайди! Буни унутиш масъул лавозимдаги шахсни бамисоли устунлари чириб қолган бинога ўхшатиб қўяди. Айнан жамият ҳаётида адолатни қарор топтириш, шахс манфаатларини одилона ҳимоя қилишнинг аниқ ҳуқуқий ме-

зонларини белгилаш ва уларни амалда татбиқ қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти долзарб аҳамият касб этади”.

Дастлабки йиллардан бошлаб ислохотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратилганлиги, ана шундай ёндашув тўғрисида бу борадаги ишларнинг қўлами, миқёси ва самарадорлиги мустақиллик йилларида ниҳоятда кенгайиб, янги босқичга кўтарилганлигини кўплаб мисоллар асослаб турибди.

Бу йўналишда айниқса, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш, суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни собиқ тузумда бўлгани каби қатағон кўроли ва жазолаш идораси сифатидаги орган эмас, балки инсон ва фуқаро ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя ва муҳофаза этишга хизмат қиладиган том маънодаги мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилди. Кейинчалик суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган ислохотлар негизда, аввало, мазкур соҳада ҳуқуқий заминни мустаҳкамлаш ва уни халқаро андозаларга мослаштириш борасида кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилди ҳамда ҳаётга изчил жорий этилди. Бу йўналишдаги ислохотлар ҳали давом этмоқда.

Ҳеч биримизга сир эмаски, ҳуқуқий ислохотлар замирида, аввало, инсон, унинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, жамият ва давлат манфаатлари акс этади. Бундай манфаатларни амалда рўёбга чиқариш эса бевосита бунга масъул бўлган давлат органлари ходимлари ҳамда мансабдор шахслардан юксак ҳуқуқий саводхонлик ва ҳуқуқий маданият талаб этади. Шу боисдан ҳам мамлакатимиз Президенти Ислон Каримов айнан масаланинг ушбу жиҳатига алоҳида урғу бериб, Ўзбе-

кистонда юридик таълимни янада такомиллаштириш, юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг касбий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, қолаверса, ҳар бир ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларда фаолият кўрсатаётган давлат хизматчисидан ҳуқуққа нисбатан юксак ҳурмат билан муносабатда бўлиш руҳини шакллантириш долзарб масала бўлиб турганлигини қайд этганлар.

Хусусан, 1997 йили май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчилар ва ҳуқуқий соҳани ёритадиган журналистлар билан бўлиб ўтган учрашувида юридик таълим ва тарбияни яхшилаш борасида фикр юритилган эди. Ушбу учрашув натижаси ўлароқ бир қатор муҳим ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиб қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошида Юристар малакасини ошириш маркази, Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрини ўрганиш Марказларининг ташкил этилганлиги, қолаверса, парламентимиз томонидан Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг тасдиқланганлиги мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг ва умуман халқимизнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини юксалтириш борасида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди десак, хато бўлмайди.

Бугунги кунга келиб эса ушбу масала яна бир бор эътиборталаб бўлиб турганлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турмоқда. Чунки, жамият ҳаётининг шиддат билан тараққий этиб бориши, ижтимоий муносабатларнинг кескин ривожланиши, кишиларимиз онгининг ўсиши, қолаверса, жамият ҳаётида турлича янги ижтимоий муносабатларнинг вужудга келиши ва ўз навбатида бунинг ҳуқуқий ечимга эҳтиёж сезиши, аҳолининг ҳуқуқий онги даражасини янада юксалтиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идоралари ходимларининг эса ҳуқуқий маданияти даражасини янада оширишни талаб этмоқда.

Жумладан, Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси клий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь кундаги қўшма мажлисида “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” деб номланган маърузасида бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билим-

лар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

Ушбу вазифани амалда таъминлаш борасида бугунги кунда ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти билан шуғулланаётган давлат органлари томонидан муҳим чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яъни, бу йўналишда мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари маданиятини шакллантириш, шунингдек, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастурининг янги лойиҳасини тайёрлаш бўйича режа асосида муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Фармони асосида ташкил этилган Юристар малакасини ошириш маркази бугунги кунга келиб судьялар ва суд тизимининг барча ходимлари, адлия органлари, адвокатлар, ҳуқуқшунос профессор-ўқитувчилар ҳамда халқ хўжалигидаги юридик хизмат соҳаси ходимларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш йўналишидаги етакчи ўқув ва ўқув услубий муассасага айланди.

Юристар малакасини ошириш Маркази мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларидан аксариятининг ҳуқуқий онги даражасини янада юксалтириш борасида муҳим чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Марказнинг ўқув услубий фаолияти жамият ҳаётидаги янги сиёсий-ҳуқуқий воқеликларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Олий суд ва Олий хўжалик судлари ҳамда Адвокатлар палатаси билан ҳамкорликда таъминланмоқда. Бу эса ўз навбатида назариянинг амалиёт билан уйғунлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Чунки ҳар йили Марказда ўқув жараёнларига 150 дан ортиқ суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан юқори малакали ҳуқуқшунос олим ва амалиётчилар жалб этилади. Бу эса юрист кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасини янада юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бироқ шунга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўладики, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражаси билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият кўрсатаётган давлат хизматчиларининг ҳуқуқий онги ва маданияти даражасида айрим тафовутлар мавжуд бўлиши табиий ҳолдир. Бинобарин, ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти билан шуғулланаётган давлат хизматчиси

муайян талабларга тўлиқ жавоб берадиган даражада ҳуқуқий билимларга эга бўлиши ва уларни амалда тўғри татбиқ қила олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Шу нуқтаи назардан ҳам мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимларининг ҳуқуқий онги даражасини янада ошириш ва уларнинг ҳуқуқ нормаларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳиссини янада юксалтириш масаласига алоҳида ёндашув талаб этилади. Шу боисдан ҳам мамлакатимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ходимларига қўйиладиган давлат талабларини ишлаб чиқиш, унда мазкур тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқ нормаларини билиш, амалда татбиқ қила олиш лаёқатини оширишга қаратилган тегишли чора-тадбирларни аниқ белгилаш лозим бўлади.

Бундан ташқари, бугунги кунда мамлакатимизда юридик таълимни замонавий андозалар даражасида такомиллаштириш, судьялар ва суд тизими ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи давлат идораларида хизмат қилаёт-

ган барча тоифадаги ходимларни ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш, айниқса, уларнинг касбий билим даражасини тубдан яхшилаш, юрист кадрларни қайта тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишига алоҳида эътибор қаратиш масаласи муҳим омил бўлиб қолмоқда. Бу ўз навбатида мамлакатимиз таълим тизимининг жаҳон ҳамжамиятида тутган мавқеини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Шундай экан, бу йўналишда олиб борилаётган ишларимизни янги босқичга кўтаришимиз, бунда Президентимиз томонидан кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб берадиган ўқитишнинг замонавий андозаларини босқичма-босқич жорий этиб боришимиз талаб этилади. Албатта, бу соҳада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи барча давлат органлари билан мунтазам самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш кўзланган мақсадларга эришиш имкониятларини янада кенгайтиришга хизмат қилган бўлар эди.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению деятельности по переподготовке юристов в контексте проводимых реформ, направленных на обеспечение прав и свобод человека. Автор особое внимание уделяет значимости Центра повышения квалификации юристов Министерства Юстиции в деле формирования профессиональной культуры сотрудников правоохранительных органов.

Фахриддин ЖОВЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма прокурори

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ МАДАНИЯТИ ТАВСИФИ

Янги жамият одамлардан янгича фикрлашни, ўзини ўзи миллий жиҳатдан англаб етишни, истиклол тафаккурига эга бўлишни тақозо этмоқда. Президент Ислам Каримов таъбири билан айтганда, ислохотлар ҳаётни, ҳаёт эса инсонлар тафаккурини ўзгартиради. Шу боис ҳозирги замон талабига мос келадиган юксак эътиқодли, маънавий жиҳатдан камол топган, мустақил фикрлай оладиган касбий фаолиятга оид муаммоларни ҳал этиш учун зарур кўникма ва малакага эга мутахассисларни тайёрлашда касбий маданиятга оид билимларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсдир.

«Касб» ва «фаолият» тушунчаларини кўриб чиқаётганда қисқача таҳлил ва умумэтироф этган тушунчалар билан чекланамиз, чунки улар муайян муаммолар кўриб чиқиладигандагина қизиқ уйғотади. «Касб» тушунчаси латинчада *professio*, яъни махсус назарий билимларни ва амалий кўникмаларни тақозо этувчи ҳамда ҳаёт кечиришнинг оддий манбаи ҳисобланувчи меҳнат фаолияти, машғулот тури деган маънони англатади.

Фаолият назарияси масалаларини ишлаб чиқишга бағишланган адабиётларда «фаолият» тушунчасига турли хил ёндашувлар кузатилади. Жумладан, у кишиларнинг йўналтирилган фаоллиги тариқасида; инсон ҳаёт кечиришининг йўллари сифатида; хатти-ҳаракатлар йиғиндисидан ҳосил бўладиган реал жараён сифатида; ижтимоий воқеликни ўзгартириш йўллари ва шунга ўхшаш кабилар сифатида кўриб чиқилади. Кўриниб турибдики, ҳар бир ёндашув ҳам эътиборга ҳақлидир.

Шу ўринда «маданият» тушунчасининг таърифига тўхталсак.

Энг аввало, маданият ҳодисасини англаш жараёни ўз илдизлари билан антик фалсафага бориб тақалишини таъкидлаш жоиз. Бироқ, биз маз-

кур тушунча ривожланишининг алоҳида тарихий босқичларига тўхталиб ўтамиз. «Маданият» сўзининг этимологиясига мурожаат этадиган бўлсак, унинг ўзагини Қадимги Рим кўлөзма ёдгорликларида учратиш мумкин.

Cultio — сўзи ишлов бериш, қайта ишлаш маъносини билдирган. Лекин баъзи тилшунослар «маданият» атамаси латин тилидан келиб чиққан деб ҳисоблайдилар. Бунда немис олими В.Вундтнинг фарази қизиқ уйғотади, чунончи у латинча *colore* феълени асос сифатида олади. Бу сўз ўз навбатида ерга ишлов бериш, қайта ишлаш деган маънони билдиради. Шундан *cullus agri* ёки *cultura agri* — ерга ишлов бериш тушунчалари келиб чиққан. Шундай қилиб, аввало бу атама ерга ишлов бериш тушунчасини, тўғрироғи, ҳозирги замон тилида айтганда, уни маданиятлаштириш маъносини билдирган. Кейинчалик табиат яратган нарсадан фарқли равишда, инсон кўли билан яратилган барча нарсалар маданият деб аталадиган бўлди.

Бора-бора «маданият» тушунчаси антик фалсафада тафаккур қилиш предмети, инсон билим ва кўникмаларининг мажмуаси, шунингдек фаолиятнинг натижаси сифатида тушунила бошланди. Ўзининг бошланғич маъносида тил унинг муҳим хусусиятини очиб берди, яъни — маданият инсон ва унинг фаолияти бирлигидир.

Шундан келиб чиқиб, маданият тушунчасига таъриф берадиган бўлсак, «Маданият инсоннинг фаолият жараёни, унинг натижасида яратилган маънавий қадриятлар бўлиб, ўз навбатида шахнинг шаклланиши ва камол топишида муҳим омил ҳисобланган ижтимоий ҳодисадир».

Ўз навбатида, ҳар қандай соҳадаги «касбий маданият» деганда, мазкур фаолиятнинг сифат кўрсаткичи ва тараққиёти тушунилиб, у билим, маҳорат, кўникма ва тажрибани ўз ичига олади. Бошқача айтганда, фаолият субъектининг муай-

ян касбий фаолиятда қўлланиладиган сифатларини қамраб олади.

Касбий маданият муаммоси билан боғлиқ қарашларни ўрганиш ва умумлаштириш касбий маданият абстракт ҳолда эмас, балки касбий фаолиятнинг муайян тури билан боғлиқ деган ҳулосага келишга имкон беради. Бу ўз навбатида касбий маданиятнинг муайян турлари ва шакллари тадқиқ этишни тақозо этади. Бу ерда касбий маданиятнинг ўзига хос шакли, касбий фаолиятнинг у ёки бу турига тегишлилиги ҳақида сўз юритилаётган бўлиб, унга кўра, ҳуқуқшунос, ўқитувчи, сиёсатчи, ҳарбий хизматчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий маданияти тўғрисида сўз юритиш мумкин.

Касбий маданият ҳодисасини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда фаолият юритаётган ходим асосида кўриб чиқиш жараёнида иккита бир-бирига боғлиқ ва бир-биридан келиб чиқувчи мезонларни кўриш мумкин: биринчидан, ходимнинг касбий маданияти ижтимоий ҳаёт воқеалиги ҳамда касбий аломатига кўра; иккинчидан, бир-бирига алоқадор бўлган кишилар катта ижтимоий гуруҳининг субмаданияти.

Умуман олганда, касбий маданият субъекти касбий гуруҳ бўлиб, унинг шаклланиши қуйидаги кўринишда бўлиши мумкин:

- а) меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларининг ўхшашлиги;
- б) улар меҳнатининг бир-бирига мослиги;
- в) касбий фаолият учун муҳим махсус билимлар мазмуни ва ҳажмининг мавжудлиги;
- г) амалиётда мазкур фаолиятга тегишли умумий услуб ва воситаларнинг қўлланиши;
- д) гуруҳ аъзолари менталитетининг умумийлиги.

Шунингдек, бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимига кадрлар тайёрлашнинг умуммиллий тизимининг мавжудлиги ҳам киради.

Мазкур ҳолатда мақсад ва вазифаларнинг ўзига хос хусусиятга эгаллиги, манфаатлар ва меҳнат шароитларининг умумийлиги, ўз кадриятлари ва одатлари, ҳулқ-атвор меъёрлари, стандартлари ва касбий тил мезонларини мисол қилиш мумкин.

Касбий маданият субъекти сифатида соҳа тизими ходимларининг касбий гуруҳини тадқиқ этишда, мазкур касбий гуруҳни бошқа ижтимоий тузилмалар, шунингдек, касбий гуруҳ ва фаолиятлардан ажратиб турадиган ўзига хос аломатларни аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари фаолиятининг мақсад ва вазифалари Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президенти Фар-

монлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ўз навбатида тарбиячи ҳамдирлар, яъни жиноят ҳамда бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар билан ишлаш, жамиятга зарар етказувчи бошқа ҳар қандай ҳуқуқбузарлар билан тарбиявий ишларни олиб бориш кундалик иш фаолиятининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий аънаналари ва урф-одатлари, хизмат хусусиятлари, меъёрий ҳужжатлар ва жамоатчилик фикри улар касбий маданиятнинг асосий манбалари бўлиб хизмат қилади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, буларнинг ҳаммаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари менталитети, ҳулқ-атвор қоидалари, кадриятлар ва аънаналарнинг шаклланишига ўз таъсирини ўтказади.

Бунда қуйидаги мезонлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади:

— умумий ва махсус маълумот, шунингдек муайян иш тажрибаси;

— касбий аҳамиятга эга бўлган сифатларнинг муайян тизимига эга бўлиш (муайян касбий фаолият учун зарурий бўлган ўзига хос сифатлар — тезкорлик, қузатувчанлик, тартиблилик, назорат қилиш, ишлаб чиқариш ва ҳ.к.).

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий маданияти — ҳар бир ходимнинг касбий маҳорати ва тажрибасининг маҳсули бўлиб, ўз устида ишлаш ва малакасини ошириш кўникмаси ҳамда кундалик касбий фаолият жараёнида мавжуд бўлган касбий сифатлари заҳирасини доимий равишда такомиллаштириб боришдан иборатдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг функционал фаолияти кўпқиррали бўлганлиги сабабли турли малакага эга мутахассисларга эҳтиёж сезади. Бу ҳам ҳуқуқшунослик, ҳам психолог, ҳам бошқарув, ҳам педагогик, ҳам техник-муҳандислик, иқтисод ва тиббиёт соҳаларида бўлиши мумкин. Шу боис соҳа ходимлари касбий маданиятнинг ўзига хослиги унинг касбий фаолияти мазмуни билан белгиланади.

Муайян турдаги касбий фаолият таркибий қисмини ташкил этувчи элементларни ўрганиш унинг мазмун-моҳиятини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Бу, ўз навбатида, унинг амалиётчилар томонидан идрок этилишининг қулайлигини, бинобарин, унинг шаклланиши ҳамда таълим ва

касбий фаолият жараёнида ўзлаштирилишини таъминлайди.

Маданият тушунчасининг фаолиятга оид изоҳидан келиб чиққан ҳолда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий фаолияти мазмунининг таҳлиliga асосан, ушбу тоифадаги ходимлар касбий маданиятининг икки асосий қисмини ташкил қилувчи элементлар тизимини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи қисм касбий маданиятнинг асосий кадриятлари, яъни унинг негизини ташкил қилувчи, касбий маданият тушунчасининг ўзи ҳам асосланадиган кадриятлар тизимини ташкил қилувчи элементлардан иборат.

Иккинчи қисм касбий йўналтириш субмаданияти мажмуини, яъни мазкур касб талабларига жавоб берадиган муайян маданиятнинг аниқ мазмунини ташкил этувчи элементлардан иборат.

Мутахассиснинг касбий маданиятини кўриб чиқаётганимиз туфайли, унинг асосини, биринчи навбатда, шахснинг умумий маданияти, яъни инсоннинг қай даражада ривожлангани, унинг маданиятлик даражасини баҳолаш имконини берадиган феномен ташкил этади. Эслатиб ўтиш жоизки, инсоннинг маданиятчилиги, қоида тариқасида, унинг тарбиячилиги ва ўқимишлилиги билан айнан бир хилдир.

Кенг маънода кишининг тарбиячилиги деганда, унда муайян даражадаги онгнинг ривожлангани, муайян ижтимоий кўникмаларнинг мавжудлиги, муҳим йўналиш, ижтимоий ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини эгаллаши кабилар тушунилади.

Кишининг ўқимишлилиги (билим даражаси) деганда, унинг ўзида кенг дунёқарашни уйғунлаштирган муайян билимлар мажмуини эгаллаши ва мавжуд маълумотларни таҳлил қила олиш малакаси тушунилади. Бу, биринчи навбатда, шахсдаги билиш жараёнининг натижасидир.

Кишининг юксак умумий маданияти асосида айнан биз касбий маданият элементлари деб атайдиган касбий аҳамиятга молик таркиблар шаклланади.

Биринчи қисм элементларини касбий маданият таркибий тузилишига мувофиқ ажратиб кўрсатиладиган икки жиҳат: праксиологик ва ментал тизимлар тариқасида бериш мумкин.

Касбий маданиятнинг праксиологик жиҳати субъектнинг меҳнат қуроллари, воситалари ва предметлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлларини, шунингдек, унинг муайян турдаги касбий фаолиятни амалга оширишга тайёргарлик даражасини тавсифлайди.

Ушбу қоидага асосланиб, ҳуқуқни муҳофаза

қилувчи орган ходимларининг касбий маданияти таркибий тузилишида қуйидаги асосий хусусиятларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- касбий билимлар;
- касбий кўникма ва малакалар;
- касбий тажриба;
- касбий эътиқод;
- касбий ахлоқ ва ҳ.к.

Тақдим этилган элементлар тавсифи деярли ҳар қандай турдаги касбий фаолият касбий маданиятига хослигини ҳам таъкидлаб ўтмасликнинг иложи йўқ. Касбий маданият субъекти касбий фаолиятнинг ўзига хос фарқланувчи жиҳати бўлиб, ҳар бир элементнинг муайян мазмуни ҳисобланади.

Ушбу қисмдаги асосий элементлар тавсифининг аввалида ходимнинг ўз хизмат вазифасини самарали бажаришида зарур бўладиган назарий ва эмпирик маълумотлар мажмуи ҳисобланган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг касбий билимлари сифатидаги элемент туради.

Касбий билимлар асосини махсус билимлар ташкил этади. Касбий фаолиятнинг ушбу турига нисбатан талаблар даражаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларида махсус билимларнинг мавжуд бўлиши зарурлигини тақозо этади.

Айтиб ўтиш жоизки, малака ва кўникмалар деганда, касбий фаолиятнинг муайян усуллари ва воситалари тушунилади.

Кўшимча қилиб айтиш жоизки, касбий кўникмалар фақат ходим ушбу меҳнат турининг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда қандай ҳаракатни содир этиши лозимлигини аниқ тасаввур эта олгандагина шаклланиши мумкин.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари касбий маданиятининг асосий элементларидан бири унинг касбий тажрибаси ҳисобланади. Тажриба — кенг маънода амалиётга асосланган объектив воқеликни ҳиссий-эмпирик билиш. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари касбий маданиятининг навбатдаги таркибий элементи касбий ахлоқ ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг касбий маданияти элементларини қуйидагича таснифлаш мумкин:

- касбий маслақ;
- касбий тафаккур;
- касбий қизиқишлар;
- касбий идеаллар;
- касбий кадриятлар ҳамда афзалликлар ва бошқа.

Ушбу таснифнинг бошида айнан мазкур касбий фаолиятга бутун кучи ва энергиясини бе-

ришга рағбат уйғотувчи касбий маслак туради. Унга касбий фаолият мотивацияси ва мазкур касбий фаолиятнинг зарурлигига бўлган ишонч каби таркибий қисмлар киради. Бундан ташқари, бу таркибий элемент ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг хизмат фаолиятига касбий лаёқатлилиқ даражасининг кўрсаткичи ҳисобланади. Ходим шахси касбий маслакка эга бўлар экан, демак, унда касбий фаолиятнинг билим ва кўникмаларини ўзлаштириш самарадорлиги ҳам юксак бўлади.

Мазкур таснифдаги касбий маданиятнинг навбатдаги элементи бу билиш, баҳолаш ва амалий хатти-ҳаракатларнинг оқилона даражаси ва шаклланиш йўлларида иборат касбий тафаккур ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими касбий маданиятининг элементларидан бири бўлган касбий қизиқиш билиш, ҳиссий ва фаолиятга оид таркибий қисмларни бирлаштирувчи шахс хусусиятларидан иборат.

Касбий қизиқиш деганда, назарда тутилган ёки эгалланган касбга йўналтирилган танлаш фаоллиги билан боғлиқ кўп даражали психологик хусусиятлар, ҳолатлар ва жараёнлар симпто комплекси тушунилади.

Қизиқиш танлаш хусусиятига эга бўлиб, билимларни эгаллаш, дунёқарашни кенгайтиришнинг энг муҳим стимулларида бири сифатида юзага чиқади, ишга бўлган ҳақиқий ижодий муносабатнинг муҳим шарти бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг касбий қизиқиши касбий маслак ва касбий тафаккур билан узвий боғлиқ бўлиб, хизмат фаолиятининг маълум даврида муайян ходим олдида турган аниқ хизмат вазифалари билан белгиланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими касбий маданиятининг касбий идеаллар элементини кўриб чиқаётганда, идеал деганда муайян илк тимсоллар, камолот намунаси, интилиш, орзунинг мақсади тушунилишини таъкидлаш жоиз.

Касбий маданиятнинг ушбу таркибий элементи юқорида баён этилганлар билан бевосита боғлиқ бўлиб, ходимнинг касбий жиҳатдан тўлиқ шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Касбий қадриятлар ҳамда афзалликлар тўғрисида сўз кетганда, Президент Ислам Каримов «Биз олдимизга қўйган юксак мақсадларни, барча орзуниятларимизни амалга оширишда, авваламбор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги кенг кўламли ва мураккаб ва-

зифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги кадрларни тайёрлаш масаласини муҳим принципал ва ҳал қилувчи даражага кўтарганимиз ҳаммамизга яхши аён», деб таъкидлаган фикрини эътироф этиш жоиз. Шунини таъкидлаш лозимки, ходим касбий маданиятининг ушбу таркибий элементи юқорида баён этилган асосий элементлар билан ўзаро уйғунликда ходимнинг касбий фаолиятидаги муайян ғоялар, жараёнлар ва ҳодисаларнинг заруратини тавсифловчи категория ҳисобланади.

Иккинчи қисми ташкил этувчи ходим касбий маданиятининг асосий элементлари тавсифига ўтишдан олдин, муҳокама қилишга тақдим этилаётган касбий маданиятни субмаданият йиғиндидан иборат тизим сифатида тасаввур қиладиган ёндашув олимлар томонидан асослаб берилганлигини таъкидлаш лозим.

Назарий манбаларни ва касбий маданиятнинг муайян субъекти амалий фаолиятини таҳлил қилиш муаллифлар тақлиф этаётган тушунчага қараганда, «касбий маданият» тушунчасининг анча кенг эканлиги тўғрисида хулоса қилиш имкониятини беради.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимнинг касбий маданияти таҳлилидан келиб чиқиб, ушбу таснифий қаторга кирувчи унинг касбий маданиятига оид асосий элементлар сирасига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ахлоқий маданият;
- муомала маданияти;
- шахсий меҳнат маданияти;
- ақлий (интеллектуал) меҳнат маданияти;
- ҳуқуқий маданият;
- педагогик маданият ва ҳ.к.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг ахлоқий маданияти нафақат касбий маданиятнинг, балки умуман субъект маданиятининг кўрсаткичи ҳисобланади. Айрим ходимларда ахлоқий маданиятнинг етишмаслиги улардаги ижобий сифатларнинг йўққа чиқишига, касбий (шу аснода — ахлоқий) бузилишига олиб келади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимларда ахлоқий маданиятнинг пастлиги оддий фуқароларга ўз таъсирини ўтказиши, қолаверса, уларнинг онгини захарлаши мумкин. Бу ҳақда Президент Ислам Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: «Милиция ўз бурчини бажармаса, божхона ходимлари порахўр бўлса, прокурор заиф, ўйинчи бўлса, ҳокимларнинг қулоғи қар, кўзи кўр бўлса, оддий фуқаро кимга боради? Уни ким ҳимоя қилади? Унинг ғамини, ташвишини ким чекади? Қани адолат, қани ҳақиқат? Шу ишни бажармаса, елкасига погон таққанлар нега керак. Оддий одам-

лар, халқ ана шу воқеаларни, қинғирликларни кўрадида, унда ҳаммаси қуруқ гап, адолат йўқ, бўлмаган ва бўлмади ҳам деган фикр туғилади. Энг ёмони шунда».

Тақдим этилаётган таркибий элементни тавсифлаганда, ходимнинг маънавий қиёфаси, унинг ахлоқий эътиқоди ва бошқалар тўғрисида гапириш мумкин, бироқ ҳар доим эсда тутиш лозимки, ходим учун асосий ахлоқий қонун бу ўзи қабул қилган қарор оқибати учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олиш кўникмаси ва лаёқати ҳисобланади.

Ходим касбий маданиятининг навбатдаги муҳим элементларидан бири бўлиб, унинг муомала маданияти ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими деярли ҳар куни турли масалалар юзасидан ҳар хил тоифадаги шахслар билан муомала қилишига тўғри келади. Шу боис ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари фуқаролар билан мулоқотда хушмуомала бўлишлари керак. Хушмуомалалик ички маданиятнинг ташқи кўриниши. Унинг асосини инсонийлик ташкил этади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мамлакатимиз ва чет эл ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар, диний конфессиялар вакилларининг доимий эътиборида бўлади.

Ходимнинг мулоқотида турли тоифадаги шахслар (жабрланувчи, гувоҳ, холис, гумон қилинувчи, муқаддам судланган ва бошқ.) билан бўладиган муомаласи алоҳида ўрин тутаяди.

Ходим касбий маданиятининг таркибий элементларидан бири бўлган шахсий меҳнат маданияти, биринчи навбатда, унинг идора ҳал этадиган масалалардаги ваколати, шахсий хизмат фаолиятининг самарадорлигини назарда тутаяди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг шахсий меҳнат маданияти ўз касбий даражасини ошириш мақсадига, илғор ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва қонунчилик амалиётини мунтазам ўрганишни ҳам назарда тутаяди. Шахсий меҳнат маданияти моҳирона сохталик натижаси эмас, балки турмуш тарзига айланган жойда, хизмат фаолияти ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари касбий фаолияти муайян даражада ақлий меҳнатни талаб қилиши туфайли ходим касбий маданиятининг асосий элементлари таркибига ақлий меҳнат маданияти таркибий компоненти ҳам қўшилган. Ақлий меҳнат маданиятининг психологик асоси шундай ташкил қилишни назарда тутаядики, у ҳар қандай ақлий ҳаракатнинг энг кам асаб қувватини сарф этиб, юксак самарадорликка эришишни таъминлайди.

Бу феноменнинг ташқи тавсифлари орасидан қуйидагиларни ажратиш мумкин:

— тафаккурнинг мустақиллиги (жамият тажрибасидан фойдалана олиш қобилияти, шахсий қарашларнинг мустақиллиги);

— тафаккурнинг танқидийлиги (ўзига ва ўзгаларга холис баҳо бериш);

— тафаккурнинг теранлиги (таҳлил қилиш, қиёслаш ва муҳимини топиш қобилияти);

— фикрларнинг ихчамлиги (масалаларни ҳал этиш йўллари топиш қобилияти);

— фикрларнинг синчковлиги (ҳар доим энг мақбул қарорни излаш эҳтиёжи).

Ходимнинг касбий фаолияти таркибига ҳуқуқни қўллаш фаолияти ҳам киради. Бу эса, унинг касбий маданиятида ҳуқуқий маданият таркибий элементи бўлишини тақозо этади.

«Ҳуқуқий маданият даражаси, — деб ёзган эди Президент Ислам Каримов — Фақатгина қонунларни билиш, ҳуқуқий маълумотлардан хабардор бўлишдангина иборат эмас.

У — қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунмиш маданияти демакдир. У — одил судни ҳурмат қилиш, ўз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш эҳтиёжи демакдир. Ҳуқуқий маданият дегани — турли можароларни ҳал қилишда қонунга хилоф кучлардан фойдаланишни рад этиш демакдир».

Унинг функционал жиҳатларини таҳлил қилганда, ҳуқуқий ахборотлар мазмуни ва йўналтирилганлиги билан тавсифланадиган касбий-ҳуқуқий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий институтларга нисбатан фаол муносабат даражаси ва бошқаларга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходими касбий маданиятининг асосий элементларидан бири бўлган педагогик маданият ҳақида гап кетганда, унинг касбий фаолиятида тарбиявий вазифанинг мавжудлиги муҳим аҳамият касб этади.

Бизнингча, ҳар қандай фаолиятнинг касбий маданияти деганда, биринчи навбатда, бу фаолиятнинг сифат ҳолати англашилгани туфайли, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг касбий маданияти, унинг касбий тайёргарлик даражаси ва касбий фаолиятининг пировард натижаси ўртасида бевосита боғлиқлик мавжуд.

Шунингдек, касбий маданиятнинг асосий элементлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

1) билим, тушунча, тасаввур, қарашлар ва илмий назариялар;

2) махсус билим, тасаввур, қарашлар, назарияларнинг предметлашуви, рўёбга чиқиши;

3) ўз соҳасини пухта эгаллаши ва доимо ма-лакасини оширишга эҳтиёж сезиш;

4) қонун доирасида фаолият олиб бориш лозимлигини онгли равишда англаш;

5) ўз хизмат бурчини муқаддас деб билиш ҳамда қонун ва хизматга алоқадор кўрсатмаларни сидқидилдан бажариш кераклигини доимо ёдда тутиш;

6) вазиятни таҳлил қилиш ва мустақил қарор қабул қилиш уқувига эга бўлиш;

7) жинойи элементлар таъсирига берилмаслик;

8) мафкуравий плюрализм, кўппартиявийлик, фикрлар хилма-хиллиги шароитида адолатли ва қонуний қарор қабул қила олиш;

9) ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши курашни ўзининг эътиқоди даражасига кўтариш ва ана шу жараёнда инсон шахсининг шаклланиши ва такомиллашуви.

Касбий маданият элементларининг ҳар бири ўзаро боғлиқ ҳолда инсон шахсининг шаклланиши жараёнида маданиятнинг инсонпарварлик ва тараққийпарварлик моҳияти тўлароқ намоён бўлади.

Бу, ўз навбатида, касбий педагогика ва психология соҳасида муайян даражадаги билимлар даражасига, шунингдек, ходимлар ва фуқароларга тарбиявий таъсир кўрсатиш кўникмаларига эга

бўлишни назарда тутди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг касбий маданияти тушунчаси мустақил ижтимоий педагогик-психологик ҳодиса сифатида мавжуддир. Бунинг устига, у бири-бирига алоқадор, бири иккинчисини тақозо этадиган ижтимоий ҳаёт ҳодисаси ва шахс умумий маданиятининг таркибий элементи сифатидаги икки муҳим асос замирида шаклланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимининг касбий маданияти шаклланишининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

а) касбга ўқитиш жараёнида касбий маданиятни шакллантириш;

б) касбий маданиятни хизмат тайёргарлиги жараёнида шакллантириш;

в) касбий маданиятни ўз устида мустақил ишлаш жараёнида шакллантириш.

Зеро касбий маданиятни шакллантириш ушбу жараёнлар билан узвий билан боғлиқ бўлиб, мазкур йўналишларда касбий маданиятни шаклланишига аҳамият қаратиш ходимнинг ҳар томонлама баркамол ва етук бўлишига олиб келади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена раскрытию характеристики понятия профессиональной культуры сотрудников правоохранительных органов. Автор раскрывает характерные особенности профессиональной культуры и приводит её требования к личности сотрудников правоохранительных органов. Автор отмечает, что формирование профессиональной культуры происходит в процессе профессионального обучения, в период приобретения практических навыков и самоподготовки сотрудников правоохранительных органов.

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИДА АХЛОҚИЙ НОРМАЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотларининг асосий мақсади инсон ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини таъминлаб беришга йўналтирилган бўлиб, бу ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, шу жумладан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга ҳам муҳим вазифаларни юклайди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш учун тезкор-қидирув ваколатига эга бўлган барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада либераллаштириш талаб этилади.

Биринчи навбатда, тезкор-қидирув фаолиятининг ҳуқуқий асосини такомиллаштириш лозим бўлади. Ушбу фаолиятни ҳуқуқий тартибга солиш бўйича алоҳида қонун қабул қилиш масаласи юзасидан давлатимиз раҳбари Ислом Каримов шундай таъкидлайдилар: “Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатнинг умумэтироф этилган амалиётига мос келади”¹.

Бугунги кунда, тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш ваколатига эга бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тўғрисида фақат Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 339-моддасида белгилаб ўтилган. Унга кўра кўйидаги органлар ушбу ваколатга эгадирлар: Ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона хизмати органлари, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛҚК Департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари. Тезкор-қидирув чораларини амалга ошириш алоҳида қонун билан тартибга солинмаса-да, таъкидлаб ўтилган органлар уни ўтказишда идоровий қонуности ҳужжатларга таянган ҳолда иш юритадилар.

Шуни ҳам унутмаслик жоизки, тезкор-қидирув фаолияти нафақат қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади, балки унга нисбатан ахлоқий талаблар ҳам қўйилади. Ушбу масала долзарб бўлганлиги сабабли, унга ба-

ғишланган кўпгина илмий тадқиқотлар ўтказилган. Илк бор тезкор-қидирув фаолиятида нафақат ҳуқуқий, балки ахлоқий муносабатларни ҳам тадқиқ этиш тўғрисидаги фикр рус олими Д.В.Гребельский (1967 й.) томонидан билдирилган бўлса, кейинчалик Н.А.Стручков (1968 й.) уни қўллаб-қувватлаган. Тезкор-қидирув фаолиятидаги ахлоқий норма ва муносабатларни комплекс тартибда ўрганиш А.И.Алексеев ва Т.К.Синиловлар томонидан 1973 йилда ўтказилган. Ушбу олимлар тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асослари ва уни амалга оширишда юзага келадиган ахлоқий муносабатларни тадқиқ этиш аҳамиятига тўхталиб, пухталиқ билан яширилган жиноятларга қарши курашишдан келиб чиқадиган тезкор-қидирув фаолиятининг кўпгина ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб ўтган.

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йилларининг бошида тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асосларини ўрганишга А.Ф. Возный кўп ҳисса қўшган. Унинг таъкидлашича, ушбу фаолиятнинг яширин тартибда олиб борилиши, у ёки бу ҳаракатнинг ҳақиқий мазмунини, ахлоқий жиҳатларини эътиборга олган ҳолда, сир тутилишини талаб этади. Шу сабабли кўп ҳолларда, тезкор-қидирув тадбирлари чуқур ахлоқий мазмунга эга бўлса ҳам, четдан қараганда асосан ахлоқсиз бўлиб кўринади².

Юқорида таъкидланган олимлар фикрига қўшилиб, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини куриш бўйича ислохотларнинг амалга оширилаётганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ушбу мавзунинг янада долзарблиги яққол кўзга ташланади. Чунки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги бошқа ходимларга нисбатан тезкор бўлинма ходимлари ўз касбий фаолиятида инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг бошқа соҳаларида учрамайдиган ва такрорланмайдиган ахлоқий масалаларга тўқнаш келиб, улар фақат тезкор-қидирув иши юритишнинг усулларига хос ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ушбу ўзига хослиги, биринчи навбатда жиноятчиларнинг хуфёна ҳаракатлари, жиноятга тайёргарлик кўриш, уни содир этиш ва жиноят изларини яшириш-

нинг олдини олишга қарши қаратилган бўлиб, жамият манфаатларини кўзлаган ҳолда, кўпроқ яширин равишда амалга оширилади. Жиноят содир этган шахслар фош бўлиш ва қонуний жавобгарликдан қочиш мақсадида жирканч ва шафқатсиз ҳаракатларни амалга оширишга ҳам тайёр турадилар. Шу сабабли, уларга нисбатан яширин усулларнинг қўлланилиши ўзини тўлиқ оқлайди ва шу орқали тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий хусусиятлари намоён бўлади.

Қайд этиш керакки, тезкор-қидирув фаолияти яхшилик ва адолатга эришиш мақсадида рухсат берилган ва берилмаганлик чегараларни бузиш орқали ёвузликка олиб келмаслиги учун, у батафсил равишда ҳуқуқий тартибга солиниши шарт. Ушбу чегарани аниқлаб беришда энг нозик восита сифатида ахлоқ намоён бўлади ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда йўл қўйилган ва рухсат этилган фаолият майдонини белгилаб бериб, уни аниқлаб бўлгандан сўнг ҳуқуққа мурожаат қилади. Шундай қилиб, тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий тартибга солиниши ҳуқуқий тартибга солишнинг таянадиган асоси бўлиб хизмат қилади. Бошқача қилиб айтганда, тезкор-қидирув ҳуқуқи нормалари тўлиқ равишда ахлоқ чегараларида жойлашган бўлиши шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятининг асосий белгилари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти (жиноий-процессуал, жиноий-ижроия, маъмурий) билан чамбарчас боғлиқ бўлсада, лекин ҳеч бири билан тўлиқ қўшилиб кетмайди. У ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими умумий фаолиятининг мустақил қисми ҳисобланади. Унинг мустақил хусусиятидан, биринчи навбатда, бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти усуллариغا нисбатан, табиатига кўра фарқландиган усул ва воситаларга асосланган тезкор-қидирув функцияси далолат беради.

Тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқий асослари моҳиятини аниқлаш учун унинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқиш лозим бўлади. Биринчи навбатда, тезкор-қидирув фаолияти яширин ва ошқора тартибда фақатгина давлат органларининг тезкор бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ушбу талаб Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 121-моддасида белгилаб қўйилган, яъни Ўзбекистон ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий кооператив ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади. Шу билан бирга, ушбу фаолият процессуал ҳисобланмай, фақатгина қидирув, яширин хусусиятга эга бўлиб, махсус усул ва воситаларни қўллаш орқали, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган

асосларга кўра амалга оширилади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг бундай хислатларида нафақат унинг ҳуқуқий, балки ахлоқий асослари ҳам ўз аксини топади. Чунки, жамият манфаатларига зид келувчи ҳар бир шахс ҳаракатлари, муқаррар равишда ахлоқ қоидаларига ҳам қарши қаратилган ҳисобланади. Шу сабабли, инсон, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган жиноятларни фош этиш ва уларнинг олдини олиш, шу жумладан, жамиятнинг айрим аъзолари томонидан ахлоқсиз ҳаракатларни содир этиш ҳам ахлоқийликни таъминлашга имконият яратади.

Албатта, бундай вазифани амалга ошириш учун тегишли чораларни қабул қилиш зарур бўлади. Тезкор-қидирув фаолияти айнан ушбу мақсадга ҳам йўналтирилган бўлиб, у криминал жараёнларни илк босқичда бартараф этиш ва содир этилган жиноятни тезда очиш бўйича маълумотлар олишга катта имкониятлар яратади. Амалиётнинг кўрсатишича, айрим ҳолатларда тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш ижобий натижага олиб келадиган ягона усул бўлиб хизмат қилади. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланганидек, содир этилган ўта оғир жиноятларнинг кўпгина қисми фақатгина тезкор-қидирув чоралар натижасида очилиб, ушбу фаолият жамиятда ахлоқий нормаларни таъминлашнинг самарали воситаси бўлиб қолмоқда³. Буларнинг барчаси тезкор-қидирув фаолиятининг ахлоқийлик ҳамда адолатни таъминлашга қаратилганлигидан далолат беради.

Тезкор-қидирув фаолияти ахлоқий хусусиятларга эга бўлиши билан бир қаторда, унинг амалга ошириш жараёнига ҳам ахлоқий талаблар қўйилган. Хусусан, тезкор-қидирув тадбирлари нафақат жиноятга дахлдор бўлмаган шахслар, балки улар қўлланилаётган шахсларнинг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларини бузиши, айниқса, шахсий ҳаётга аралашганда алоҳида аҳамият касб этади; фуқароларда жиноят содир этиш истагини кўзғатиш, уни содир этганликда ноҳақ айблаш, бировнинг айбини ўз бўйнига олишга ҳамда ҳужжатларни қалбакилаштириш каби ҳолатларни истисно қилиши шарт. Ушбу талаблар БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1979 йил 19 декабрда тасдиқланган “Ҳуқуқ-тартиботни таъминловчи мансабдор шахслар хулқ-атвори Кодекси”нинг асосий мазмунига ҳам тўлиқ мос келади⁴.

Шунингдек, тезкор-қидирув фаолияти норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан батафсил тартибга солинса-да, ҳаёт ва амалиётда учрайдиган кўпгина ҳолатларни олдиндан кўра билиш ва тартибга солиш мумкин эмаслигини ҳам эътибордан қочирмаслик лозим. Шу сабабли ушбу фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда умумий ва принципиал асослар келтириб

ўтилади.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда таъкидлаб ўтилмаган ҳолатлар учраса, масалани ўз вақтида ечиш тезкор ходимдан ижодий ёндашишни талаб этади. Яъни, тезкор ходимнинг фаолияти қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан етарли даражада тартибга солинган бўлса-да, турли хавф-хатарли вазиятларга тўқнаш келганда, унга асосий маслаҳатчи виждони, хизмат бурчи, юқори ахлоқий сифатлари бўлиб қолади. Ахлоқ ҳуқуқий йўл қўйилган ҳаракатнинг умумий доирасини белгилаб беришда, асосий ижтимоий тартибга солувчи восита бўлиб хизмат қилади. Яъни, тезкор-қидирув бўлинма ходимлари ушбу ҳолатларда қонунийликнинг умумий талаблари ва ахлоқ қоидаларига амал қилишлари лозим бўлади.

Бундан ташқари, тезкор ходимлар олдида ахлоқий меъёрларга амал қилиш муаммоси, тезкор-қидирув тадбирларни амалга ошириш имкониятини баҳолашда ҳам юзага келиши мумкин. Уларга амал қилишнинг аҳамияти муаммо ечимини қолдириб бўлмайдиган, инсон ўзининг виждони, ишончи ва ахлоқий тамойиллари олдида ёлғиз қолганида айниқса, юқори аҳамият касб этади. Бундай ҳолатларда тезкор ходим мустақил равишда зудлик билан ҳал этилиши талаб қилганидан қийин қарорларни қабул қилишга мажбур бўлади.

Ахлоқий нормалар тезкор-қидирув фаолияти субъектлари ўртасидаги шахслараро муносабатларда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари учун Касб одобномаси каби ҳужжат мавжуд, шу билан бирга тезкор ходимларнинг бир қатор авлодининг амалий фаолияти натижасида шакллانган махсус “ёзилмаган ахлоқий қоидалар” мавжуд бўлиб, уларга ҳам амал қилиб келишади.

Умуман олганда, ахлоқий нормалар ҳуқуқий нормалар билан бир қаторда, тезкор-қидирув фаолиятни тартибга солишда муҳим аҳамият касб этади. Амалдаги ҳуқуқий меъёрлар ушбу фаолиятда юзага келадиган барча ҳаётий вазиятларни батафсил тартибга солиб бермаса-да, тезкор-қидирув фаолияти юритишнинг асосини шакллантириб беради.

Хулоса қилиб айтганда, тезкор-қидирув фаолиятини тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни ривожлантиришда жамиятимизда кўп йиллар давомида шаклланиб келган ахлоқий талаблар ва кадриятларга муҳим эътибор қаратиш лозим. Ушбу ҳолат, айниқса, 2012 йил 25 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг қабул қилиниши қайд қилинган масалада янада долзарб аҳамият касб этади. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизими, уни ўтказиш тамойиллари, асослари, усул ва шаклларини тўлиқ ва батафсил белгилаб берди.

Фикримизча, ушбу қонун ахлоқий нормалар ва кадриятларни тўлиқ ўз ичига олган ҳолда қабул қилиниши ва келажакда тезкор-қидирув фаолияти ахлоқий асосини такомиллаштиришга замин яратди.



АННОТАЦИЯ

Статья освещает вопросы значимости этических норм в оперативно-розыскной деятельности. Автор обращает внимание на невозможность регулирования всех вопросов нормативно-правовыми актами при оперативно-розыскных мероприятиях, в связи с чем в подобных случаях необходимо руководствоваться этическими нормами.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 9.

² Оперативно-розыскная деятельность. Учебник / Под ред. К.К. Горьянова, В.С. Овчинского, П.К.Синилова, А.Ю. Шумилова. – М.: ИНФРА-М, 2004. – Б. 98.

³ Профессиональная этика сотрудников правоохранительных органов. Учебное пособие / Под ред. А.В.Опалева и Г.В. Дубова. – М., 1997. – Б. 189.

⁴ Международные акты о правах человека. Сборник документов. – М., 1999. – Б. 58.

Анвар ҚОДИРОВ,
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти
кафедра профессори, ф.ф.д.
Йўлдошали ЗУХИРОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
кафедра катта ўқитувчиси

КАСБИЙ АХЛОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ – ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАЛАБИ

Мамлакатимизда шаклланаётган ҳуқуқий демократик давлат ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантиришга, уларнинг ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган фуқаролик жамияти иқтисодий, сиёсий, умуман барча соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида, хусусан, ички ишлар идоралари фаолиятида ҳам туб ислохотларни амалга оширишни, ходимлар маънавиятини юксалтиришни тақозо этади. Айниқса, 2010 йилда қабул қилинган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» бу муаммони янада долзарблаштирди. Зеро, барча ўзгаришлар, янгиланишлар негизида ахлоқ, киши маънавияти ётади. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимида, хусусан, ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида маънавиятни юксалтириш, касбий ахлоқ нормаларига оғишмай риоя қилишни таъминлаш, жамиятда қонун устуворлигини қарор топтиришга, бошқарув тизимида, давлат идоралари ходимлари фаолиятида, назорат тизимида гоҳо учраб турувчи суистеъмолчиликларга, коррупция, турли ноқонуний хатти-ҳаракатларга барҳам беради. Натижада эса, жамият маънавий муҳити соғломлашади, халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг олиб бораётган ислохотларга ишончи ва ҳурмати ошади.

Маълумки, жамиятда умуминсоний ахлоқ нормалари, принциплари ва қонун-қоидалари мавжуд. Уларга барча жамият аъзолари бўйсунушга мажбур. Бироқ касбий фаолият билан боғлиқ муайян ахлоқий талаблар ҳам борки, улар умуминсоний ахлоқ нормаларига айлангани ҳолда у ёки бу касбнинг маънавий жиҳатларини уйғунлашти-

ради. Ички ишлар идоралари ходимларининг маънавий қиёфаси, ахлоқ-одоби пировардида давлат сиёсатининг ижтимоий обрўси қандай эканлигини белгилайди. Йўл-патрул хизмати ходими бўладими, хорижга чиқиш-келиш хизмати ходими бўладими ёхуд паспорт тартиботи ходими бўладими, уларнинг барчаси демократик жамиятнинг ижтимоий обрўси оддий фуқаро кўз ўнгида қандай намоён бўлишига бевосита таъсир кўрсатади. Бу хусусда муҳтарам Юртбошимиз Ислом Каримов «Қонун устувор бўлган жойда адолат барқарор бўлади. Қонун мустаҳкам бўлган жойда ҳаётимизда аниқ тартиб-интизом, турмушимизда ҳаловат мустаҳкамланади» дейди. Қонунга ҳурмат, қонунга итоаткорлик фуқародан эмас, балки қонунчиликни таъминловчи, қонунни ҳаётга қўлловчи, унинг ишлашини назорат қилувчи маъмурий ходимдан бошланади. Маъмурий ходимнинг ўзи фуқаро учун намуна, ўрнак бўлиши лозим. Бунга эса, касбий ахлоқни ривожлантириш, касбга доир ахлоқ-одоб норма ва қоидаларини ходимлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий тарбиясини кучайтириш оқоли эришиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги бу йўналишда қатор амалий ишларни амалга оширди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ вазирликнинг ички ишлар идоралари ходимларининг «касб одобномаси» тасдиқланди ва шахсий таркибнинг маънавий тарбиясига эътибор кучайтирилиб, ҳар ҳафта «Маърифат дарслари» ўтказиш йўлга қўйилди. Бўлажак раҳбар кадрлар, зобитларни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга мўлжалланган Ўзбекистон Республика-

си Ички ишлар вазирлиги Академияси таркибидан 1997 йилдан бошлаб «Политология ва касб этикаси» кафедрасига асос солинди. Ушбу кафедра малакали кадрлар билан мустаҳкамланди. Академия тингловчиларига замонавий этика ва касб одобномасига оид фундаментал билимлар бериш, уларнинг маънавий баркамоллигига эътибор кучайтирилди. Ходимлардаги касбий бурчга садоқат, қонунчиликка оғишмай риоя қилиш, юксак маънавий иммунитет, жиноятчиликка қарши мурасасиз бўлиш амалда ушбу масъулиятли соҳада касбий оғишларнинг камайиши гаровидир.

Президентимиз Ислон Каримов томонидан олға сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар олдига ҳам муҳим вазифаларни қўяди, касбий ахлоқни юксалтиришни талаб қилади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти тўғрисида»ги 2011 йилда чиқарилган буйруғи ушбу концепция талабларини ҳаётга, ички ишлар идоралари амалиётига қўллашга қаратилган десак бўлади. «Гуруч курмаксиз бўлмайди», деганларидек ҳали ҳам ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида қатор камчиликлар, касбий оғиш ҳоллари учраб туради. Бундай ҳолатлар тўғрисида муҳтарам Президентимиз Ислон Каримов «Ҳуқуқ-тарти-

бот идораларининг айрим нопок ходимлари учун фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш биринчи навбатдаги вазифа бўлмай, балки қўрқитиш, ўз ваколати ва ҳукмдорлигини кўрсатиб қўйишга интилиш, ўзини гўё жиноятчиликка қарши курашаётгандек қилиб кўрсатиш каби нохуш одат ҳамон яшаб келмоқда... Шундайлар ҳам борки, улар қонунчилигимиздаги айрим номукамалликлар, одамларнинг хато ва бахтсизликлари ҳисобига ўзларининг ғаразли, тамағирлик мақсадларига эришишга уринади», деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси муҳтарам Президентимизнинг ушбу адолатли, бироқ ички ишлар идоралари ходимлари учун аччиқ бўлган сўзларига таяниб, Академиянинг тингловчилари учун махсус дастуриламал — «Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари ходимларининг касб маданияти ҳақида қўлланма»ни яратишди. Қўлланманинг бой мазмуни ҳар бир тингловчининг онги-шуурига сингдириб борилиши устидан назорат ўрнатилди. Бундай саъй-ҳаракатлар келажакда, Академияни битириб чиққан ёш кадрлар фаолиятида ўз натижасини бериши шубҳасиздир.

Касбий одоб-ахлоқ ва маданиятни ривожлантириш орқали Она диёримизда миллий ғоямиз йўналтирилган олий мақсад — озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётни бунёд этиш муқаррарлигига эришилади. Бугун бунга барчанинг имони комил.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам развития профессиональной этики в процессе демократических реформ. Авторы освещают деятельность по формированию и развитию профессиональной этики у слушателей и сотрудников Академии МВД.

Шухрат ЯКУБОВ,
Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш
мустақил институти бош мутахассиси, ю.ф.н., доцент

ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИНИНГ ХОДИМЛАРИ КАСБИЙ- ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Хуқуқий давлат — юксак хуқуқий маданият асосида барпо этилади. «Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг хуқуқий онги ва хуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак хуқуқий маданият — демократик жамият пойдевори ва хуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир»¹.

Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш ҳар доимгидек мамлакатимиз тараққиётининг бугунги — модернизация босқичида ҳам ўта долзарб масала ҳисобланади. Бу борада, айниқса, хуқуқни муҳофаза қилиш тизимида фаолият олиб бораётган ходимларнинг касбий-хуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси билан шуғулланадиган ходимларнинг ўзи хуқуқни мукамал билиши, унга риоя этиши ҳамда бошқаларнинг ҳам ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши лозим.

Юртимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ва халқимизнинг фаровон ҳаёти хуқуқни муҳофаза қилиш органларида хизмат қилаётган ходимларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатларига боғлиқ. Ўз навбатида, бу ходимлардан нафақат ўз касбининг фидойиси бўлиш, балки юксак даражада касбий-хуқуқий маданиятли бўлиш талаб этилади.

Хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг қобилияти, тажрибаси, малакаси, ўз хизмат вазифасига муносабати, шахсий ва ахлоқий хислатлари, шунингдек, улар касбий-хуқуқий маданиятининг юксаклиги жамият ҳаётини модернизациялаш ва мамлакатни демократлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омиллардан бири сифатида майдонга чиқади.

«Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури»да қайд этилганидек: «авваламбор, инсоннинг касбий тайёргарлигини оширишга интилиш керак. Турли касбдагилар ўз фаолиятларида оқилона қўллай оладиган тарзда хуқуқий билимга эга бўлсинлар. Давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари раҳбарларига қўйи-

ладиган талаблар ва малака тавсифномалари, даставвал инсон хуқуқлари ва эркинликларига оид хуқуқий билимларнинг зарур даражасини назарда тутиши керак»².

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислоҳ Каримов мансабдор шахсларга қарата ўринли қайд этганларидек, «сен бошқарган, сенга ишонч билдирган аҳоли, эл-юрт, жамоатчилик ҳамма нарсани кузатади, ҳамма нарсадан хабардор, ҳамма нарсани англайди ва вақти келганда тегишли хулоса чиқаради»³. Демак, оддий фуқаронинг маданиятли ва фаол бўлиши кўп жиҳатдан хуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари фаолиятига, уларнинг ўзини англаши даражасига боғлиқ экан, улар мансабдор шахсларнинг ҳаракатларидан ўзларига хулоса чиқарар экан, биринчи навбатда, ходимларнинг ўзларидан юксак маданият, улкан салоҳият соҳиби бўлиш талаб этилади.

Ҳозир мамлакатимиз хуқуқ-тартибот органларида давлатнинг минглаб энг ишончли шахслари фаолият олиб бормоқда. Уларнинг сиёсий-хуқуқий маданияти, бутун дунёда рўй бераётган глобаллашув ва бошқа жараёнларга муносабати, мамлакатимиздаги кенг қўламли ислохотлардан хабардорлик даражаси, юрт тараққиётига нисбатан дахлдорлик ҳисси — давлатимиз равнақининг асосий омилдир. Булар ўз-ўзидан уларнинг юксак даражадаги касбий-хуқуқий маданиятига боғлиқ.

Шундан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда аҳолининг, хусусан, бу жараёнга янада масъул бўлган хуқуқ-тартибот органлари ходимларининг хуқуқий маданиятини юксалтириш борасида бир қатор самарали тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 1997 йил 29 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Жамиятда хуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури» қабул қилинган ва ўтган йиллар давомида унинг ижроси таъминланмоқда. Мазкур хуқуқий асосда мансабдор шахсларнинг хуқуқий маданиятига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, унда қайд этилишича, «қонун ҳужжатларини қўлланиш амалиёти шунини яққол кўрсатадики, талайгина

ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилиши ҳоллари ҳуқуқий билимнинг етарли эмаслиги, ҳуқуқий маданият даражаси пастлиги оқибатидир»⁴.

Лекин бу 1997 йилгача бўлган вазиятни баҳолаган ҳолда билдирилган фикрлар эди. Ўтган 15 йилдан ортиқроқ вақт давомида ҳам аҳолининг, ҳам ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Бунинг натижасида фуқаролар ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуққа амал қилиш ва ундан фойдаланиш борасида ижобий натижаларга эришмоқдалар.

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти ривожланиб бораётганлигининг биргина мезони сифатида фуқароларнинг мурожаатларига назар ташласак, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)га 1995 йилда 262 та, 1996 йилда 755 та мурожаат келиб тушган бўлса, 2009 йилда — 10409 та, 2010 йилга келиб эса мурожаатлар сонининг 10619 тага етгани⁵, албатта, бу соҳада ижобий натижалар кўлга киритилаётганидан далолатдир.

Лекин юқоридаги рақамлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданияти талаб даражасида, деган маънони англатмайди. Афсуски, амалиётда барча ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари қонунларга мувофиқ иш олиб бораётгани йўқ. Агар рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, буни қуйидаги кўрсаткичлар яққол исботлайди. Хусусан, 2000-2005 йилларда 8043 нафар мансабдор шахс жинойий жавобгарликка тортилган⁶. 2008 йилда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, ташкилотлар ва муассасаларнинг 6784 нафар мансабдор шахслари турли суиистеъмолчиликлар, порахўрлик, талон-торож қилганлик ва мансабга совуққонлик билан қараганлик учун жинойий жавобгарликка тортилганлар⁷. 2009 йилда эса бу рақам 7910 тани ташкил этган⁸.

Прокуратура органларига 2010 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти устидан 3317 та ариза ва шикоятлар келиб тушган бўлиб, уларнинг сони 2009 йилдагига нисбатан 228 тага кўпайган. Ариза ва шикоятларнинг 276 таси ички ишлар идоралари ходимларининг фаолияти устидан, 73 таси божхона органлари, 20 таси прокуратура органлари, 4 таси миллий хавфсизлик хизмати ва қолган 48 таси бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари устидан тушган. Юқоридаги шикоятлардан 92 таси қийнашга оид бўлиб, улар текширилиши натижасида 7 та ҳолатда қонун бузилганлиги, уларнинг 6 таси ички ишлар ва 1 таси божхона ходимлари томонидан амалга оширилганлиги аниқланган⁹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида айнан шу йўналишдаги муаммолар сирасида куюнчақлик билан қуйидагиларни қайд этади: «афсусланарли жиҳати шундаки, баъ-

зан қонун посбонлари бўлган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан жиноят содир этиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. Буни ўтган йилнинг ўзида ички ишлар идоралари ходимларидан 12 нафари, солиқ идораси ходимларидан 3 нафари, божхона идораси ходимларидан 4 нафари, шунингдек, 1 нафар судья жинойий жавобгарликка тортилгани ҳам тасдиқлаб турибди. Шу ўринда мен илгари ҳам айтган бир фикрни яна такрорлашни зарур, деб биламан. Маълумки, биз ҳуқуқий-демократик давлат қурмоқдамиз. Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси ҳам, кўзи ҳам, сўзи ҳам қонундир.

...Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, одамлар кимгадир, нимагадир ишончини йўқотса, кейин уни тиклаш албатта қийин бўлади. Ҳуқуқ-тартибот органларида ишлайдиган одамларнинг ўзини тутиши, хизмат ва муомала маданияти ҳақида мен бу ўринда бежиз сўз юритаётганим йўқ. Нега деганда, форма кийиб, гердайиб юришдек совет давридан қолган салбий ҳолатлар ҳали ҳам, афсуски, йўқ эмас. Ички ишлар, прокуратура ва хавфсизлик идоралари хизматчилари ўз вазифасини бажаряпти, буни албатта эътироф этиш керак. Айни вақтда шуни ҳам эсдан чиқармаслигимиз лозимки, бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига нисбатан бошқаларга қараганда бир неча баробар қаттиқ талаб қўйилмоқда. Чунки улар аввало давлат, ҳокимият номидан иш олиб боради ва бу масъулиятни эсдан чиқаришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ»¹⁰.

Албатта, соҳада муаммолар, ҳал этилиши лозим бўлган камчиликлар кўп. Уларни бартараф этиш учун ҳам айнан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш зарур. Фикримизча, бу йўналишларда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

Биринчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан ўз вақтида хабардор қилиш механизми жорий этиш лозим. Улар ҳуқуқ ҳимоячиси сифатида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларни ривожланиш тенденцияларини, янги қабул қилинаётган қонунларни билишлари шарт. Бунинг учун барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида, ҳафтанинг алоҳида кунда «қонунларни ўрганиш соати»ни ташкил этиш ва мунтазам равишда қонунчилик соҳасидаги янгиликлардан уларни хабардор қилиб бориш лозим.

Иккинчидан, ҳар бир ҳуқуқ-тартибот органи ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларини таҳлил этиши ва уни янги босқичга кўтариш борасидаги янги вазифаларини белгилаб олиши керак. Соҳа ходимларининг ҳуқуқий маданиятини тизимли ошириб бориш борасидаги ишларни мувофиқлаштириши, яқин ва узоқ муддатли иш режаларида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича алоҳида вазифаларни кўрсатиши ҳамда

уларнинг ижросини амалга ошириши лозим. Шунингдек, ҳар қайси ҳуқуқни муҳофаза қилиш органида ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида тадбирлар учун масъуллар белгиланиши даркор.

Учинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ҳуқуқий маданият даражасини белгиладиган мезонларни яратиш мақсадга мувофиқ ва бу мезонлар асосида ҳар бир ходимнинг касбий-ҳуқуқий маданиятини баҳолаб бориш лозим. Мезонларни яратишда ҳуқуқий маданият даражасини кўрсатувчи ҳар бир элементга алоҳида эътибор қаратилиши зарур. Бунинг учун, албатта, мазкур йўналишда илмий изланишларни амалга ошириш ва унинг натижаларидан амалий фаолиятда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Тўртинчидан, касбий-ҳуқуқий онги ва маданияти юксак даражада ривожланган ва амалий фаолиятда бу қобилиятини намоиш эта олган ходимларни рағбатлантиришнинг янги ва замонавий йўналишларини амалга жорий этиш лозим. Бу борада асосан, маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилиши мазкур механизмни амалга жорий этиш ва уни муваффақиятли ишлашига замин яратади. Шунингдек, ходимларнинг лавозимини оширишда уларнинг касбий-ҳуқуқий маданияти даражасига ҳам кўпроқ эътибор қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш орқали ҳам ходимларнинг

касбий-ҳуқуқий масъулиятини ошириш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларнинг амалдаги Конституция ва қонунларга нечоғли мос эканлигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Олтинчидан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида ҳуқуқий тарғибот ишларини кучайтириш шарт. Бу борада ҳам фуқаролик жамияти институтлари, хусусан, оммавий ахборот воситалари имкониятидан кенг фойдаланиш лозим. Ҳуқуқий билимларни оммавий ахборот воситалари орқали тарғиб қилиш тизимини такомиллаштириш ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга кўмаклашади. «Фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳамда маданияти юксалиши учун давлат қанчалик тадбирлар ўтказмасин ёки ҳуқуқий база яратмасин, бари-бир, уни давлатдан кўра тўртинчи ҳокимият, нодавлат ва жамоат ташкилотлари бу борадаги ташаббускорликни ўз қўлига олмас экан, қўйилган натижага эришиб бўлмайди»¹¹.

Хулоса қилиб айтганда, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш жамиятдаги мустақкам ҳуқуқий тартибот ва қонунийлик муҳитини ўрнатилишига замин яратади. Зеро, юқори савияли, юксак маънавият ва касбий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлган, ватанпарвар, масъулиятли ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларигина, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшадилар.



АННОТАЦИЯ

Статья освещает вопросы развития правовой культуры сотрудников правоохранительных органов. Автор анализирует осуществленную государством деятельность в этом направлении. Автором предлагаются меры по формированию правовой культуры сотрудников правоохранительных органов.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / И.Каримов. –Тошкент: «Ўзбекистон» –Б. 27.

² Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

³ Каримов И. А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т.19. –Тошкент: 2011. –Б. 166.

⁴ Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш Миллий дастури. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 й. 29 августдаги қарорига биноан тасдиқланган // «Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари миллий базаси»нинг веб-сайти – www.lex.uz.

⁵ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2010 йил якунларига оид ҳисоботи. –Т.: 2011. –Б. 7.

⁶ Коррупцияга қарши кураш муаммолари: миллий ва халқаро тажриба. Халқаро илмий-амалий семинар маърузалари тўплами // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари, Германиянинг ҳуқуқ соҳасидаги ҳамкорлик фонди. – Тошкент: Chashma print, 2010. – Б. 40.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси материаллари.

⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг 2009 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2010 йил 5 апрелдаги № 32 – II сонли Қарори.

⁹ Қаранг: Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича тузилган идоралараро ишчи гуруҳнинг 2010 йил 5 апрелдаги йиғилиши баёнидан.

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йил 16 март куни Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқ. // Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизматининг веб-сайти – www.press-service.uz.

¹¹ Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очиқ фуқаролик жамиятининг шаклланиши. – Тошкент. «Шарқ», 2003. –Б. 308-309.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедрa бошлиғи, ю.ф.д., проф.

ЎЗБЕКИСТОНДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ ВА БОСҚИЧЛАРИ

Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларга бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиш зарур.

Ўзбек халқи тарихида кескин бурилиш ясаган, аҳамияти жиҳатидан асрларга татиғулик ҳуқуқий ҳужжатлар қаторида Асосий Қонунимиз — Конституциямизни алоҳида эҳтиром билан тилга оламиз. Мустақил давлатчиликнинг белгиси ҳисобланмиш Конституция, аввало миллатнинг юзи, халқнинг эрки ифодаси, жамият тараққиётининг асосидир. Конституциямизнинг ғояси, асосий принцип ва қоидалари умумэтироф этилган халқаро талаблар билан бирга, халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган қадриятларини ҳам ўзида мужассам этган¹.

Конституциявий нормалар, унда белгиланган қоидалар, принциплар мамлакат ҳуқуқий базасини ташкил этади. Унинг замирида эса ҳуқуқнинг барча соҳалари — фуқаролик, маъмурий, жиноий, молиявий, меҳнатга оид ва бошқа соҳалар нормалари шаклланган. Ҳар қандай меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат (қонун, фармон, фармойиш, қарор ва бошқалар) Асосий Қонун, яъни Конституцияга асосланади. Нафсиламбрини айтганда, Конституция барча қонун ҳужжатларининг асоси, негизи ва сарчашмасидир.

Ўзбекистонда инсон, унинг ҳаёти, эркинликлари, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши муҳим тамойил сифатида тан олинган ва унинг амалий ижросини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилган. Давлатнинг бу соҳадан муҳим ҳеч қандай йўналиши белгиланмаган. Шу боис инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини тан олиш ва ҳимоя қилиш ҳуқуқий демократик жамият қуришни эзгу мақсад деб билган давлатнинг бош мажбурияти ҳисобланади. Мазкур тамойил конституциявий тузум асослари тизимида етакчи ўрин эгаллайди.

Инсон ҳуқуқларининг устуворлиги демократик

давлатчилик принципи сифатида Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг асосларига киритилган ва унинг натижасида юзага келадиган бошқа тамойиллар, яъни ҳокимиятнинг тармоқларга бўлиниши, ғоявий ва сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, ижтимоий адолат, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши кабилар билан узвий боғлиқдир.

Сир эмас, Ўзбекистон Конституцияси дунёнинг юзга яқин давлатлари конституцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида, уларнинг энг илғор тажрибаларини назарда тутиб, умуминсоний нуқтаи назардан эътироф этилган халқаро ҳуқуқ меъёрларига асосан, шунингдек, халқимизнинг бой ўтмиши ва тарихини эътиборга олган ҳамда азалий ўрф-одатларимиз ва анъаналаримиздан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган. Шунга кўра, у хорижий мутахассислар томонидан жаҳоннинг энг демократик конституцияларидан бири сифатида эътироф этилган. Энг муҳими, Ўзбекистонда Конституция асосида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мамлакатда тинчликни сақлашда ва барқарор фаолият юритишда асосий омиллар вазифасини ўтамоқда.

Конституциямизда инсон ва фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишига асос бўлган омил, яъни раҳбарий ғоялар йиғиндиси ҳисобланган шахс ва фуқаро ҳуқуқий мақомининг куйидаги асосий принциплари мустаҳкамланган:

- ◆ шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари соҳасида халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлиги;
- ◆ шахснинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг яхлитлиги;
- ◆ ҳуқуқ ва эркинликларнинг бевосита амалга оширилиши;
- ◆ ҳуқуқ ва эркинликларнинг қонунда кўрсатилган ҳоллардан ташқари мажбуран чекланишига йўл қўйилмаслиги;
- ◆ шахс ва фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари давлат томонидан кафолатлангани;
- ◆ шахснинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириши бошқаларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига путур етказмаслиги шарт эканлиги ва ҳоказолар.

Юртимизни конституциявий ривожлантириш тарихида илк бор давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ҳамда фуқаролар олдида масъул эканлиги белгилаб қўйилгани халқимиз барпо этган адолатли фуқаролик жамиятининг асл маъно-моҳиятини англатади.

Инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолат-

лаш ва таъминлаш ҳар қандай давлатнинг биринчи даражали вазифалари сирасига киради. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат ишларини амалга оширувчи барча органларнинг фаолияти, мақсад ва вазифалари қайта кўриб чиқилди.

Жумладан, жамият ҳаётидаги чуқур ўзгариш ва янгиланишлар, инсонлар онгида демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиб бориши, янгича ҳуқуқий тафаккурнинг шаклланиши прокуратура тизимини ҳам жиддий ислоҳ қилишни кун тартибига қўйди. Сўнги йилларда прокуратура органлари фаолиятини белгилаб берувчи қонуний асослар тақомиллаштирилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилди. Шу жараёнда прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоялаш ваколатлари кучайтирилишига алоҳида эътибор қаратилди. Алалхусус, эндиликда прокуратура инсон ва фуқаро ҳуқуқларининг, давлат ва жамият манфаатларининг ҳимоячиси сифатида, янгича ҳуқуқий мақомда фаолият юритмоқда.

Қарийб 20 йилдан буён амалда бўлиб келаётган Ўзбекистон Конституцияси фуқаролар ва миллатлараро тотувликни таъминлашнинг, турмуш фаровонлиги йил сайин ошиб боришининг, ижтимоий-маданий ривожланишнинг, таълим, илм-фан соҳаларида улкан муваффақиятларга эришишнинг бош омилли бўлмоқда. Жаҳон ҳуқуқ амалиётида ўзига хос мавқега эга бўлган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг қоида ва меъёрлари мамлакатимиз Асосий Қонунда, шунингдек, шахснинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилик меъёрларида ўз ифодасини топди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш Истиклолимиз қомуси бўлган Конституциянинг асосий тамойили, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-сиёсий тизимини тубдан ислоҳ қилишнинг асосий йўналиши ҳамда пировард мақсадидир.

Зеро, мустақиллик йилларида инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий негизлари ҳамда самарали механизмларини яратиш ва уларни изчил равишда тақомиллаштириб бориш қонунчилик жараёнининг бош мақсади бўлиб қолди. Шахс ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш эса том маънода мамлакат сиёсатининг асосий йўналишига айланди.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена раскрытию значения Конституции - как гаранта прав человека. Автор анализирует имеющиеся правовые гарантии прав человека и обосновывает их конституционную основу. Автор указывает на необходимость обеспечения безусловного соответствия нормативно-правовых актов основному закону.

О НЕКОТОРЫХ КРИМИНАЛИСТИЧЕСКИХ АСПЕКТАХ ТАКТИКИ ПОДГОТОВКИ К ПРОИЗВОДСТВУ СЛЕДСТВЕННЫХ ДЕЙСТВИЙ

Современная узбекская модель осуществления демократических реформ и формирования уголовно-правового законодательства, учитывающая мировой опыт, а также самобытность и традиции республики, определены в виде стратегических целей Концепции Президента Республики Узбекистан И.А.Каримова, озвученной 12 ноября 2010 г. на совместном заседании Палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан. В частности, Глава государства обозначил необходимость принятия законопроектов, предусматривающих установление правовых механизмов и определяющих особую роль органов юстиции в осуществлении контроля за соблюдением законодательства и обеспечением верховенства закона в деятельности органов государственной власти, правоохранительных структур, в том числе органов прокуратуры.¹

Подобное пристальное внимание руководства страны к судебной-правовой системе показывает актуальность реформ законодательства для защиты интересов народа. В свою очередь, криминалистическая тактика производства следственных действий является основой процесса доказывания и установления истины по делу.

Исходя из теории криминалистической тактики, очевидно, что любое следственное действие состоит из трех основных стадий: 1.Подготовительной; 2.Рабочей; 3.Заключительной. В данной статье рассмотрим подготовительный этап к проведению различных следственных действий, которые имеют общие черты и различия.

Начнем с криминалистической тактики подготовки допроса, которая включает:

- а) сбор информации исходных данных о преступлении и о личности допрашиваемого;
- б) тактическое обеспечение предстоящего допроса;
- в) выбор момента и места, способа вызова на допрос;
- г) техническое обеспечение следственного действия.

При подготовке к допросу определяется круг обстоятельств, по которому нужно получить показания. Если круг обсуждаемых вопросов требует ознакомления с литературой, технологическими процессами, порядком делопроизводства и товарооборота, учета и отчетности требуется ознакомление с заключениями экспертов, справочными материалами или консультация со специалистами.

Информация о предмете допроса, может быть предварительно получена из оперативных источников, для чего следователь ориентирует дознавателя. Сведения из оперативных источников, используется с соблюдением специальных правил и имеет не доказательственное, а лишь ориентирующее значение. Оперативная информация перед проведением допроса может ориентировать: о преступных действиях подозреваемых, аморальных поступках, взаимоотношениях между соучастниками, роли допрашиваемого в преступной группе, действиях по сокрытию следов и планах противодействия расследованию.²

Изучение личности допрашиваемого помогает определить особенности процесса формирования показаний и выработать нужную тактику допроса.

Готовясь к допросу, следует изучить: протоколы предыдущих следственных действий, уличающих допрашиваемого в пребывании на месте происшествия или в совершении преступлений, выбираются доказательства для предъявления в ходе допроса и т.д.

При подготовке к допросам необходимо мысленное планирование или составление плана в упрощенной форме или в виде перечня вопросов. Письменный план составляется при допросах, связанных с выяснением широкого круга обстоятельств, с использованием значительной информации, в том числе и оперативной.

К тактическому обеспечению допроса относится выбор приемов, которые должны: а) не противоречить закону и принципам расследования; б) соответствовать нормам нравственности; в) не ограничивать свободу волеизъявления допрашиваемого, а также возможность выбора им линии поведения.

При подготовке к допросу следует определить момент и место допроса, с учетом важности сведений допрашиваемого, его процессуального положения, связей с другими допрашиваемыми, а также конкретной ситуации. В случаях допроса несовершеннолетних лиц рекомендуется допрашивать в учебном заведении или по месту жительства для расположения ребенка к даче правдивых показаний.

Определение способа вызова на допрос зависит от статуса допрашиваемого: по телефону, телеграммой, повесткой, приводом.

Техническое обеспечение допроса включает: приготовление бланков протоколов, бумаги, пишущих принадлежностей, ЭВМ, стенографистки, средств звуко- или видеозаписи, транспортных средств и охраны, если они могут потребоваться, а также помещения для допроса.

Кроме того, следователь определяет круг лиц необходимых для участия в допросе: защитник для подозреваемого или обвиняемого, адвокат свидетеля, переводчик, специалист или эксперт и иные лица.

Теперь рассмотрим подготовку к производству очной ставки, которая аналогична подготовительным мероприятиям допроса, но в подготовке к очной ставке следователь готовит вопросы, предметы или документы, необходимые для изобличения лжи или устранения существенных противоречий между лицами, ранее давшими показания. Так, подготовка включает в себя: выбор момента и времени проведения, анализ взаимоотношений участников очной ставки для определения линии их поведения, воздействия друг на друга, оценки вероятных изменений показаний, определение круга подлежащих выяснению обстоятельств, последовательности вопросов к допрашиваемым и их формулировки, подготовка доказательств для предъявления на очной ставке.³

Теперь рассмотрим особенности подготовительного этапа осмотра.

С учетом необходимости проведения в ходе осмотра не только наблюдения, но и различных измерений, вычислений, сравнений наблюдаемых объектов, экспериментирований, описаний и запечатлений всех обнаруженных объектов требует соответствующей подготовки следователя. Независимо от видов осмотра: осмотр места происшествия, трупа, предметов, документов, животных, участков местности и помещений, не являющихся местом происшествия, следователь должен создать условия для производства следственного действия, определить предмет и круг участников и др.⁴

Действия на подготовительном этапе носят преимущественно организационный характер, разделяемый на два комплекса мероприятий: меры, принимаемые до выезда на место производства осмотра и мероприятия, предпринимаемые по прибытию на место осмотра.

Подготовительные мероприятия до выезда на место осмотра начинаются с принятием решения о производстве осмотра, после чего необходимо: обес-

печить охрану объекта осмотра и следов находящихся на нём до прибытия на место происшествия, принять меры к предотвращению чрезвычайных последствий преступления (пожара, взрыва и т.п.), обеспечить выявление очевидцев, могущих дать информацию, определить, каких специалистов следует привлечь к осмотру, обеспечить их прибытие, составить оперативно-следственную группу для работы на месте осмотра, проверить готовность технических средств.

С момента прибытия на место осмотра начинается второй период подготовительного этапа: принятие мер к оказанию медицинской помощи потерпевшим, если она не оказана, удаление посторонних лиц с места осмотра, привлечение понятых и остальных участников осмотра, инструктаж участников и разъяснение прав и обязанностей, собиране путем опроса сведений для учета в осмотре и подготовка технических средств. На всех этапах производятся необходимые розыскные мероприятия параллельно с осмотром, включая преследование преступника и применение служебно-розыскной собаки.⁵

Следующий подготовительный этап касается производство обыска. При подготовке к обыску должны быть проанализированы следующие сведения: 1) о психологическом облике обыскиваемого и членов его семьи; 2) об уровне культуры, интересах, привычках обыскиваемого и членов его семьи; 3) о профессиях, об интересах или хобби подозреваемого и его близких; 4) об образе и распорядке жизни; 5) о симпатиях обыскиваемого, кто, кроме него, может знать о наличии тайников; 6) кто из обыскиваемых не владеет собой и требует пристального наблюдения.

1. Процесс принятия решения о производстве обыска включает наличие информации: а) о личности обыскиваемого (фамилия, имя, отчество, год рождения, семейное положение, образование, профессия, место работы, судимости, процессуальное положение), его связях, роде занятий, склонностях и интересах; б) об искомых объектах (общие и частные признаки орудия преступления, оружия, ценностей, валюты, похищенного имущества, предметах, документах, скрывающегося лица, трупа, а также дефектах, количестве предметов и др.); в) о месте обыска (адрес, места проживания, работы обыскиваемого, план или схема помещений, количество комнат, окон, дверей, наличие сигнализации, домофона, телефона, наличие собаки, состав семьи, наличие близких, места укрытия искомых объектов). б

Источниками получения вышеуказанных сведений являются материалы уголовного дела, результаты оперативных мероприятий, иные документы об интересующих объектах и консультация специалиста.

2. Составление плана, который уточняется и дополняется по прибытию на место производство обыска включающий: информацию об объекте обыска, их количестве, групповых и индивидуализирующих признаках, в каких местах могут быть спрятаны ис-

комые объекты, дата и время производства обыска, определяется количество и состав участников группы обыска, выстраивается тактика подготовки и проведения обыска, подбор понятых желательно обоего пола, привлечение специалистов, экспертов и других лиц.

3. Определяется, какие технические средства необходимы для обнаружения и фиксации искомых объектов, какой потребуются транспорт для перевозки группы и изъятых объектов.

4. Все участники обыска инструктируются, чтобы на месте обыска каждому было ясно, чем он должен заниматься: способ проникновения в помещение, охрана места обыска, наблюдение за находящимися там лицами, принятие мер по сохранению на месте обнаруженных следов, связь между участниками обыска, а также условные знаки и реплики.⁷

Другим следственным действием, требующим не меньшего внимания, считается предъявление для опознания. Обстоятельствами, влияющими на подготовку, проведение опознания и оценку его результатов, могут быть классифицированы как субъективные и объективные.

Подготовительные мероприятия для организации опознания включают:

1. Предъявлению для опознания должен предшествовать допрос, в котором у допрашиваемого выясняют, при каких обстоятельствах наблюдался объект, какие запомнил особенности, может ли опознать его. Оценки результатов допроса должны свидетельствовать о целесообразности производства опознания.

2. Подготавливается помещение для производства опознания, при котором обеспечивается наличие нескольких комнат: место производства опознания, место содержания опознаваемого лица, если он заключен под стражу и помещение для ожидания опознающего лица.

3. Лица (предметы) предъявляются для опознания среди сходных с ними по внешним признакам. Необходимо подготовить не менее двух сходных по внешнему облику объектов с опознаваемым лицом или объектом (всего для опознания предъявляется три объекта), за исключением трупов, предоставляемым в единственном экземпляре.

4. Опознаваемому лицу должно быть предложено, занять любое место среди предъявляемых для опознания лиц. Об этом делается отметка в протоколе, исключающее сомнение в объективности опознания.

5. Свидетель или потерпевший, которые опознают предупреждаются об ответственности за отказ или уклонение от дачи показаний и за дачу ложных показаний, что отмечается в протоколе.

6. Для производства предъявления для опознания следователь подготавливает участников данного следственного действия: не менее двух статистов, не менее двух понятых, специалиста для фиксации хода и результатов опознания, переводчика, защит-

ника, адвоката свидетеля, законных представителей, опекунов, педагогов и др.⁸

Другим следственным действием подготовку, которого мы рассмотрим является проверка показаний на месте. Ключевой этап подготовки проверки показаний на месте является: предварительный допрос лиц, показания которых планируется проверять относительно обстоятельств, связанных с местом преступления, указывая признаки места, пути движения, получение добровольного согласия лица участвовать в следственном действии, определяется наиболее благоприятное время для производства следственного действия, подготавливается состав следственной группы для проверки показаний на месте: понятые, защитник, адвокат свидетеля, специалист, дознаватели, переводчик, законные представители, педагог, специалисты, водитель и другие лица; проверить готовность технических средств (фото- и видеокамеры, магнитофона, поисковых приборов, следственного чемодана, транспортного средства и др.), инструктаж всех участников следственного действия.⁹

Следующим следственным действием, подготовку которого следует раскрыть – это эксперимент.

На первоначальном этапе, до выезда на место решаются задачи, обеспечивающие надлежащее проведение следственного эксперимента: определяются место и условия его производства, учитываются погодные условия во время совершения преступления, выбирается время производства эксперимента, так как должны быть соблюдены все условия при котором было совершено преступление с максимальным приближением к реалиям исследуемого события. Далее определяется очередность проведения опытных действий, возможность сохранения в неизменном виде обстановки, для его неоднократного проведения и т.п.

Также в процессе подготовки определяется состав участников эксперимента, а также подбор необходимых для эксперимента предметов и орудий, которые фигурировали в преступлении, при необходимости изготавливают модели (манекены, муляжи и т.п.), сходные с предметами по тем свойствам, которые имеют значение для правильной постановки эксперимента. К тому же уточняются какие факты подлежат проверке, с учетом которого составляется подробный план эксперимента с указанием: мест, времени проведения, круга вопросов, подлежащих проверке, задач участников, содержаний и последовательности опытных действий, мер по обеспечению явки участников, предметов, материалов, необходимых для эксперимента, мер по реконструкции места эксперимента, восстановлению обстановки в прежнем виде, научно-технические средства и средства связи.¹⁰

Составив план и имея представление о предстоящем эксперименте, следователь выполняет еще ряд необходимых подготовительных действий: согласовывает вопросы взаимодействия с дознавателями по охране места производства эксперимента, предуп-

реждает представителя администрации предприятия, учреждения, владельца помещения и т.п. о предстоящем эксперименте, получает санкцию прокурора в случае, если эксперимент может повлечь причинение имущественного вреда гражданам, предприятиям, изменение режима производства, графика движения транспортных средств и другие неблагоприятные последствия, предварительно знакомится с местом проведения эксперимента и вносит коррективы в план, уточняет число участников и роль каждого из них.

По прибытии на место проведения эксперимента проводятся ряд подготовительных действий: осмотр места проведения опытных действий, при необходимости производят реконструкцию обстановки совершения преступления, организуют охрану места и меры безопасности участников, следователь или руководитель следственно-оперативной группы осуществляет инструктаж участников эксперимента, разъясняет им права и обязанности, при необходимости предупреждает участников об ответственности, предлагает каждому из участников занять места, определенные для них и устанавливает средства связи, при необходимости до начала эксперимента осуществляется предварительное фиксация обстановки места эксперимента специалистами.

Следующий следственным действием подготовительный этап, которого будет рассмотрен – это получение образцов для сравнительного исследования. Подготовительный этап заключается в: опреде-

лении видов образцов необходимых для получения (свободные или экспериментальные образцы), принятии решения о производстве следственного действия и вынесение постановления, подготовке необходимых материалов и инструментов, консультации и подготовке специалистов, разработке последовательности и условий получения образцов, приглашение необходимых участников: специалистов, врача, экспертов и другие мероприятия.¹¹

Таким образом, подготовительный этап к проведению любого следственного действия представляет собой большой комплекс разнообразных мероприятий, включающих изучение материалов уголовного дела, лиц, проходящих в рамках расследуемого дела, разнообразных предметов, документов и доказательств, которые могут быть использованы при производстве следственных действий, а также материалов оперативных мероприятий, могущих ориентировать следователя.

Из этих положений также следует, что именно тщательное и кропотливое отношение дознавателя и следователя к процессу подготовки следственного действия могут повысить его эффективность, а также собрать новые доказательства, изобличающие вину преступников и позволяющие установить истину по уголовному делу. Ведь быстрое и полное раскрытие и расследование преступлений, наряду с их предупреждением являются одним из приоритетных задач органов правоохранительных органов Республики Узбекистан.



АННОТАЦИЯ

Мақолада тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўришнинг криминалистик жиҳатлари ёритилган. Муаллиф тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида терговчи томонидан криминалистик тактика имкониятларидан фойдаланган ҳолда белгилаб олинishi лозим бўлган ҳолатларни келтириб ўтган.

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества страны. Доклад на совместном заседании Законодательной палаты Олий Мажлиси и Сената Республики Узбекистан 12.11.2010 г. // Дальнейшее углубление демократических реформ и формирование гражданского общества – основной критерий развития нашей страны – Т.: Узбекистан, 2011. – Т.19. – С.34-96.

² Ахмедов Т. Сурок қилиш тушунчаси, турлари ва ахамияти // Ёш олимлар тўплами. - 2005. - №7. Б. 23-24.

³ Замылин Е.И., Колосов Н.Ф. Проблемы допроса в конфликтной ситуации и пути их решения: Учебное пособие. - Волгоград: Волгоградская академия МВД России, 2002. – С. 76.

⁴ Норбоев А. Ҳодиса жойини кўздан кечириш. - Т.: Камолот, 2009. – Б. 32-34.

⁵ Лочин Ф. Ҳодиса жойини куздан кечиришда суд тиббий экспертининг иштироки // ТДЮИ Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. - Тошкент: ТДЮИ, 2008.- №2.- Б.255-257.

⁶ Валеев Р.Ш. Обыск в системе средств и способов обеспечения процесса доказывания по уголовному делу: Дис. ...канд. юр. наук. – Саратов, 2003. - С.200.

⁷ Алимова Р.А. Жиноятларни тергов қилиш услубиёти. Ўқув қўлланма. - Т.: ТДЮИ, 2006.- Б. 68.

⁸ Исаева Л. Предъявление лиц для опознания. // Законность, - М., 2002. №2. - С17-21.

⁹ Рыжаков, А.П. Собираение (проверка) доказательств. Показания как средство доказывания: научно-практическое руководство. - М.: Экзамен, 2007. – С.53-54.

¹⁰ Белкин Р.С, Белкин А.Р. Эксперимент в уголовном судопроизводстве. - М.: Норма, 1997 – С.87.

¹¹ Кондратьева Е.Е. Криминалистические основания подготовки и принятия решений при расследовании преступлений: Автореф. дис канд. юрид. наук. - Н.Новгород, 2007. – С.24.

**Муҳиддин МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси, ю.ф.н.**

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО ХУҚУҚ НОРМАЛАРИНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

Охириги пайтларда кўплаб хорижий давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам инсон ҳуқуқларига, жумладан, маҳкумларга нисбатан муносабат жиддий ўзгариб, уларга эътибор кучайди. Албатта, бу ҳолатни жиноятчиликка қарши кураш самарадорлиги кўп жиҳатдан суд ҳукми билан тайинланадиган жиноий жазолар одилона ва қонуний ижро этилаётгани ҳамда мамлакатимизда маҳкумлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро стандартларнинг назарий-ҳуқуқий асосларини ўрганишга талаб ва эҳтиёж кучайиб бораётгани билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Муқаддимасидаги раҳбарий ғоялардан бири — Ўзбекистон миллий қонунчилиги билан халқаро ҳуқуқнинг ўзаро муносабатини белгилаб берувчи қоида ҳисобланади. Унга кўра, Ўзбекистон халқи халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда ўзининг Асосий Қонунини қабул қилди. Агар халқаро шартномаларда қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар ўрнатилган бўлса, у ҳолда халқаро ҳуқуқ қоидалари қўлланилади. Конституцияда инсон ҳуқуқлари давлат манфаатларидан устунлиги ҳам кўрсатиб ўтилган.

Айтиш жоизки, Асосий Қонунимизда мустақамлаб қўйилган талаблар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти нуқтаи назаридан, эндиликда оммавий ҳокимият органлари ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан қабул қилинадиган юридик аҳамиятга эга барча қарорларнинг ҳуқуқий асосини фақатгина Ўзбекистон қонунчилиги эмас, балки мамлакатимиз учун аҳамиятли бўлган халқаро ҳуқуқ нормалари ҳам ташкил этишини аниқлатади.

Албатта, кўрсатилган талаблар умумий бўлгани боис миллий жиноий жазони, шу жумладан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этишда бевосита иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси давлат органлари фаолиятига нисбатан ҳам амал қилади.

Шу муносабат билан ҳозирги кунда давлат-

лар томонидан ҳуқуқни муҳофаза қилишни амалга ошириш борасида андозалар ўрнатувчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатлардаги талаблар мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот органлари фаолиятининг халқаро ҳуқуқий асослари мажмуини ташкил этади.

Юридик адабиётларда маҳбуслар билан муомала қилиш бўйича халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ўз мазмуни ва шаклига кўра, турли меъёрлар асосида тавсифланади. Масалан, улар ҳаракат доирасига кўра универсал ва минтақавий, йўналиши бўйича умумий ва махсус, юридик оқибати жиҳатидан мажбурий ёки тавсиявий характердаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Универсал халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар БМТ томонидан қабул қилинади ва барча давлатларга тааллуқли ҳисобланади. 1948 йили қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, 1966 йили қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт ва 1989 йили қабул қилинган Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция шулар жумласидандир. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан кейин қўшилган (1991) биринчи халқаро ҳуқуқий ҳужжатдир.

Демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танлаган Ўзбекистон инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини жамиятни ривожлантириш, давлат қурилиши, ички ва ташқи сиёсатнинг энг устувор йўналиши этиб белгилади. Мазкур Декларация қоидалари 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда, шунингдек, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган миллий қонунчилигимиз нормаларида ўз ифодасини топган.

Конституциямизнинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, 19-моддада фуқароларнинг Конс-

титутция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги мустаҳкамлаб қўйилгани инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилганининг исботидир. Шунингдек, 26-моддада "Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошқора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиш учун барча шароитлар таъминлаб берилади. Ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазйиққа дучор этилиши мумкин эмас" деб қайд қилинган ҳам инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда ёки ундан ҳам зиёдроқ таъминланганининг кафолатидир.

Минтақавий халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар тегишли минтақа давлатлари, бирлашмалари, уюшмалари (Европа Иттифоқи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) томонидан қабул қилиниб, фақат ушбу минтақа доирасидагина амалда бўлади. Бунга мисол тариқасида 1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясини ёки 1995 йилги МДҲнинг Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари тўғрисидаги конвенциясини келтириш мумкин.

Йўналиши бўйича умумий турдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар инсон ва фуқаролар, шу жумладан, маҳкумлар ҳуқуқий ҳолатининг асосини мустаҳкамловчи ҳужжатлардир. Масалан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси, маҳкумларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва улар билан муомала қилиш принципларини белгиловчи ҳужжатлар махсус турдаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. БМТнинг Пекин қоидалари деб юритиладиган 1990 йилги Вояга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга оширишга тегишли минимал қоидалари шулар сирасига киради.

Ўз навбатида, халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни тааллуқлигига қараб, барча маҳкумларга (масалан, 1984 йилги Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши конвенция) ва алоҳида тоифадаги маҳкумларга тааллуқли (масалан, 1990 йилги Турма қамоғи билан боғлиқ бўлмаган чоралар бўйича минимал стандарт қоидалар) халқаро ҳуқуқий ҳужжатларга ажратиш мумкин.

Юридик оқибатига кўра, ҳужжатлар маҳбуслар билан муомала қилишнинг асосий принципларини белгилаб берувчи мажбурий (масалан, 1984 йилги Қийноққа ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши кон-

венция) ва тавсия (масалан, 1955 йилги Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалари) характеридаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Айрим халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар халқаро ҳуқуқ субъектлари учун юридик мажбурий оқибат келтириб чиқармаслигига қарамай, ҳозирги демократик давлатлар уларга амал қиладилар ҳамда ўз қонунчиликларида улардан фойдаланадилар. Бунинг асосий сабаби шундаки, қайд этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар аслида жазони ижро этиш тизими соҳасида ҳуқуқий давлатчиликнинг универсал принципларини мувофиқлаштиради. Бундан Ўзбекистон ҳам истисно эмас. Чунки мамлакатимиз Конституцияси Муқаддимасида, юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари устунлиги тан олиниши эълон қилинган. Конституциянинг 13-моддаси 1-қисмида қайд этилишича, Ўзбекистонда демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти ва эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Худди шу нуқтаи назардан, Президентимиз ташаббуси билан 2008 йил 1 январдан эътиборан мамлакатимизда ўлим жазоси бекор қилинди.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий аҳамияти шундаки, уларда иштирокчи давлатларнинг ўз аҳолисига нисбатан кафолатлаши шарт бўлган ва шунга мос келадиган принциплар фақатгина инсоннинг асосий ҳуқуқлари рўйхати ва мазмунинигина эмас, балки кўрсатилган ҳуқуқларни давлат томонидан чеклашнинг мумкин бўлган кўламини ҳам белгилайди.

Турган гап, кейинги муаммо кишида алоҳида қизиқиш уйғотади. Жазони ижро этувчи органларнинг ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги иштирокининг асосий шакли улар томонидан оператив қидирув, жиноят-процессуал ва маъмурий фаолият олиб боришда ифодаланади. Айнан уларнинг ёрдамида жазони ижро этиш жойларида мавжуд тартиботга тажовуз қилувчи қилмишларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш таъминланади. Ўз навбатида, мазкур фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқбузарлик содир этишда иштирок этувчи шахслар ёки маҳкумлар ҳуқуқларини суд ҳукмида кўрсатиб ўтилган муддат мобайнида у ёки бу даражада чеклаш билан қисман боғлиқ бўлади.

Ушбу муаммони ҳал этишда жаҳон ҳамжамияти, чунончи, мамлакатимиздаги жазони ижро этувчи муассасалар ва органлар ходимлари томонидан бугунги кунда ҳисобга олиниши керак бўлган умумий ёндашув Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 29-моддаси иккинчи қисмида белгилаб қўйилган. Мазкур ҳужжатга биноан, ҳар бир инсон ўз ҳуқуқ ва эркинликла-

рини амалга оширишда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари демократик жамиятда етарли бўлишини ҳамда ҳурмат қилинишини таъминлаши, ахлоқ, жамоат тартиби, умум фаровонлигининг одилона талабларини қондириш мақсадидагина қонунда белгиланган чекланишларга риоя этиши керак.

Бу умумий талаблар айрим аниқликлар кириштириш орқали бошқа халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам қайтарилади (1950 йилги Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенциясининг 8-моддаси, 1966 йилги Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 4, 7, 22-моддалари ва ҳ.к.).

Маҳбуслар билан муомала қилишга оид халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар одатда учта асосий қисмдан, яъни умумий принциплар (умумэтироф этилган қоидалар), маҳкумларнинг алоҳида тоифаларига тегишли қоидалар (қамокда ушлаб турилган маҳкумлар, руҳий касаллар, ақли норасолар) ва ходимларга нисбатан қўйиладиган талаблардан иборатдир.

Маҳбуслар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидаларида умумэтироф этилган қоидалар тегишли йўналиш бўйича бир неча гуруҳдан иборат талабларни ўз ичига олган.

Биринчи гуруҳда маҳкумларни қабул қилиш, таснифлаш, моддий-маиший таъминот, режим, меҳнатни ташкил қилиш, касбий тайёргарлик ва тарбиявий ишлар бўйича, шунингдек, персоналга талаблар ўрнатувчи бўлим мавжуд. Гуруҳга оид талаблар маҳкумларни қабул қилиш қоидаларини, қайддан ўтказиш тартиби ва келган маҳкумлар тўғрисидаги маълумотлар характерини белгилаш билан бирга, тоифаларга ажратиш, вояга етмаганлар ва катталарни, эркаклар ва аёлларни, маҳкумлар ва терговдагиларни, биринчи марта судланган маҳкумларни ва рецидивистларни бир-бирларидан ажратган ҳолда алоҳида-алоҳида сақлашни белгилайди.

Иккинчи гуруҳга тааллуқли талаблар маҳкумларни моддий-маиший сақлаш шароитларининг минимал талабларини, хусусан, яшаш жойлари бўйича талаблар — ҳар бир маҳкумни тунда алоҳида хонага (камерага) жойлаштиришни, ҳамма яшаш жойларида табиий ёруғлик ва тоза ҳаво меъёрида бўлишини, ҳар бир маҳкум шахсий табиий эҳтиёжларини тозаликка риоя этган ва ўз кадр-қимматини сақлаган ҳолда қондириши учун етарли даражада санитария-гигиена шароитлари (ҳожатхона ва душ) мавжудлигини назарда тутди.

Шахсий гигиена бўйича талаблар маҳкумнинг ўз ташқи қиёфасини табиий сақлаши учун керакли буюмлар билан таъминланишини шарт қилиб қўяди.

Кийим кийиш ва ётоқ жойлари бўйича ҳам стандарт мавжуд. Бунда фуқаролик кийими ки-

йиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган маҳкумларга, уларнинг инсоний кадр-қимматини камситмаган ҳолда, мавсумий кийим-бош берилиши, маҳкум муассаса ташқарисига чиққанида шахсий либосини ёки атрофдагилардан фарқ қилмайдиган кийим кийиши, ҳар бир маҳкум индивидуал ётоқ жойи ва кўрпа-тўшак билан таъминланиши ҳамда чой-шаблар мунтазам равишда алмаштириб турилиши назарда тутилади.

Овқатланиш бўйича умумий талаблар овқат соғлиқни сақлаш учун етарли даражада ва тўйимли бўлиши, сифатли тайёрланиши ва узлуксиз берилиши, ҳар бир маҳкум эҳтиёжига кўра тоза ичимлик сув билан таъминланиши ва ҳоказолардан иборат.

Жисмоний машқлар бўйича умумий талаблар очиқ ҳавода иш билан таъминланмаган маҳкумлар, агар об-ҳаво қулай бўлса, ҳар куни бир соатдан кам бўлмаган вақт мобайнида жисмоний машқлар билан шуғулланишларини, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти эса уларни бу машқларни бажаришлари учун лозим бўлган майдон ва ускуналар билан таъминлашини белгилайди.

Тиббий-санитария таъминоти бўйича умумий талабларга кўра, ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси биттадан кам бўлмаган тиббий ходимга эга бўлиши, маҳкум муассасага келган пайтда тиббий кўрикдан ўтиши ва кейинчалик унинг соғлиғи устидан доимий назорат амалга оширилиши, касаллар махсус муассасаларга ўтказилиши, агар маҳкума аёлларга болаларини ўзлари билан қолдиришга рўхсат этилган бўлса, мазкур муассасада болалар боғчаси ташкил этилиши, шифокор ходим доимий равишда маҳкумларнинг моддий-маиший сақланиш шароитларини текшириб, назорат қилиб бориши лозим.

Учинчи гуруҳ режимни ташкил этиш бўйича талабларни ўз ичига олади ва иккита кичик гуруҳга ажратилади. Биринчиси режимни таъминлаб, тартиб ва интизомни қўллаб-қувватлайди ҳамда муассаса маъмурияти томонидан маҳкумга унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, интизомий жазо турлари ва ҳуқуқбузарлик тушунчаси ҳақида маълумот берилишини, уларни қўллаш ҳуқуқига эга бўлган органлар ва мансабдор шахсларнинг қонун асосида фаолият кўрсатишини, ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ишлари жазо тартибида белги-ланмаслигини, шафқатсиз ҳамда инсонийликка зид жазолар тайинланмаслигини, хавфсизликни таъминлаш воситалари фақатгина жароҳат етказишнинг олдини олиш ёки қочиб кетишнинг олдини олиш мақсадида қўлланилишини, занжир ва кишанларни қўллашни қатъиян тақиқлашни ва ҳоказоларни кўзда тутди.

Иккинчи кичик гуруҳ талаблари маҳкумларнинг ташқи олам билан алоқаларини тартибга солиб, қўйидагиларни тавсия этади: барча маҳкумлар ҳар

кандай ҳокимият органларига цензурадан ўтказилмаган тарзда шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига, белгиланган муддат оралиғида ва тегишли назорат остида оиласи ёки ижобий тавсифга эга яқин кишилари билан учрашиб суҳбатлашиш имкониятига эга бўлишини, чет эл фуқароларига ўз давлатининг дипломатик вакиллари билан етарли даражада мулоқотда бўлишини, маҳкумлар газета, журнал ва китоблар ўқиши, радио эшитиши таъминланишини, маҳкум вафот этганда ёки жиддий касалланганда, унинг қариндошларига дарҳол хабар қилинишини ва ҳоказоларни.

Тўртинчи гуруҳ ахлоқ тузатиш воситалари, яъни меҳнат, касбий тайёргарлик, тарбиявий ишларни қўллаш борасидаги талабларни ўрнатади. Чунончи, меҳнатни ташкил этишга оид талаблар қўйидагилардан иборат: маҳкумлар ўз қобилиятларига яраша меҳнат қилишлари ва шунга яраша адолатли иш ҳақи олишлари, меҳнат ижтимоий фойдали фаолият бўлиши ҳамда қийноққа сабаб бўлмаслиги, меҳнатни ташкил этишдан мақсад иқтисодий фойда кўриш бўлмаслиги, хавфсизлик ва ҳимоя қоидалари умумий қоидаларга мос келиши, шу жумладан, олинган жароҳат ёки касб билан боғлиқ касаллик учун компенсация олиш ҳуқуқига эга бўлиш, иш ҳафтасининг энг кўп муддати ҳафтада бир марта дам олиш кунини ҳисобга олган ҳолда амалдаги қонунчилик бўйича белгиланиши, маҳкумга ўз иш ҳақига энг зарур нарсаларни сотиб олиш ва оиласига ёрдам кўрсатиш имконияти берилиши

ва ҳоказолар.

Тарбиявий ишлар бўйича талаблар эса ёшлар ва саводсизларни ўқитиш мажбурий эканлигини, ҳар бир муассасада маҳкумлар фойдаланиши мумкин бўлган кутубхоналар мавжудлигини, маҳкумларнинг қонунга иттифоқ ҳулқ-атворини рағбатлантириш принципига амал қилинишини, ҳар бир маҳкум билан тарбиявий ишлар олиб бориш режасини тузишда унинг шахсий хусусиятлари, албатта, ҳисобга олинишини тақозо этади.

Қоидаларнинг махсус бўлими жазони ижро этиш муассасалари ходимлари олдида қўйидаги талабларни қўяди: ходимлар ўз устида ишлайдиган, етарли маълумотга эга ва жисмонан бақувват бўлишлари, шунингдек, маҳкумлар учун шахсий намуна кўрсатишлари, уларнинг ҳурматини қозонишлари лозим ва бошқалар. Жазони ижро этиш муассасаларидаги шаҳодатланган психолог, психиатр, ўқитувчи ва тарбиячи ходим лавозимларига малакали мутахассисларни жалб этиш, қулай меҳнат шароитини яратиш, маҳкума аёлларни назорат қилувчилар улар билан бир жинсда бўлиши, муассаса ходимларига тўланадиган ойлик маош уларнинг кундалик ва оилавий эҳтиёжларини қондирадиган даражада етарли бўлиши, улар ижтимоий ҳимоя ва имтиёзлар билан таъминланиши, айти чоғда, пенитенциар муассасалар ва уларда ишлаётган ходимлар тегишли давлат органлари ҳамда хизмат вакилларининг доимий назоратида бўлишлари назарда тутилади.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена рассмотрению Конституции - как основного закона, определяющего соотношение национального законодательства и международных правовых норм. Автором также рассматриваются вопросы имплементации международных норм и анализируются требования минимальных стандартов по обращению с осужденными.

Наргиза НАЗАРОВА,
Ведущий специалист отдел Палаты адвокатов
Республика Узбекистан

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ЭТИКИ СОТРУДНИКОВ ПРАВООХРАНИТЕЛЬНЫХ ОРГАНОВ

Конечно же, всем нам хорошо известно, что "служебная этика" это совокупность определенных нравственных обязанностей, принципов и норм поведения, которые реализуются во взаимоотношениях работников в процессе трудовой деятельности. Она призвана объяснять мораль, прививать моральные принципы и правила долга, чести, морально воспитывать человека. Служебная этика — это конкретная реализация нравственных норм человека о его поведении, взаимоотношениях, деятельности.

Тема профессиональной этики сотрудников правоохранительных органов на первый взгляд затрагивает лишь вопросы их поведения при исполнении обязанностей по службе. Однако, при детальном изучении существующей нормативной базы через призму инициатив государства в поэтапном реформировании общественных отношений, именно эти вопросы существенно влияют на ход демократических преобразований в стране.

Утвержденная Олий Мажлисом в 1997 году Концепция Национальной безопасности Республики Узбекистан выдвигает до уровня угроз для нации: нарушение конституционных гарантий, прав и свобод человека; нарушение социально-политического равновесия в обществе; несовершенство демократических институтов, системы государственного управления и механизма принятия решений; коррупцию, бюрократизм, местничество и клановые отношения в сфере государственной власти и управления, рост преступности, а также злоупотребления в различных органах власти.

Необходимо особо отметить, что важнейшим условием дальнейшего развития Республики Узбекистан, построения демократического правового государства и справедливого гражданского общества является обеспечение национальной безопасности, в число объектов которой входит: человек — его права и свободы; общество — его духовные и материальные ценности; государство

— его конституционный строй, суверенитет и территориальная целостность.

Президентом Республики Узбекистан И.А. Каримовым в "Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране" было отмечено, что "Важнейшим направлением развития уголовной политики стали либерализация, гуманизация и декриминализация уголовного и уголовно-процессуального законодательства". При этом, Руководителем страны было предложено создать эффективный механизм сдержек и противовесов в системе правоохранительных и контролирующих органов страны, обеспечивающий законность и верховенство закона в их деятельности.

В этой связи представляется, что вышеуказанные угрозы могут иметь место в большей степени и лишь при условии не эффективного и не добросовестного выполнения сотрудниками правоохранительных органов своих должностных обязанностей, совершения ими поступков, несоответствующих и правилами служебной этики.

Повышение значимости сотрудников правоохранительных органов для престижа страны на мировой арене также обусловлено присоединением Республики Узбекистан к Конвенции ООН против коррупции, статья 8 которой предусматривает принятие в рамках своих институциональных и правовых систем, кодексы или стандарты поведения для правильного, добросовестного и надлежащего выполнения публичных функций, то есть служебных обязанностей.

Конвенцией также предусмотрено установление в соответствии с внутренним законодательством дисциплинарных или других мер в отношении публичных должностных лиц, которые нарушают кодексы или стандарты поведения.

Коме того, Кодекс поведения должностных лиц по поддержанию правопорядка, принятый резолюцией 34/169 Генеральной Ассамблеи от 17 декабря 1979 года, предусматривает, что должностные лица по поддержанию правопорядка, к

которым относятся сотрудники правоохранительных органов, постоянно выполняют возложенные на них законом обязанности, защищая всех лиц от противоправных актов в соответствии с высокой степенью ответственности, требуемой их профессией.

При выполнении своих обязанностей должностные лица правоохранительных органов должны уважать и защищать человеческое достоинство и права человека.

Как известно, указанные права человека устанавливаются и защищаются национальным и международным правом. К соответствующим международным документам относятся Всеобщая декларация прав человека, Международный пакт о гражданских и политических правах, Декларация о защите всех лиц от пыток и других жестоких, бесчеловечных или унижающих достоинство видов обращения и наказания, Декларация Организации Объединенных Наций о ликвидации всех форм расовой дискриминации, Международная конвенция о ликвидации всех форм расовой дискриминации, Международная конвенция о пресечении преступления апартеида и наказании за него, Конвенция о предупреждении преступления геноцида и наказании за него, Минимальные стандартные правила обращения с заключенными и Венская конвенция о консульских отношениях.

Изучение международной практики в данной сфере показывает, что рядом стран разработаны и широко используются типовые кодексы этики и служебного поведения государственных служащих, на основе которого разрабатываются и вводятся в действие отраслевые правила служебной этики.

Правовую основу указанных правил составляют такие международные нормативные акты как вышеназванная Конвенция ООН против коррупции, Международный кодекс поведения государственных должностных лиц (Резолюция 51/59 Генеральной Ассамблеи ООН от 12 декабря 1996 г.), Модельный кодекс поведения для государственных служащих (приложение к Рекомендации Комитета министров Совета Европы от 11 мая 2000 г. № R (2000) 10 о кодексах поведения для государственных служащих), Модельный закон "Об основах муниципальной службы" (принят на 19-м пленарном заседании Межпарламентской Ассамблеи государств — участников Содружества Независимых Государств (постанов-

ление № 19-10 от 26 марта 2002 г.).

В нашей стране также приняты и действуют правила поведения сотрудников правоохранительных органов.

Приказом Генерального прокурора Республики Узбекистан № 45 от 2005 года введены в действие правила профессиональной этики.

Палатой адвокатов Республики Узбекистан в 2008 году также приняты и эффективно используются правила профессиональной этики адвокатов.

Однако, к сожалению, некоторые силовые структуры подобными нормативными актами не располагают, а имеющиеся не соответствуют требованиям международных правовых актов, ратифицированных Республикой Узбекистан.

К примеру, Дисциплинарный Устав Вооруженных Сил Республики Узбекистан, утвержденный Указом Президента Республики Узбекистан 9.10.1996 года, определяет сущность воинской дисциплины, обязанности военнослужащих по ее соблюдению, виды поощрений и дисциплинарных взысканий, права командиров (начальников) по их применению, а также порядок подачи и рассмотрения предложений, заявлений и жалоб. Его действие распространяется на военнослужащих по призыву или по контракту Вооруженных Сил Республики Узбекистан, призванных на сборы военнообязанных, а также лиц рядового и начальствующего состава органов внутренних дел (ст.16 Кодекса об административной ответственности Республики Узбекистан).

Дисциплинарный Устав Таможенных органов Республики Узбекистан, утвержден постановлением Кабинета Министров № 135 от 27 марта 1998 г. и действие которого распространяется на всех должностных лиц таможенных органов.

По состоянию на сегодняшний день указанные нормативные акты не в полной мере содержат законодательно предусмотренные требования установленные к должностным лицам по поддержанию правопорядка.

При этом, представляется целесообразным, с учетом требований Концепции дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране, переработать Дисциплинарные Уставы Вооруженных Сил и Таможенных органов Республики Узбекистан, которые привести в соответствие с положениями международных нормативных актов, ратифицированных Республикой Узбекистан.

АННОТАЦИЯ

Мақолада ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари касбий ахлоқини ошириш масалалари ёритилган. Муаллиф бу борада мавжуд бўлган халқаро ҳужжатлар ҳамда миллий нормаларнинг талабларини таҳлил қилиб берган.

Азамат МАМАТҚУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

КОНСТИТУЦИЯМИЗДА ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда давлат ҳокимияти механизмида ниҳоятда катта ўзгаришлар содир бўлди. Президентлик ва парламентаризм институтлари қарор топди, мустақил суд ҳокимияти, ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш шакллари. Шу ўринда ушбу органлардан биронтаси ҳам оммавий ҳокимиятни ташкил қилишнинг умумий тизими доирасидан ташқарида мавжуд бўла олмаслигини алоҳида таъкидлаш даркор.

Республикада сиёсий ҳокимиятнинг амалга оширилиш механизми бошқа давлатлардагидан тубдан фарқ қилади. Бунда Ўзбекистон ҳатто энг илғор намуналардан ҳам кўр-кўрона нусха кўчиришдан воз кечиб, ривожланишнинг ўзига хос ва ўзига мос йўлини танлаганини эсдан чиқармаслик керак.

Истиқлолнинг илк кунлариданоқ Юртбошимиз Ислам Каримов раҳбарлигида бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик принципларига асосланган тизимдан воз кечилди. Мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш асосий мақсад сифатида белгиланди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямиз ана шу орзу-ниятни ўзида тўла-тўқис ифода этди. Шу боис, у ҳозирга қадар турли соҳаларда туб ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунчилик тизимининг ҳуқуқий негизи сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Биз мустақил тараққиётимиз мобайнида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, юртимиз тинчлиги, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш, диёримизда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, жамиятни демократлаштириш ва мамлакатни модернизациялаш борасида қандай ютуқларга эришган бўлсак, уларнинг барчаси Конституциямизда муҳрлаб қўйилган қоидалар билан узвий боғлиқдир.

Конституция қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XI сессиясида Президентимиз унинг асосий хусусиятларини таърифлаб, шундай деган эди: "Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — инсон деган фикрни илгари сурдик ва шу

асосда фуқаро — жамият — давлат ўртасидаги ўзаро муносабатнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга интилдик". Конституцияда инсон манфаатлари устунлиги ғояси ўз ифодасини топди ва у Асосий Қонунимизнинг бутун мазмунига сингдирилди.

Конституциямизнинг 13-моддасига мувофиқ, "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Конституцияни яратишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Устави, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси каби инсон ҳуқуқларига оид энг муҳим халқаро ҳужжатларга асосланганлиги. Конституция Муқаддима-сида қайд этилганидек, Ўзбекистон халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларини тан олади.

Конституциянинг 7-моддасида қайд этилганидек, "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда унинг асосида қабул қилинган қонунлар ваколат берган идоралар томонидангина амалга оширилади.

Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш, ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш, ҳокимиятнинг янги ва мувозий таркибларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан жавобгарликка тортишга асос бўлади".

Шунга кўра, мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб беради. Бу сиёсат инсон ва жамият фаровонлигини, фуқароларимизнинг муносиб турмушини таъминлашга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда давлат халқ иродасини ифодалайди ва унинг манфаатларига хизмат қилади. Агар давлатимизнинг ҳозирги ички ва ташқи сиёсий фаолиятига диққат билан назар ташласак, мазкур сиёсат инсон ва жамият фаровонлиги мақсадларига бўйсундирилганини, юртимиз ободлигини ва халқимиз фаровонлигини таъминлашга йўналтирилганини кўраимиз.

Ўзбекистон Конституцияси мамлакат демократик

тараққийетининг стратегик йўналишларини, инсоннинг сиёсий ҳуқуқларини халқаро андозалар миқёсида белгилаб беради, халқаро ҳуқуқнинг устунлигини, ҳокимиятлар тақсимланишини, давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг сайланишини, кўппартиявийликни, мафкуравий плюрализмни ўзида акс эттиради.

Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги ҳақида сўз кетганда, "Хўш, халқ давлат ҳокимиятини қандай йўл билан амалга оширади?" деган савол туғилиши табиий. Конституцияда унга аниқ жавоб берилган. Халқ давлат ҳокимиятини бевосита ёки ўзи сайлаб қўядиган органлари орқали амалга оширади. У ижтимоий ва давлат ишларини бошқаришда, қонунлар қабул қилишда умумхалқ муҳокамаси ва референдумлар орқали ҳокимиятнинг вакиллик органларини ташкил этиш, мамлакат Президентини сайлаш йўли билан иштирок этади.

Давлат ҳокимияти халқ манфаатлари йўлида хизмат қилар, ўз фаолиятини шу асосда юритар экан, халқ ҳам давлат учун ўзининг олдига қўйилган юксак ва ишончли вазифаларни амалга оширмоғи лозим.

Конституциянинг 7-моддасига биноан, давлат ҳокимияти фақат Конституцияда ва қонунларда кўзда тутилган ва улар асосида тузилган идоралар томонидан амалга оширилади. Ҳозир биздаги давлат ҳокимияти тизими унинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлис, ижроия ҳокимияти Вазирлар Маҳкамаси, суд ҳокимияти эса Конституциявий суд, Олий суд ҳамда Олий ҳўжалик суди томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимиятини амалга оширувчи барча идоралар фақат қонунан белгиланган ўз ваколатлари доирасидагина фаолият юритадилар. Улар Конституция ва қонунларда кўрсатилмаган бошқа ваколатларга ўзбошимчалик билан эга бўлишлари, ўз ваколатларидан четга чиқишлари мумкин эмас. Шунингдек, уларнинг ваколатларини бошқа органлар, ташкилотлар ёки алоҳида шахслар амалга ошириши ҳам тақиқланади.

Юқорида айтиб ўтилган давлат идораларининг ташкил этилиши ва ҳуқуқий ҳолати Конституция ҳамда тегишли қонунларда белгилаб қўйилган. Барча давлат идоралари ва мансабдор шахслар, шу жумла-

дан, фуқаролар ҳам Конституция ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз итоат этишлари лозим. Бу ҳуқуқий давлатимизнинг муҳим белгиларидан биридир.

Шунингдек, Асосий Қонунимизнинг 7-моддасида халқ ҳокимиятининг ягоналиги, дахлсизлиги, улар ўзбошимчалик билан ўзгартирилмаслиги ёки алмаштирилмаслиги таъкидланиб, қуйидагилар белгиланган:

биринчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларига эга бўлиб олиш мумкин эмас. Масалан, Ўзбекистонда Олий Мажлисдан бошқа ҳеч қандай давлат органи ёки жамоат бирлашмасига қонун чиқариш ҳуқуқи берилмаган;

иккинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда ҳокимият идоралари фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш мумкин эмас. Мисол учун, ҳокимиятнинг олий органи ҳисобланмиш Олий Мажлис, Конституциянинг 95-моддасида кўрсатилганидек, фақат Президентнинг Конституциявий суд билан бамаслаҳат қабул қилган қарори асосидагина тарқатиб юборилиши мумкин. Албатта, бунинг учун Конституцияда назарда тутилган тегишли асослар талаб қилинади;

учинчидан, Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимиятининг янги ва мувозий таркибларини тузиш мумкин эмас. Бу ерда ҳам ҳокимият ваколатларини фақат Конституцияда кўрсатилган давлат идораларигина амалга ошириши лозимлиги, улардан бошқа ҳеч қандай идора бундай ваколатга эга бўла олмаслиги таъкидланади. Айтайлик, одил судлов фақат суд томонидан амалга оширилади, бошқа бирон-бир орган бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга эмас.

Юқорида кўрсатилган қоидаларни бузиш Конституция ва қонунларга хилоф ҳисобланади ва қонунга биноан тегишли жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Ўзбекистон Республикасида барча ислохотлар халқ манфаатларини кўзлаб, унинг истиқболини ўйлаб амалга оширилмоқда. Қонунлар ваколат берган идоралар томонидан олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг асл мақсади ҳам халқ фаровонлиги ва тинчлигини, эл-юрт эркинлиги ва ободлигини таъминлашга қаратилмоқда.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению значимости основного закона в обеспечении народовластия. Автор анализирует сущность данного принципа в контексте обеспечения прав и свобод человека.

Хуршид КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Ҳар бир давлат, ҳар бир халқ ҳаётида муҳим из қолдирган тарихий саналар бўлади. Мазкур саналар ўз моҳиятига кўра, давлатларнинг келажагини белгилаб берадиган муҳим воқеалар юз берганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Мана шундай тарихий саналардан бири 1992 йил 8 декабрь Ўзбекистон Республикасининг мустақил Конституцияси қабул қилинган кундир.

Ҳар бир давлатнинг орзу-умидлари, ўз олдига қўйган мақсадлари, буюк келажагининг ҳуқуқий асослари Асосий Қонуни — ўзининг Конституциясида акс этган бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниш жараёни ўзига хос хусусиятга эга. Яъни 1990 йил 20 июнда янги Конституция лойиҳасини тайёрлаш учун Президентимиз Ислон Каримов раислигида конституциявий комиссия тузилди. Мазкур комиссия Конституция лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйиш тўғрисида қарор қабул қилди ва у 1992 йил 26 сентябрда матбуотда эълон қилинди. Ушбу муҳокамада халқимизнинг фаол иштироки натижасида билдирилган таклифлар инobatга олиниб, 1992 йил 21 ноябрда иккинчи бор матбуотда эълон қилинди.

Таъкидлаш лозимки, умумхалқ муҳокамасида билдирилган фикрлар ва таклифлар халқимиз сиёсий фаоллигини кўрсатган ҳолда мустақил мамлакатимизнинг мустақил конституцияси мазмунини янада бойитишга ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва принципларини ўзида мужассам этган инсонпарвар Конституцияни қабул қилинишига хизмат қилди.

Президентимиз Ислон Каримов: "Табиийки, ҳар қандай давлатнинг юзи, обрў-эътибори унинг Конституцияси ҳисобланади. Зотан, конституция давлатни давлат, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган Қомусномадир. Шу маънода асосий Қонунимиз халқимизнинг иродасини, руҳиятини, ижтимоий онги ва маданиятини акс эттиради. Чунки уни ишлаб чиқиш ва муҳокама этишда бутун халқ иштирок этди. Бир сўз билан айтганда, Конституциямиз том маънода халқимиз тафаккури ва ижодининг маҳсулидир".

Таъкидлаш лозимки, Конституциямизнинг кириш қисми — муқаддимасида инсонпарвар де-

мократик ҳуқуқий давлат барпо этиш мақсади мустаҳкамланган бўлиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислохотлар Бош Қомусимиз - Конституцияга асосланиб, амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислон Каримов 2010 йилнинг 12 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида таъкидлаганидек: "Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислохотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.

Шу маънода, 1992 йил декабр ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади".

Жамият ҳаётининг турли соҳаларида қабул қилинаётган қонун ва қонуности ҳужжатлари Конституцияга асосланади. Шу сабабли Конституция ўз мазмун-моҳиятига кўра Асосий Қонун — Бош Қомус ҳисобланади.

Маълумки, ислохотларни самараси қонун устиворлиги таъминланишига боғлиқ. Шу сабабли Ўзбекистон Республикаси Конституциясида "Конституция ва қонуннинг устунлиги" муҳим принцип сифатида эътироф этилган ҳамда бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормалари ва қоидаларига зид келиши мумкин эмаслиги мустаҳкамланган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ўз мазмун-моҳиятига кўра инсонпарварлик, халқпарварлик, барча фуқароларнинг бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди,

шаҳси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенг эканлигини мустаҳкамлайди.

Шунингдек, Конституциямизнинг 8-моддасида Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади деб мустаҳкамланган. Бу норма ҳам Асосий Қонунимизнинг муҳим хусусиятларидан бири ҳисобланади. Демак, Конституциямизнинг мазмун ва моҳияти фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинишини ўзида акс эттирган. Қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш эса Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири сифатида эътироф этилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXIV боби прокуратура органларига бағишланиб, унинг 118-моддасида "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади", деб мустаҳкамлаб қўйилди.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаб ўтганларидек, "Ҳуқуқий давлатнинг асосий белгиси барча фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, Конституция ва қонунларнинг устунлиги таъминланишидир".

Конституция ва қонунлар устуворлигини таъминлаш бугунги кунда ислохотлар самарадорлигининг муҳим омилidir. Шу боисдан, Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими-

ни изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир" деб кўрсатиб ўтдилар.

Таъкидлаш лозимки, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамият барпо этиш мақсадида қонунчилик ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашнинг асосий кафолати сифатида намоён бўлмоқда. Чунки, ҳуқуқий демократик давлатда ҳар қандай масала қонунлар асосида адолатли йўл билан ҳал этилади.

Албатта, бу жараёнда прокуратура органлари томонидан қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда ҳамда Конституция ва қонуннинг устунлиги принципи таъминланмоқда.

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатда яшовчи ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ва мажбуриятларини билиши муҳим ҳисобланади. Яъни бузилган ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ҳам ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий саводхонлик алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқидан фойдаланганда бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслиги керак. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 48-моддасида белгиланганидек, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбурдирлар.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар бир фуқаронинг Конституция нормаларини чуқур ўрганиш, мамлакатда амалга оширилаётган улкан ислохотлар мазмунини англаш ҳамда бу жараёнда самарали меҳнат ва ижод қилиш олдимизга қўйилган мақсадларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.



АННОТАЦИЯ

В статье рассматриваются правовые основы гарантии прав человека. Анализируются законодательные механизмы по защите прав и свобод человека.

Алишер ҲИДОЯТУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси

КОНСТИТУЦИЯВИЙ МЕЪЁРЛАРНИНГ БАНК ТИЗИМИ ИСЛОҲОТЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИ

Дунё талабларига тўлиқ жавоб берадиган бозор иқтисодиёти шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларга ва жисмоний шахсларга хизмат кўрсата оладиган янги замонавий банк тизимини ташкил этиш мустақилликнинг дастлабки йилларида олдимизда турган энг муҳим вазифалардан бири эди. Шунга кўра, республика молия тизимининг етакчи бўғинларидан бири ҳисобланган кредит тизимини мустаҳкамлаш давлат сиёсатининг асосий йўналиши сифатида белгиланди. Президентимиз Ислам Каримов кўрсатиб ўтганидек, "Кредит-банк тизимини, пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, банк кредитларини биринчи навбатда халқ истеъмоли моллари, қурилиш материаллари, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда бошқа ҳаётий муҳим маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлайдиганларга бериш лозим. Айти вақтда, асоссиз кредит экспансиясига, заём маблағлари сочиб юборилишига йўл қўймаслик қатъий қоидадир. Бугунги кунда банклар инвестиция дастурларининг қатнашчиларидан бири, ҳар бир тармоққа тўғридан-тўғри қўйиладиган сармояларнинг кафиллари бўлишлари керак".

Банк соҳасида олиб борилган ва олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимиз иқтисодиёти-ни ривожлантиришнинг ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам жаҳон андозаларига монанд банк тизимини ташкил этиш молия-кредит йўналишидаги устувор вазифалардан бирига айланди.

Юртбошимиз Марказий банк томонидан бошқариладиган ва таркиби мустақил ва хусусий банклардан иборат банк тизимини шакллантиришни, юртимизда чет давлатларнинг йирик банклари бўлимлари ва ваколатхоналари очилиши учун қулай шароитлар яратиб беришни бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичидаги асосий тадбирлардан бири сифатида кўрсатиб ўтди. Ҳақиқатан ҳам, банк тизими ҳар қандай давлат молия тизимининг энг муҳим унсурларидан саналади. У иқтисодий ўсишни таъминлашга, инфляция (пул қадрсизланиши) ва тўлов балансини тар-

тибга солиш каби жорий ва устувор вазифаларни ҳал этишга кўмаклашади.

Жаҳон амалиётида молия-кредит муассасалари томонидан мижозларга кўрсатиладиган хизматлар хусусияти бўйича кредит тизимининг учта муҳим элементи ажратилади:

- 1) марказий банк (эмиссия банки);
- 2) тижорат банклари;
- 3) ихтисослаштирилган молия муассасалари (сугурта, жамғарма ва бошқа муассасалар).

Ўзбекистон банк тизимидаги ислоҳотлар бевосита Марказий банк раҳбарлиги ва назорати остида амалга оширила бошланди. 1992 йилнинг сентябрь ойида собиқ Иттифоқ давлат банкининг мамлакатимиздаги бўлими Ўзбекистон Республикаси Марказий банки этиб қайтадан ташкил этилди.

Республикаимиз банк тизимида ҳозирга қадар амалга оширилган ислоҳотларни асосли равишда икки босқичга ажратиш мумкин. Улар ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва замонавий банк тизимини шакллантиришни назарда тутади.

Банк фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда молия ҳуқуқи меъёрлари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳуқуқ тизимининг ушбу тармоғи унинг ўзига хос бўлган, давлат-ҳокимият кўрсатмаларига асосланган молиявий муносабатларни тартибга солиш усулларида фойдаланиб, банк тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳамда бозор иқтисодиёти шароитларида мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифаларига жавоб бера оладиган давлат пул-кредит ва валюта сиёсати самарали олиб борилишини таъминлайди.

Биринчи босқичда замонавий банк тизимининг ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди. Хусусан, Конституциямизнинг XXV боби молия ва кредит муносабатларига бағишланди, ундаги 124-моддада эса Ўзбекистон Республикаси банк тизимини Республика Марказий банки бошқариши қатъий белгилаб қўйилди.

Орадан кўп ўтмай, банк тизимида институционал ўзгаришлар рўй берди. Чунончи, банк назорати жорий этилиб, янги ташкил топган банклар моддий-техник жиҳатдан тўлиқ таъминланди. Бундай ислохотларни амалга оширишда 1991 йил 15 февралда қабул қилинган "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонун жуда катта роль ўйнади. У Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига банк тизимида тегишли қоидаларни ўрнатиш ва ушбу соҳада ижро ҳокимияти органларидан тўлиқ мустақил бўлиш ҳуқуқини берди.

1994 йил 1 июлдан эътиборан миллий валютамиз - сўм муомалага киритилди. Бу банк соҳасидаги ислохотлар учун ҳам жуда катта амалий аҳамиятга эга бўлди. Шунингдек, Марказий банк олдига кўплаб тадбирларни амалга ошириш талабини қўйди.

1995 йилга келиб республикада икки поғонали банк тизими тўлиқ шаклланди. Биринчи поғонани Марказий банк эгаллади. Унга банк тизимига раҳбарлик қилиш, банк хизматлари соҳасидаги тартиб-қоидаларни белгилаш, тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш каби асосий ваколатлар берилди.

Тизимнинг иккинчи поғонасидан турли даражадаги тижорат банклари ўрин олди. Универсал, яъни банк операцияларининг барча турларини амалга оширадиган банклар, шунингдек, ихтисослашган, яъни иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига хизмат кўрсатадиган ёки банк операцияларининг баъзи турларини бажарадиган банклар, филиалларга эга ва эга бўлмаган банклар, қўшма банклар ва чет эл банкларининг шўба банкларидан иборат тижорат банклари шаклланди. Шу билан бир қаторда, Марказий банк тизими кардинал тарзда ўзгарди. Валютани тартибга солиш, банк назорати, қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ва назорат қилувчи ташкилий тузилмалар пайдо бўлди. Марказий банк ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан зарур чоралар кўрилди. Дастлабки босқичда амалга оширилган бу тадбирлар банк ислохотларининг миқдорий босқичи ҳисобланади.

Соҳадаги ислохотларнинг 1995-1996 йилларда бошланган иккинчи босқичида асосий эътибор уларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга қаратилди. Шунга мувофиқ, бу даврда Марказий банк ва банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга соладиган "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги ва янги таҳрирдаги "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунлар қабул қилинди. Улар банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича жаҳоннинг ривожланган давлатлари тажрибалари асосида ишлаб чиқилди ва халқаро миқёсдаги молиявий ташкилотларнинг етакчи мутахассислари томонидан ижобий баҳоланди.

Банк ислохотларининг иккинчи босқичида асо-

сий эътибор хизматлар сифатини халқаро стандартлар даражасига етказишга, дунё тўлов муносабатларига интеграциялашишга имконият яратадиган тўлов тизимига ўтишга, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этишга қаратилди. Аини мақсадда амалга оширилган ислохотлар ҳозир ўз самараларини бермоқда. Тижорат банклари томонидан янги турдаги - лизинг, факторинг, сейфлар ва махсус хоналарни ижарага бериш каби операциялар йўлга қўйилди. Юртимизда ривожланган давлатлар банкларининг ваколатхона ва шўба банклари фаолият кўрсата бошлади, шунингдек, бир қанча қўшма банклар пайдо бўлди.

Мамлакатимиз ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланиши, бутун жаҳон иқтисодий тизимига ҳар томонлама интеграциялашув валюта ва халқаро ҳисоб-китоб операциялари ўсишига олиб келди. 2003 йил 11 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган "Валютани тартибга солиш тўғрисида"ги Қонунга ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонуннинг 40-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки валюта муносабатларини тартибга солувчи ва валюта назоратини амалга оширувчи асосий молия муассасасига айланди.

Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатлардаги банк тизимлари турли таркибий тузилмалардан ташкил топган. Шунингдек, улар умумий хусусиятларга ҳам эга. Жойлардаги банк тизими марказий банк ва тижорат банкларидан иборат.

Жаҳон амалиётида банк тизимининг иккита асосий моделдан фойдаланилади. Улардан бири сегментланган, иккинчиси универсал банк тизимидир.

Сегментланган модель операция фаолияти билан айрим турдаги молия ташкилотларининг функциялари қонунчилик билан қатъий ажратилишига асосланади. Бундай модель, масалан, АҚШ ва Япония банк тизими учун хосдир.

Универсал моделда банклар ва бошқа кредит ташкилотлари ҳар қандай турдаги банк операцияларини амалга ошириши ва мижозларга барча турдаги хизматларни кўрсатиши мумкин. Ушбу жараёнда қонун операцияларнинг айрим турларини қўллашда қандайдир чеклашларни назарда тутмайди. Мисол келтирадиган бўлсак, бу модель Буюк Британияга хосдир.

Ўзбекистон банк тизими юқорида айтилган иккала моделнинг ҳам хусусиятларини ўз ичига қамраб олган. Бир томондан, мамлакатимиз банк қонунчилиги банкларнинг фаолият соҳасини қатъий аниқлаб, банк операцияларининг аниқ турларини белгилаб беради ва уларнинг мажмуи банк фаолияти мазмунини ташкил этади. Иккинчи томондан, қайд этилганидек, банкларга операцияларнинг бошқа турларини ҳам амалга ошириш учун рухсат берилади. Уларнинг рўйхати эса

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Қонунда назарда тутилган. Муҳими, ушбу рўйхат очиқдир. Чунки қонун бўйича, халқаро банк амалиётига мувофиқ равишда, бошқа операциялар амалга оширилишига ҳам йўл қўйилади. Фақат бунинг учун лицензияда махсус келишиб олинган бўлиши керак.

Республикамиз банклари ҳозир бозор иқтисодиётининг ривожланиши эҳтиёжлари билан боғлиқ туб ўзгаришларни бошдан кечирмоқда. Бу ўзгаришлар банк тизими таркибий тузилмасига ҳам, унинг функционал йўналишларига ҳам ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон банк тизимидаги ўзгаришлар банк қонунчилигида мустаҳкамланган бўлиб, улар бозор муносабатлари тизимида банкларнинг моҳияти ва вазифалари тўғрисида чет эл тажрибаси ва ҳозирги замон талабларига асосан ишлаб чиқилган.

Мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ қилиш шароитида банк тизими самарали фаолият кўрсатиши, молиявий жиҳатдан барқарор ривожланиши учун келгусида қуйидаги асосий вазифаларни амалий ҳал этиш лозим:

1) республикамизнинг барча ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банкларни ташкил қилиш ҳамда уларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига микрокредитлаш ва микролизинг бўйича турли хизматлар кўрсатишини таъминлаш;

2) банк тизимида пул-кредит сиёсатини мутаносиб таъминлашнинг замонавий воситалари,

шунингдек, бошқарув механизмларининг бозор ва монетар агрегатларидан самарали фойдаланиш;

3) банкларнинг капиталлашувини ва молиявий барқарорлигини ошириш;

4) банкларнинг ресурс базасини аҳоли ва хўжалик субъектларининг бўш маблағларини жалб этиш ҳисобига кўпайтириш;

5) Марказий банк ва тижорат банклари биринчи навбатда мижозларнинг депозит ҳисоб рақамларидаги нақд пулларнинг ҳеч қандай қийинчиликсиз бемалол берилишини таъминлашлари;

6) нақд ва нақд бўлмаган пул муомаласини тўлиқ унификация қилиш ҳисобига аҳоли ва бизнес вакилларининг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлаш;

7) банкдан ташқари пул айланмасини кескин қисқартириш ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, миллий валюта барқарорлигини ошириш;

8) чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик картчалардан фойдаланишни кенгайтириш;

9) банклараро бозорда рақобат муҳитини яратиш, банк ва лизинг хизматлари сегментларини ривожлантириш, микрокредитлар ажратишни сезиларли даражада кенгайтириш.

Ҳеч шубҳа йўқки, мамлакатимиз банк тизimini янада такомиллаштиришнинг Конституциямиз нормаларига мувофиқ равишда амалга оширилиши юқорида қайд этилган вазифаларни ҳал этишда амалий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади.



АННОТАЦИЯ

В статье автор рассматривает деятельность Центрального банка по обеспечению финансово-кредитной политики государства. Автор освещает своеобразность банковской деятельности страны и анализирует законодательство, регулирующее данную сферу.

Дилмурод САЪДУЛЛАЕВ,
Тошкент Давлат юридик институти тадқиқотчиси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЕРГА ЭГАЛИК ҚИЛИШНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Она заминимиз бўлмиш ерга бўлган муносабат, яъни уни тасарруф этиш ёки ундан фойдаланиш, унга эгалик қилиш ҳуқуқи ҳар бир даврда ўзига хос хусусиятга эга бўлган.

Тарихга назар ташлар эканмиз, мамлакатимиз ҳудудида истиқомат қилган турли халқлар ва элатларнинг бой ўтмишида айнан ерга бўлган муносабат алоҳида ўрин эгаллаб келганлигининг гувоҳи бўламиз. Зеро, Марказий Осиё минтақаси азалдан унумдор тупроғи, ҳосилдор ери ҳамда иқлим шароити билан деҳқончилик, чорвачилик ва боғдорчилик сингари қишлоқ ҳўжалиги тармоқлари учун қулай маскан бўлиб ҳисобланган.

Мустақилликнинг илк даврлариданоқ юртимизда ерга оид бўлган ҳуқуқий муносабатларни, шу жумладан, ер қонунчилигини такомиллаштиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий механизмларнинг самарали фаолияти йўлга қўйилди. Хусусан, бу борада давлатимиз томонидан ер билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган сиёсатнинг изчиллик билан амалга оширилиши ерга бўлган муносабатнинг ўзгаришига олиб келди.

Асосий Қонунимиз бўлмиш Конституциянинг XII бобида жамиятнинг иқтисодий негизлари хусусида таъкидланиб, айни шу нормаларнинг асосий жиҳатларидан келиб чиқиб ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг меъёрий асослари яратилди. Шу жумладан, жисмоний ва юридик шахсларнинг ерга хусусий мулкдор сифатида эгалик қилиш ҳуқуқи коидалари Бош қомусимизнинг 53-моддасида эътироф этилган: “Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.” Бу қоида, давлат шахснинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини қонунан кафолатлайди. Шунингдек, Конституциянинг 54-моддаси: “Мулкдор мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этади. Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқла-

рини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт” деб маълум маънода мулк эгасининг мажбуриятларига ҳам аниқлик киритиб ўтади.

Ерга оид қонунчилик тизими таҳлил қилинар экан, авваламбор, ерга оид ҳуқуқий муносабатларни аниқлаб олиш лозим бўлади. Чунки, ерга оид муносабатлар мураккаб бўлиб, уни бир ёки бир неча норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тартибга солишнинг имконияти мавжуд эмас. Масалан, ер ҳуқуқи предмети ҳисобланган ерга нисбатан мулкчилик, унга эгалик қилиш, тасарруф этиш, муҳофаза қилиш бир қатор турли нормалар билан, агар ер муносабатлари билан боғлиқ нормалар бузилса, унда тегишли равишда фуқаровий, маъмурий, жиноий ва бошқа хилдаги ҳуқуқий жавобгарликлар юзага келади. Яна бир хусусияти шундаги ерга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш бир вақтнинг ўзида бошқа қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади. Шунингдек, ер-ҳуқуқий муносабат субъектлари доираси ҳам кенгдир.

Шунинг учун ҳам ерга оид қонунчилик тизimini белгилашда ана шу хусусиятларни аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий адабиётларда “ерга оид ҳуқуқий муносабатлар” деганда ер бериш, уни муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш юзасидан давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар ўртасида келиб чиқадиган ер ҳуқуқи нормалари орқали тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Бундан келиб чиқадики, ерга эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларнинг барчаси ер муносабатларини тартибга солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари тизimini ташкил этади.

Хусусан, мамлакатимизда истиқлол арафасида, яъни 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонунда ер бериш тартиби, ҳақи, халқ депутатлар маҳаллий

Кенгашларининг ерни беришдаги ваколатлари, ердан фойдаланишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар, ердан фойдаланиш қоидалари бузилганда ҳуқуқий жавобгарлик масалалари белгиланган бўлиб, корхона, муассаса, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг ерлардан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда ҳуқуқий замин бўлиб хизмат қилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги айнан шу қонунда ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқига алоҳида эътибор берилди. Унда ерга нисбатан давлат мулкчилиги мустаҳкамланган бўлса-да, биринчи марта қонуний тартибда юридик ва жисмоний шахслар ер участкаларини нафақат фойдаланиш учун, балки эгаллаш ҳуқуқи асосида олишлари мумкинлиги ҳам белгиланди. Бундан ташқари, қонунчиликда фуқаролар ўз томорқа ерларини умрбод мерос асосида қолдириш ҳуқуқига ҳам эга эканликлари мустаҳкамланди. Аммо, мазкур қонуннинг баъзи қоида ҳамда меъёрлари такомиллашувга муҳтож ва ерга оид ҳуқуқий муносабатларда айрим ноаниқлик ва чекловларни юзага келтирар эди.

Шунингдек, ер билан боғлиқ бўлган муносабатларни тартибга солувчи “Ер тўғрисида”ги Қонун ҳали мамлакатимиз собиқ Иттифоқ таркибида бўлган даврда қабул қилинган бўлиб, бу даврда давлатимиз сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам “марказ”га тўла қарам, ер муносабатларини тартибга солишда унинг ваколатлари чекланган эди. Шундай шароитда қабул қилинган мазкур қонун бозор иқтисодиёти ҳамда табиат ресурсларидан фойдаланишнинг ҳозирги талаб ва шароитларига тўлиқ жавоб бермаслиги табиий бир ҳол эди.

Шунинг учун ҳам жамият тараққиётининг жадаллашуви, илм-фан ривожланиши, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблашуви ҳамда бошқа иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий, мафкуравий омиллар туфайли 1998 йил 30 апрелда ер-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси қабул қилинди¹. Мазкур кодекс ер ҳуқуқий муносабатларига доир янги ва такомиллашган, амалдаги шарт-шароитларга тўлиқ мос келадиган ҳамда тадбиркорлик, хусусан фермерлик фаолиятига кенг имкониятлар яратадиган ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Зеро ушбу кодекс асрлар мобайнида орзу қилинган ерга нисбатан мулкчилик, унга эгалик қилиш, тасарруф этиш, муҳофаза қилиш каби бир қатор турли нормаларни тартибга солди. Мазкур кодексда ер умуммиллий бойлик, республика халқи ҳаёти ва фаровонлигининг асоси сифатида ундан оқилона фойдаланиш зарурлиги ҳамда у давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилди. Унинг асосий вазифаси сифатида эса, ҳозирги ва келажак авлодларнинг манфаатлари-

ни кўзлаб ердан илмий асосланган тарзда, оқилона фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни, хўжалик юритишнинг барча шаклларини тенг ҳуқуқчилик асосида ривожлантириш учун шароит яратишни, юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкаларига бўлган ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш эканлиги қайд этилди.

Ер кодексида давлат ҳокимияти органларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, ер фонди тоифаларининг ҳуқуқий ҳолати, ер тузишнинг ҳуқуқий асослари, ер мониторинги, давлат ер кадастри, ерга нисбатан мулкчилик, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва тугатилиши асослари ҳамда тартиби, ер сервитути, ер учун ҳақ тўлаш, ер эгалари, ундан фойдаланувчи, ижарачи ва ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ерларни пай жамғармасига бериш, оила пудрати асосида ердан фойдаланиш, ерларни муҳофаза қилиш, ер хусусидаги низоларни ҳал этиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби масалалар ўзининг ҳуқуқий асосини топди. Кодексдаги ҳуқуқий нормаларнинг аксарияти янги ҳисобланиб, уларни бугунги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришларни тартибга солишга қаратилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикасида ерга эгалик қилиш ҳуқуқининг ривожланиши хусусида сўз юритганда, 1999 йил 30 мартда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги йўриқноманинг амалий аҳамияти катта эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Ушбу йўриқнома ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини, мулк қилиб сотиб олинган ёки юридик ёҳуд жисмоний шахсга эгалик қилиш, фойдаланиш учун ёки ижарага топширилган ер участкасига берилган идентификация рақами, у ер участкаси бир бутун сифатида мавжуд бўлиб турган вақтга ер участкасида сақланиши, бировнинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқини тартибга солиш, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер участкаси билан биргаликда хусусийлаштириш ҳамда ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш каби меъёрий-ташкилий масалаларни ҳуқуқий тартибга солувчи ҳужжат ҳисобланади.

Ерга эгалик қилиш ҳуқуқи асослари тўғрисида фикр билдирар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддада эътироф этилган: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир” деган қоида алоҳида таъкидлаш жоиздир. Чунки, она табиат неъматларини, хусусан ерни авайлаб-асраш, уни тўғри парваришлаш ва унум-

дорлигини ошириб бориш, шу билан бирга, унинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш эртанги келажак авлоднинг ерни бой неъматларидан баҳраманд бўлиши кафолати ҳисобланади.

Шунингдек, ер муносабатларини тартибга солишда, янги таҳрирда 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга². Мазкур қонун ер ости бойликларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда юзага келадиган муносабатларни (қончилик муносабатларини) тартибга солиш, минерал хомашёга бўлган талабларни ҳамда бошқа эҳтиёжларни қондириш учун ер қаъридан оқилона, комплекс фойдаланилишини, ер қаъри, атроф-муҳит муҳофаза қилилишини, ер қаъридан фойдаланилаётганда ишларнинг беҳатар олиб борилишини таъминлашдан, шунинг-

дек, ер қаъридан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилишдан, шахс, жамият ва давлатнинг манфаатларини ҳимоя қилиш каби масалаларни тартибга солади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш ўринлики, юртимизда ерга доир ҳуқуқий муносабатларни, шу жумладан уни муҳофазасига қаратилган масалаларни тартибга солишга қаратилган муайян чора-тадбирларни амалга ошириш изчил кетмакетликда амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, айтилган вақтда мамлакатимизда табиат ресурсларига бўлган муносабатнинг янада оқилона фойдаланишни тақозо этилаётганлиги муносабати билан мазкур соҳа қонунчилигида кўплаб такомиллаштириш масалалари ўртага ташланиши лозим бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси эса табиий ресурсларни ҳимоя қилишни барча фуқароларнинг бурчи сифатида таъкидлаб ўтган.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена освещению конституционно-правовых основ владения землей. Автор анализирует законодательство регулирующее данные отношения и обосновывает необходимость применения соответствующих мер по защите земель.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси. // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. – 1998. – № 5-6. 82 модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 1-сон, 8-модда, 9-10-сон, 149-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 25-сон, 287-модда, 51-сон, 514-модда

КЛАССИФИКАЦИЯ ГОСТИНИЧНЫХ УСЛУГ

Классификация гостиничных предприятий по уровню комфорта играет огромную роль в решении вопросов управления качеством гостиничных услуг. В общем учении о гражданско-правовых договорах важное значение занимает проблема их систематизации. Теоретическое обоснование систематизации дает базу для построения четкой системы договоров в кодифицирующих актах гражданского законодательства и позволяет надлежащим образом разрешать многие трудности, возникающие в договорной и судебной практике.¹

По вопросу системы классификации в юридической литературе уже многие годы ведется дискуссия.²

Возникновение и развитие новых форм договорных отношений требует исследования всех договоров в качестве единой, стройной системы. Это позволяет рассматривать договоры не как разрозненную массу отдельных, не имеющих между собой связи, отношений, а как определенную их совокупность, обладающих внутренней, целостной структурой совокупности, в основе которой лежит единство и взаимосвязь между отдельными договорами.³

В ГК РУз получила закрепление классификация договоров в зависимости от направленности порожденных ими обязательств, в основном отвечает объективно существующей взаимосвязи отношений имущественного оборота.

По мнению В.М. Гордона наиболее приемлемой следует признать такую систему группировки, которая строится на использовании критерия, включающего в себя совокупность экономических и юридических признаков.⁴ С учетом этих критериев из всей массы гражданско-правовых обязательств выделяются в самостоятельную группу обязательства по оказанию услуг.⁵

Оказываемые услуги очень многочисленны. Среди них можно выделить услуги связи, медицинские услуги, услуги по туристическому обслуживанию и др. Особое место среди услуг, оказываемых населению, занимают гостиничные услуги.

В самой деятельности по оказанию гостиничных услуг достаточно специфики для того, чтобы подойти к ее исследованию с позиции классификации гостиничных услуг. Более того, исследование деятельности по оказанию гостиничных услуг будет не полным, если не рассмотреть вопрос о делении гостиничных услуг на те, или иные виды.

Деление понятия, как правило, является финальной

логической операцией, которая проводится при изучении правовых явлений.⁶ Классификация гостиничных услуг способствует наиболее полному, завершеному пониманию услуг как особого объекта гражданских прав.

С учетом того, что в юридической литературе отсутствуют разработки по данному вопросу, классификация гостиничных услуг представляется особенно интересной и ценной.

В общераспространенном смысле классификация — это распределение предметов, явлений и понятий по классам, отделам, разрядам в зависимости от их общих признаков. Выявление признаков классификации основывается на качественных, стоимостных и иных характеристиках объектов.⁷

